


*Шариф-Юсунов*

# ХУФИЯ ҚАТЛАМЛАР



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 1999

Ўрис мустамлакаси даврида халқимизнинг маънавияти, унинг ўтмишида содир бўлган муҳим тарихий воқеалар, Туронзаминнинг ажойиб фарзандлари фаолияти даярли ҳамisha қийини кўзгуда кўрсатишлар, ҳақиқат яширишлар, тоғталар эди. Она дийримиз мустақилликка эришгач, тарих ҳақиқатини бор бўй-баста билан кўрсатишдек олижаноб вазифа кун тартибига қўйилди. Эндилликда тадқиқотчи-олимларимиз худди шу шарафли ишга камарбаста бўлмоқдалар. Таниқли адабиётшунос, профессор Шариф Юсупов ҳам ўрис босқинига қарши фидокорона курашган таниқли ҳукмдорлар, саркардалар, элимиз доврўғини узоқ-узоқларга элитган савдогарлар, покдомон шарнат ҳомийлари хусусида бир печа тадқиқотлар эълон қилдирди. Китобга кирган материалларнинг бестисно барчаси истиқлол даврининг ҳосиласи бўлиб, ўқувчиларга янги, оҳори тўкилмаган фикрлар улашишдан ташқари уларда миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришга ҳам кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Ю 91

Юсупов Ш.

Хуфия қатламлар //Сўз боши: Б. Қосимов/.—Т.: «Маънавият», 1999.—144 б.

ББК 63.3. (5У)

4702620204 --5  
Ю М 25(04) — 99 2 — 99

© «Маънавият», 1999 й.

## СУҲБАТИ ДИЛКАШ ОЛИМ

Тарих ва адабиёт бир-бирига ғоят яқин тушунчалар. Ўзини зиёли билган ҳар бир киши бу иккисидан хабардор бўлиши шарт. Бирни кимликни англатса, иккинчиси қандай яшашни ўргатади. Тадқиқотчи эса буларнинг оирини иккинчисисиз ўргана олмайди. Адабиёт ва санъат мислсиз ривожланган, европалик мутахассислар «Олтин аср» деб номлаб келишган XV асрда эса, зиёли бўлмоқ, хусусан, адабий давраларга кирмоқ учун ўттиз минг байт (йигирма минг салафлардан, ўн минг замондошларидан) шеърни ёд билиши шарт ҳисобланган. Алишер Навоий бир муносабат билан эллик минг байт (ўттиз минг салафлардан, йигирма минг замондошларидан) ёд олганини маълум қилади. Буларгина эмас, шеърга ҳарис аждодларимиз мусиқадан ҳам хабардор бўлганлар. Буюк Навоий ва Бобур мусиқанинг ҳам назарияси, ҳам амалиёти билан бевосита шуғулланганлар.

Зиёлиликнинг бир кишида жамланиши шарт бўлган бундай белгиларини афсуски, ҳозир орзу қилиш мумкин холос. Ҳолбуки инсоннинг маънавий камолотини таъмин этишда булар буюк омиллар эди.

Тараққиёт, моҳиятига қарама-қарши ўлароқ, ҳар бир кишини ўз қобиғига ўраб, тор манфаати доирасига тобора боғлаб бораётган, кўп қаватли уйда яшаётганлар гоҳо қўшнисининг кимлигини билмай ўтиб кетаётган замонда «дом»ининггина эмас, она шахрнинг тарихини беш қўлдай биладиган одамлар билан гаплашиш ҳар қандай кишига чексиз ҳузур бағишлайди. Адабиётшунос олим, профессор Шариф Юсупов билан суҳбатлашганмисиз? Тошкентнинг сўнгги 100—150 йиллик тарихини, маҳалла-кўйларини, осори атиқаларини, қўйингки, бек-амалдорларидан қозийи қуззотларигача, идора-маҳкама иморатларидан бойваччалари йиғилиб турадиган самоварларигача беками кўст биладиган ва улар ҳақида бир-биридан қизиқарли ҳикояларни айтиб бера оладиган кишилар у қадар кўп эмас. Айниқса, сўнгги 50—60 йилдаги ўзи кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни, хусусан, санъаткорлар ҳаёти, феъл-атвори, гап-сўзлари, улар билан

юз берган турли-туман ҳодисаларни у кишидек ўрнига қўйиб айтадиган иккинчи бир кишини топиш қийин. Домланинг жуда кўп дўстлари санъат кишилари. Машҳур хонандалар Фахриддин Умаров, Шоалим Шожалиловлар билан ёшликдан қадрдон...

Проф. Ш Юсупов 1928 йилнинг 28 мартда Тошкентда туғилди. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти (ҳозирги университет)да ўқиди. Сўнг аспирантура, замонавий адабиёт бўйича номзодлик диссертацияси, 1990 йилда «Фурқат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиёти» мавзуида докторлик, 300 га яқин мумтоз ва ҳозирги ўзбек адабиёти масалаларига бағишланган мақолалар, ўнлаб китоблар, у киши сабоқ берган юзлаб шогирдлар...

Бироз шошиқ. Келинг, яхшиси домланинг фаолиятини бир бошидан кузатайлик. Шариф ака меҳнат фаолиятини 1944 йилдан, бошланғич рус гуруҳларида ўзбек тили ўқитувчиси сифатида бошлаган. 1946—55 йилларда ўрта мактабларнинг юқори синфларида она тили ва адабиётдан дарс берган. Домланинг санъаткорлар даврасига яқинлашиши ҳам шу йилларга тўғри келади. 1946 йилдан Ўзбекистон радиоси мусиқий эшиттиришлар таҳририятида масъул муҳаррир бўлиб ишлаб боради. 50-йиллардан илмий ишга ўтади. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Ҳозирги замон адабиёти бўлимида кичик илмий ходим сифатида иш бошлайди. Адабиёт ва санъатнинг кундалик жорий воқеаларига бўлган иштиёқ Шариф Юсуповни 1956 йили янги ташкил топган «Ўзбекистон маданияти» газетасига олиб келади. Дастлаб мазкур ҳафталикнинг адабиёт ва санъат бўлимини, сўнг «Ўзбекистон коммунисти» ойномасида фан ва маданият бўлимини (1962—70), ўзбек қомусида илмий адабий назорат бўлимини (1970—72) бошқаради. Айни пайтда 1969 йилдан ТошДУ нинг журналистика факультетида ўриндошлик тариқасида ишлайдди. «Журналистика жанрлари» назарий курси ҳамда «Газетада адабиёт ва санъат масалаларининг ёритилиши» ихтисослик курси бўйича маърузалар ўқийди, амалий машғулотлар олиб боради. 1973 йилдан Ўзбек филологияси факультетида доцент, 1991 йилдан эса профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. Ҳозирда Ўзбек миллий уйғониш адабиёти кафедрасининг етакчи профессори.

Ш. Юсупов 1951 йилдан танқидчи, адабиётшунос, санъат муҳиб ва журналист сифатида республика вақт-

ли матбуотида мунтазам қатнашиб келади. 1951-75 йиллар давомида кўпроқ ҳозирги замон адабиёти масалалари ва замондош ижодкорлар фаолиятини тадқиқ этиш билан шуғулланди.

Кейинги чорак аср давомида эса Ш. Юсупов миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти вакиллари, биринчи навбатда, Зокиржон Фурқат меросини атрофлича ўрганиш ва бугунги миллий истиқлол даврининг талаб ва эҳтиёжлари асосида янгича талқин этишга асосий эътиборини қаратмоқда. Унинг Фурқат ҳаёти ва ижоди масалаларига бағишланган «Фурқат йўлларида» монографияси (1984), «Дўстлик қалдирғочлари» рисоласи (1983), «Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат» ўқув қўлланмаси (1992), «Худоёрхон ва Фурқат» китоби (1995), ўнларча мақолалари бунга далил. Бу тадқиқотлар янги маълумот ва хулосаларга бойлиги, муҳим назарий ва амалий муаммоларни ўртага қўйганлиги ҳамда ҳал этишга уринганлиги билан эътиборга лойиқдир. Ш. Юсупов Фурқат замондошлари фаолиятини тадқиқ этишда қизиқарли натижаларга эришмоқда. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги ўзбек маърифатпарварлиги доираси биз тасаввур қилганимиздан анча кенг эканлиги маълум бўлди. Тадқиқотчининг «Муқимий ва Муҳий», «Комил ҳақида янги маълумотлар», «Камий — маърифатпарвар шоир», «Сатторхоннинг таржиман ҳол асари», «Исёнкор додхоҳ» (генерал Жўрабек) сингари салмоқли ишлари, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Саидрасул Азизий, Эшонхўжа мударрис ва бошқа маърифатпарварлар хусусидаги янги дадил мулоҳазалари шундан далолат беради.

Айни пайтда Ш. Юсупов Туркистон тарихининг хонликлар даври ва ўрис босқини билан боғлиқ мураккаб, кўп ҳолларда чалкаш муаммолари билан ҳам жиддий қизиқиб, турли архивларда, қўлёзмалар фондларида иш олиб бориб, шўролар даврида ўрганилмай келган ёки атайлаб ёмон отлиқ қилинган ҳукмдорлар, саркардалар, зиёли савдогарлар фаолиятига оид янги-янги тадқиқотларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқда. Худоёрхон ва унинг аждодлари, хоннинг маърифатпарвар шоир ўғли Фансуруллобек, жасур саркарда Алимқули, мустақиллик фидойиси Ҳакимхўжа қозикалон, мустамлака Туркистонда тижоратчилик ифтихори бўлган Валихोजибой, Тожимуҳаммад, Мирзо Абдулло ва бошқалар ҳақида эълон қилинган йирик тадқиқотлари, ниҳоят, Қўқон хонлиги тарихига оид яқинда тўғалланган ва ҳукмингизга

ҳавола этилаётган «Хуфия қатламлар» номли қизиқарли асари шулар жумласига кирди. Масалан, муаллиф зикр этилган сўнги тадқиқотида тарихий манбалардаги кўпдан-кўп фактларга суянган ҳолда тарихимиздан ҳа деб исён, қўзғолон қидиришдек синфийликнинг «номатлуб тажриба»сидан воз кечиш, жумладан, Пўлатхон воқеасини қайта баҳолаш, унга ҳокимият учун олиб борилган кураш, тахт-салтанат «ўйин»лари сифатида қараш масаласини кўтаради.

Тарих ва адабиётни ўзаро ҳамкорликда чамбарчас алоқада ўрганиб келаётган Ш. Юсуповнинг санъат ва санъаткорлар ҳақида ўн йиллар давомида олиб борган илмий тадқиқот ишлари «Санъаткорлик — фидойилик», «Санъаткор ва жамоатчилик», «Нафосат илми зарур» каби йирик умумлашма мақолаларида, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Аброр Ҳидоят, Шораҳим Шоумаров, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Маъруфхўжа Баҳодиров, Муҳаммаджон Мирзаев, ака-ука Шожалиловлар, ниҳоят, Фахриддин Умаров мақомидаги йирик санъаткорлар ҳақида ёзилган адабий портретларда ўз тажассумини топди. Олимнинг 40 йиллик меҳнати маҳсули бўлган «Санъат ва ҳайрат» номли салмоқли китоби яқиндагина босмадан чиқди. Ш. Юсуповнинг тарих, адабиёт соҳасидаги кузатишларида бўлганидек, бу бордаги тадқиқотларида ҳам нодир факт ва ҳужжатлар, ноёб топилмаларни тез-тез учратасиз. Масалан, «Санъат ва ҳайрат»дан ўрин олган «Муҳрланган лаҳзалар» мақоласида 1855 йилда Шарқий Туркистонда китобат қилинган, Мўъжаз таҳаллуси билан шеърлар ёзган Исма тулла Неъматулла ўғлининг «Таворихи мусиқиюн» китобидан хабар топиб, унда учраган жуда кўп янги маълумотлар, чунончи, Бобурнинг биз шу пайтгача номинигина билганимиз мусиқа илми ҳақидаги асарининг асли номи «Асрори мусиқи» бўлганлиги, «Наво» Навоий, «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Чорзарб». Паҳлавон Муҳаммад, «Хусайний» Хусайн Бойқаро, «Баёт» хоразмлик машҳур бастакор ва мусиқашунос Юсуф Саккокий томонидан яратилгани, қадим ўлкамизда Абу Наср Форобийдан олдин мусиқа ҳақида ёзилган икки илмий асар ва уларнинг ҳаёти, XVI асрда Хўстанда яшаган ажойиб созанда. Ноқисий таҳаллуси билан шеърлар ёзган шоира, «Ишратангиз» куйининг, «Шуруҳул қулуб» («Қалблар шарҳи») илмий тадқиқотининг муаллифаси Омоннисонинг ҳаёт саргузаштлари ҳақидаги қизиқарли воқеаларни ҳукмингизга ҳавола қилади. Ё бўлмаса, домланинг

XIX асрда яшаб ўтган бастакор аёллар муносабати билан Адолатхоним ва унинг ижодий тақдири, Муқимийнинг унга бўлган меҳру муҳаббати ҳақидаги кузатишларини олинг. XX аср ўзбек қўшиқчилик санъатининг маълум ва машҳур арбоблари ҳақидаги адабий портретлар эса, миллий маданиятимиз тарихининг ўчмас саҳифалари ҳақидаги қизғин ва эҳтиросли ҳикоялардир. Китобнинг «Қўшиқ ва сўз ҳақида ўйлар» рукни остидаги мақолаларда сўзнинг қадри, мумтоз адабиётимизга меҳрихлос, уни ардоқда сақлаш ҳисси уфуриб туради. «Ҳангомалар» эса муаллиф эътироф қилганидек, «салкам 20 йил жумҳурият матбуоти ва радиосида адабиёт ва санъат бўлимларида хоксор хизматда бўлган» мазкур «улуғ зотлар эшигини тақиллатиб борган», «расмий ва норасмий йиғинларда тиззама-тизза ўтириб», гап-сўзларини олиб олиб, ўқувчига у ёқ, бу ёғини тарашлаб тутқизган шингил кулгу ҳикояларидир.

Ш. Юсупов Р. Тагор, М. Горький, Ю. Фучик, А. Чаковский асарлари таржимони сифатида ҳам таниқли. Индонез адиби Марах Руслининг «Севги фожиаси», нигер ёзувчиси Чину Ачебенинг «Вайроналик шундай бошланади» романларини ҳам у ўзбекчага ағдарган.

Олимнинг вақтли матбуотда эълон қилинган тадқиқотлари бир неча марта тақдирланган. Чунончи, у «Фурбатда Фурқат» тадқиқоти учун «Гулистон» (1978), «Куйлар қанотида асрлар оша» мақоласи учун «Ўзбекистон санъати» (1983) журналларининг йиллик мукофотларига, «Тожимуҳаммад тужжор ва биродари» тадқиқоти учун «Савдогар» ҳафталиги танловининг биринчи мукофотига (1993) сазовор бўлди.

Ш. Юсупов 1959 йилдан Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси. Сермаҳсул олим ва педагог кечагина 70 ёшга тўлди. Яқинда «Фурқат олами» номли йирик тадқиқотини тугатди. Шу кунларда ўрис босқини давридаги Қўқон тарихининг долзарб муаммолари устида қизғин иш олиб бормоқда. Айни пайтда Миллий уйғониш даври адабиёти кафедрасининг профессори сифатида ўзбек филологияси ҳамда журналистика факультетларида бир қатор назарий ва ихтисослик курсларидан маърузалар ўқимоқда, амалий машғулотлар олиб бормоқда. Аспирантлар, дипломантлар ва истеъдодли талабаларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилмоқда.

**Бегали Қосимов,**  
филология фаңлари доктори, профессор.

## ХУФИЯ ҚАТЛАМЛАР

(Қўқон хонлиги тарихининг баъзи нуқталари)

Тошкент Давлат университетида Озарбойжон Республикаси президенти Ҳайдар Алиев билан бўлган учрашувда Ислам Абдуғаниевич Қаримов ҳам нутқ сўзлаб, унда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи яратилаётганлиги масаласига тўхталиб ўтган эди. Шу муносабат билан президентимиз шўролар даврида Ўзбекистоннинг тарихи Москвадан ёзиб бериларди, деган ғоят ўринли ва кескин фикрни ҳам айтди.

Чиндан ҳам шўролар даврида ёзилган тарих китобларида ўтмишда халқ ҳаётида рўй берган кўпдан-кўп воқеалар, йирик тарихий шахсларнинг фаолияти коммунистик мафкура ғалвиридан мажбурий равишда ўтказилар, шу мафкурага хизмат қиладиган тор, қинғир қолипга солинар, шундан кейингина, ўқувчи ишонмиш-ишонмаслигидан қатъи назар, унинг онгига ниқтаб тиқилар эди.

Уша даврда яратилган Ўзбекистон тарихига оид китобларнинг аксар кўпчилигида (афсуски, бундай китоблар республикамиз мустақилликка эришганидан бешолти йил ўтгач ҳам баъзан учраб қолмоқда) хонлар ва амирларнинг беистисно ҳаммаси ўта қонхўр, илм-маърифат кўчасидан ўтмаган кишиларсифатида, бутун Турон-заминдаги ҳаёт эса узлуксиз халқ қўзғолонларидан иборат қилиб кўрсатилди. Масалан, 1996 йили «Фан» нашриётида чоп этилган «Қўқон тарихи» китобида шаҳарнинг XIX аср 40—70 йиллари орасидаги ҳаёти ҳақида сўзланаркан, «Қаландар қўзғолони», «1841 йилги Қўқон қўзғолони», «1842 йилги Қўқон халқ қўзғолони», «Қипчоқларнинг 1853 йилги қўзғолони», «1854 йил қўзғолони», «Рустамхон ва Мирза Мунаввар қўзғолони», «Қўқонликларнинг Пўлатхон қўзғолонида иштирок этиши», «Қўзғолончиларнинг ўтроқ аҳоли томонидан қўллаб-қувватланиши», «Оммавий халқ қўзғолонлари», «Халқ озодлик ҳаракатининг бошланиши», «Умумхалқ озодлик ҳаракати», «Халқ ҳаракатининг мағлубиятга учраши» ва бошқа шунга ўхшаш шўролар даврида меъдага теккан сарлавҳаларни кўравериб, нафасингиз қай-



тиб кетади. Тўғри, айрим ҳукмдорлар зулмига, халқнинг тинқасини қуритган солиқларга қарши норозилик чиқишлари вақт-вақти билан бўлиб турган. Бироқ турли тахт даъвогарларининг ёнига кириб, бир хонни ўлдириб, бошқа бир ҳақиқий ёки сохта хонзодани тахтга ўтқазиб қўйиш билан бутун мамлакат низоми ишдан чиққан, савдо-сотиқ, деҳқончилик ишлари тўхтаб, қаҳатчилик авж олган ҳоллар жуда кўп бўлган. Бир ҳукмдор ўрнига ундан кўра муносибми, номуносибми, бошқа ҳукмдорни алмаштириб, юртда бебошликни авж олдирган, кўплаб бегуноҳ қон тўкилишига сабаб бўлган худбинлар қилмишини шўролар даври қолипига мослаб «халқ қўзғолонлари» номи билан тарихга киритишдек номатлуб тажрибага чек қўйиш, ҳамма нарсани холисона, ўз ҳақиқий номи билан аташ даври аллақачон етган деб ўйлаймиз. Шу муносабат билан баъзи муаррихларимиз томонидан «халқ озодлик курашининг йирик раҳнамоси» сифатида кўкларга кўтариб мақталган Пўлатхон қўзғолонига тўхталиб ўтмоқчимиз. Зокиржон Фурқат машҳур «Аҳволот» ида бу хусусда нималар ёзганини эслайлик: «Қирғизия ва қипчоқия жамоалариким, тавобеъи Хўқанд эрдилар, намакхўрлик риюсини пос тутмай, муҳолифат кўсини навозишга келтирдилар. Андак замонда Андижон вилоятиким Сайид Насриддинбек ном Худоёрхоннинг валиаҳд фарзанди анда ҳокими билестиқлол эрди, ани зердаст айлаб, ўзларига подшо айладилар. Ва бир неча кун ул шаҳарда туруб сипоҳийлик асбобларини жам айлаб Хўқанд азиматиға мутарассид бўлдилар. Бу хабари фасодасар Худоёрхон ҳазратиға етушуб, ҳайрат мақомида қолди. Алғараз ул муфсиду муфаттин қавмлар фитнасиндан танг ўлуб, ихрождиң ўзга чора топмади... Бу арода уч кун ўтуб қипчоқия ва қирғизия лашкари Хўқанд вилоятиға дохил ўлуб, кўб талотублар бўлдиким, батафсил баёни бошқа китобимда зикр топқандур. Алқисса мамлакат забти мушаввашға мубаддал ўлуб, толиби илмлар ҳар тарафқа мутафарриқа ўлуб, голибо ҳунару касб ихтиёр айлаб кетдилар... Бу арода бир мунча замон ўтуб Хўқанд вилояти Русия давлатиға тааллуқ топти».

Фурқатнинг сохта Пўлатхон бошлиқ қўзғолонга салбий муносабати ундан-бундан эшитилган миш-мишлар асосида туғилган эмас. Қўқон мадрасаларидан бирининг толиби илми бўлган ўспирин Зокиржон бу «мушаввашга мубаддал»ликни, яъни тартибсизлик, бебошлик томон

бурилишларни ўз кўзи билан кўриб, оқилона идрок этиб шундай хулосага келган эди.

Фурқатга замондош бошқа қалам соҳиблари, муаррихлар ҳам бу қўзғолонга, қўзғолон раҳнамоси Пўлатхоннинг ваҳшиёна қатли омига кескин салбий муносабат билдирганлар. Чунончи, Фурқатнинг қалин дўсти шоир Ҳавоний — Умидий ўз манзумаларидан бирида:

Пўлот қотил — лақаб Заҳҳоки соний  
Етуб авлоди хонга кўб зиёни,  
Сўюб хонзодаву бекзодаларни,  
Гўдаклик боғида озодаларни,  
Қизил гул гунчасидек икки гўдак,  
Булар хонзода — эмар эрди эмчак.  
Оно қўйнидин олиб икки нафар,  
Аларни қўйди бўйни узра ханжар,

деб ёзганлиги маълум. Бу парчада Худоёрхоннинг икки эмизикли фарзандини Пўлатхон сўйдирганлиги хусусида гап бормоқда. Худоёрхон билан Пўлатхон мурасасиз душман эканликлари, улар илгарироқ ҳам бир-бирлари устига қўшин тортиб, кўп қонлар тўкканликлари маълум. Лекин Худоёрхоннинг укаси (хон тахтдан қулаган пайтларида уни ўзи билан бирга Бухорога олиб кетган, кейинчалик тахтни қайта эгаллагач, Наманган вилояти ҳокимлигини унга тортиқ қилган) Сайид Султон Муродбек акаси бошига энг оғир савдолар тушган пайтда хондан юз ўгириб, икки минг чоғли сипоҳилари билан Пўлатхон томонига ўтиб кетганлиги ҳам ўша даврнинг ишончли манбаларида қайд этилганлиги сир эмас. Қўқонни забт этган Пўлатхон ўз ҳаммаслиги бўлмиш ўша Сайид Султон Муродбек ва унинг етти фарзандига қандай муносабатда бўлганлиги Ибн Яминбек Худоёрхон ўғли таржимаи ҳол асарининг «Туркистон вилоятининг газети»да 1893 йил 4 июнда чоп этилган қисмида не тариқа баён этилганини ҳам кўрайлик:

«Пўлотхон ўз саройида ва Марғилонда ва Хўқандда кўб зулму ситам қилди. Чунончи отамнинг укасини — Сайид Муродбекни ушлаб қатл қилди, етти ўғлини сўюб қўюбдур. Ушбу фурсатда мазкур Пўлотхонни бир воқеаси кўб таажжуб иш бўлди, яъни Султон Муродбекнинг бир яшар бешикда ётқон ўғлини Пўлотхон жаллодга сўймоққа буюрубдур. Мазкур жаллод бешикка келиб қўл уриши билан мазкур гўдак жаллодга қараб кўб муҳаббат билан табассум қилибдур. Баъдаз жаллод маз-

кур Пўлотхонга арз қилибдур: “Тақсир, ман бу гўлакни қатл этарга қўлум бормади. Зероки они ўлдурмакка, қасд қилиб ёнига боргонимда манга қараб норасида бе-гуноҳ табассум қиладур. Ушал табассумлари ихтиёрим-ни мандин олди”, — дебдур. Андин кейин Пўлотхон га-заби келиб, жаҳолат билан ўрнидан туруб, ўз қўли билан бешикдаги болани ва ҳам жаллодни қатл айлаб-дур».

Бешикдаги гўдакка қонхўр жаллоднинг раҳми кел-саю, «халқ озодлик курашининг раҳнамоси» бу раҳмдил-лик учун ҳам жаллодни, ҳам фариштадек гўдакни кет-ма-кет сўйса, бунга нима дейсиз?! Адабиётшунослар та-рихий манбалардан, муаррихлар эса адабий манбалар-дан пухта хабардор бўлсалар, юқоридаги сингари маса-лалар атрофлича мулоҳаза қилиниб, холисона баҳолан-са! Мустақиллик даврининг бош мезони шу деб ўйлай-миз.

Шўро даврининг тез алданувчан ўқувчилари ўша замонларда (фақат ўша замонларда бўлса майли эди-я, баъзан ҳозир ҳам) муаррихларимиз китобларининг сўнг-ги саҳифасини ёпгач: «Ота-боболаримиз хонликлар дав-рида қандай даҳшатлар ичида яшашган экану, улуғ оғамиз бизни қандай бахтли замонларга етказган экан», — деган таассурот билан яшаганларини ёддан чиқармайлик.

Шўро мафкураси якка ҳукмронлик қилган даврда, турган гапки, эл-юрт гамини ейдиган, иймон-инсофи бу-тун, маърифатли хонлар ва йирик амалдорлар ҳақида фикр юритиш, улар фаолиятини муносиб тарзда ёритиш кўп ҳолларда муаллифларнинг хаёлига ҳам келмасди.

Ўзбек хонликларида юртни билимдонлик ва инсоф билан идора қилиш анъаналари, мамлакат бош ҳукмдор-ларининг илм-маърифат, адабиёт ва санъат кишиларига чинакам ҳомийликлари, иқтисодиёт, савдо-сотик, юрт ободлиги йўлида амалга оширган ишлари хусусида гап очиш энг қаттиқ жазога муносиб бўлган гуноҳи азим ҳисобланарди. Шунингдек, юрт ҳукмдорларининг шажа-расини аниқлашга киришган бирор мутахассис пайдо бўлиб қолса, унинг бошида ҳам кетма-кет таёқ синмай қолмасди.

### ОЛТИН БЕШИК МОЖАРОСИ

Мабодо баъзи хонлар шажараси халқ меҳрини қозон-ган бирор тарихий сиймога бориб улангудек бўлса, бу ҳам «ўша хонлар ўз обрў-эътиборини ошириш учун тў-

қиб чиқарган уйдирма» деган хунук тамға ҳамиша тайёр эди.

Шу муносабат билан Қўқон хонларининг шажараси хусусида кейинги вақтларда баъзи мулоҳазалар билдирилганлиги эътиборга лойиқдир. Шўролар мафкураси ҳукмронлиги даврида бундай масалалар умуман бош қотиришга арзимайдиган майда гаплар деб ҳисобланган, хонлар тарихи ҳар бир мамлакат тарихининг узвий қисми эканлиги, мамлакат ҳаётининг муайян давридаги ижтимоий тараққиёт ёки буҳрон ўша даврдаги асосий ҳукмдор фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги ҳақида фикр юритиш халқ оммасининг тарихдаги ролига доир марксча-ленинча таълимотга хиёнат қилиш деб баҳоланган эди.

Ҳар қалай, кейинги вақтда Қўқон хонларининг шажараси хусусида, бир-бирига зид бўлса ҳам, фикрлар билдирилгани эътиборга лойиқ деб ўйлайман. Қўқон тарихи бўйича йирик тадқиқот чоп эттирган бир таниқли мутахассис Қўқон хонлари шажарасини ёритишда ҳам ўтмишдаги, ҳам шўролар давридаги кўпгина тарихчилар асос қилиб олган «Олтин бешик» воқеасига тўхталиб бундай ёзади: «Шуни айтиш керакки, Бобурнинг ўзи Олтин бешик ҳақида ҳеч нарса демайди, тарихчилар ҳам (?!), Бобурнинг замондошлари ҳам уни тилга олмайдилар. Шунинг учун ҳам бу ривоятни оғиздан-оғизга кўчиб келган афсонавий гап ёки Қўқон ҳукмрон доиралари ўз шажараларини у билан боғлаш ва ўз ҳокимиятларини барқарор қилиш, мустаҳкамлаш мақсадида тўқиган ривоят деб ҳисоблаш мумкин».

Олтин бешик воқеаси «Бобурнома»да қайд этилмаганлиги ҳақидаги муаллиф фикри шубҳа туғдирмайди. Бироқ Бобур ўзи «Вақонл» деб номлаган машҳур асарига бу воқеани киритса нима бўларди? деган савол ҳақида ҳам бош қотириб кўрилса, фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлаймиз. Олтин бешик воқеаси Бобур учун энг фожиали дамларга, яъни у Шайбонийхон қўшинига бас келолмай, ўша вақтдаги бутун Фарғона музофоти ҳам тобе бўлган Андижон тахтини ташлаб, кам сонли сипоҳи билан юртдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлган дамларга тўғри келган. Бобур ўз диёрига ташлаб кетишга мажбур бўлган Олтин бешик воқеасини ўзининг шоҳ асарига акс эттирса, эндиликда бу юрт ҳукмдори бўлган Шайбонийхон ва унинг атрофидагилар бир зумда хабар топиб, беғуноҳ шахзоданинг бошини сапчадек узиб ташлашлари муқаррарлигини хаёлига келтирма-

димикин? Қолаверса, муаллифнинг Олтин бешик воқеасини «тарихчилар тилга олмайдилар», дейиши асло ишонарли эмас. Негаки, Қўқон тахтининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхоннинг иккинчи ўғли, отасидан сўнг шу тахтда ўтириши ҳам эҳтимолдан узоқ бўлмаган Муҳаммад Аминбек «Туркистон вилоятининг газети»да 1894 йил 22 мартда чоп этилган «Фарғона музофоти хонлари хусусидаги воқеотлар» деб аталган қимматли асарида; Қўқон хонлари кутубхонасини бошқарган, барча ишончли манбалардан тўла хабардор бўлган муаррих Мирзо Олим Мушрифнинг Муҳаммад Аминбек асаридан анча илгари яратилган «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» («Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихи») китобида, ундан кейинроқ Мулло Олим махдум «Тарихи Туркистон» (1915), Исҳоқхон Ибротнинг «Тарихи Фарғона» (1925) номли ишончли манбалар асосида яратилган қимматли асарларида Қўқон хонлари шажараси хусусида фикр юритганларида худди ўша Олтин бешик воқеасига таянадилар. 20—30-йилларнинг таниқли адабиётшуноси Миён Бузрук Солиҳов эса «Ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш» номли кенг шуҳрат қозонган китобида Қўқон хонлигида мавжуд бўлган бутун адабиётни «Олтин бешик даври адабиёти» деган ном билан атаган.

Шу нарса ҳам махфий қолмасинки, Исҳоқхон Ибротнинг «Тарихи Фарғона»си Олтин бешик воқеасини «тарихчилар тилга олмайдилар» деган фикрни қатъий айтган ўша муаррихнинг салмоқлигина кириш сўзи билан биргаликда чоп этилган. Исҳоқхон Иброт ўзидан анча илгари яшаб ўтган муаррихларнинг асарларида ҳам Олтин бешик воқеаси мавжудлигини айтиб, «Таърихи Шаҳрухий»ни шафе келтиради.

Олтин бешикда ташлаб кетилган гўдак Бобурга бевосита алоқадорми-йўқми деган саволга ўтмишдаги муаррихларнинг жавоблари турлича. Чунончи Исҳоқхон Иброт Олтин бешикдаги гўдак Бобурнинг эмас, бошқа «бир мудаббир киши»нинг фарзанди бўлиб, отаси уни шаҳзода сифатида тан олинишини ва келгусида Фарғона ҳукмдори бўлишини истаб шу тadbирни ишлатган, деган тахминни маълум қилади.

Мулло Олим махдум ҳожи, шунингдек Мирзо Олим Мушриф уни тўғридан-тўғри Бобурнинг фарзанди деб ҳисоблайдилар. «Вақтеки Бобурхон, — деб ёзади Мулло Олим махдум, — ўзбек хонлари ила Самарқанд музофотида муҳораба айлаб, мағлуб бўлуб, қочиб, алҳол

Хўқанд шаҳри бино бўлгон мавзедаги катта сойликка келганда фаросат илан топибдурким, бул жой сероблик ва хушҳаво сабабликдин андак вақтда ободон ва катта шаҳар бўлса керак деб. Алҳол Хўқанд шаҳрига сув келадургон катта сойдин ўтганда кўрубдурким, сойнинг икки тарафида кўб элатиялар ижтимоъ қилиб қўниб ўлтурубдурлар. Муни кўриб Бобурхон кимхоб ва зарли либосларга ўралиб олтун бешикка боғланган бир боласини гузаргоҳга қўйиб, бир доно ва ҳушёр одамни ул бешик ила болага дийдбон ва қоровул таъйин қилиб айтибдурларким: “То ушбу бола бирор одамнинг қўлига тушуб, олиб кетгандан сўнгра бизларни орқамиздан етиб келурсан”, — деб тезлик илан ўз йўлларига жўнаб кетибдурлар».

Мирзо Олим Мушрифнинг бу хусусдаги баёни янада муфассал ва ишонарлироқдир: «Бобурхон ўзига тобе хос одамлари бирла ва аҳли аёлларини олиб, пинҳон йўллар бирла Фарғона тавобеъига дохил бўлди эрса, шул аснода заифаси ҳомиладор эрди, ваъзи ҳамл ўлуб бир барно ўғул туғди. Бобур подшоҳга ҳазимат шиддати ортуғ эрди ва Шайбоний жамоатидин ваҳми тарси қолиб эрди. Бул боисдин ул нав таваллуд тифлни бир олтун таъбия қилгон бешикга солиб, бир неча қимматбаҳо тошлару гавҳарлару бир ҳамён зар бешик ичида ул гўдак бошига қўйиб, бир бешада худога амонат топшириб кеттилар ва яна бир тағосини анга ниғаҳбон қилди, токи даррандалар анга зиён-заҳмат еткурмасун деб. Шитоб бирлан Кобулга равона бўлдилар».

Мирзо Олим Мушрифнинг бу мулоҳазалари Бобур Олтин бешик воқеасини нима учун «Бобурнома»га китритмаганлиги сабабини аниқроқ тасаввур этишга ҳам кўмаклашади деб ўйлаймиз.

Мушриф китобда Султон Бобур кейинчалик Олтин бешикда ташлаб кетилган фарзанди тақдири билан қизиқиб, Ҳиндистондан Фарғонага махсус элчи юборганлиги, фарғоналиклар уни хон кўтариш ниятида эканликларини айтиб, Бобурга арза йўллаганликлари, падари бузруквор ризоси билан уни тахтга ўтқазганликлари ва кимга уйлантирганликларигача бошқа таворихномаларда учрамайдиган маълумотлар беради: «Замоне Мирзо Бобурхон гўдакни бешага ташлаб, суръат бирла Ҳиндустонга борди эрса, Худонинг фазлу карами бирла бирдон Ҳиндустонга подшоҳ бўлди. Адли доди камолон бажо келтурди, халойиқга адли ва жавонмардлиги зоҳир бўлди эрса, андак таважжуҳ бирлан тамоми Ҳиндустон-

ға билистиклол ҳоким бўлуб, ўшал гўдак фарзандики, олтун бешик бирла Фарғона бешасиға ташлаб келиб эрди, ёдиға тушуб, дафъатан бир одами донони элчи қилиб, кўб ёдномалар бирла Фарғона юртиға юборди. Элчи шавқу завқ бирла равона бўлуб, Фарғона вилоятиға келиб, сўроглаб ул гўдакни топти. Хату ёдномаларни топшурди эрса, бир неча кун хўб элчини меҳмон қилиб, иззату икром бирла навозишлар қилдилар. Андин сўнг халойиқлар жам бўлуб маслаҳат бирла Бобурхонға арза ёздилар. Мазмуни арза улдурким:

“Бул подшоҳзодани шул умид бирла тарбият қилиб эрдукким, юртимизға хон қилурмиз, деб жанобларидин илтимос қилдук. Густоҳлик бирла бул шаҳзодани сақлаб элчиларни қайтардук. Тил сўзумизни арз қила ижобатга мақрун бўлғай, ассалому алайкум”, — деб арзани элчига бериб, инъому эҳсонлар бирла қайтардилар.

Неча манзилу мароҳил тай қилиб бориб, сурати воқеани баён қилиб, арзаларини Бобурхонға еткарди эрса, гўдакни саломатлигини англаб хурсанд бўлуб, шукроналар айлаб, сўзларини қабули ижобатга қарин айлади. Андин сўнгра тамоми халойиқлар жам бўлуб, уламоу фузалоу машойих иттифоқ бирла Фарғонаға хон кўтардилар.. Олтун бешикхон минг жамоани улуғини Қутлуғхоним деган қизини никоҳига олди эрса, андин бир ўғул вужудға келди эрса, уч исмға машхур бўлди: Тангриёрхон, Худоёр Султон ва Султон Эликхон».

Шундай қилиб, Қўқон хонлиги кутубхонасини бошқарган ва энг ишончли манбалардан ҳаммадан кўра кўпроқ воқиф бўлган Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» китобида ифодаланган фикрлар ҳақиқатга жуда яқин бўлиб, Олтин бешикнинг афсона экани хусусидаги даъволарни рад этади деб ўйлаймиз.

## ХОН БУЛИШНИ ХОҲЛАШМАДИ

Уч хонлик давридаги тарихимиз ҳақида гап борар экан, ҳамиша бир хунук жиҳат, яъни барча хонзода ва бекзодалар биродарларини, энг яқин, вафоли қариндошларини ўлдириб бўлса ҳам тахтга чиқишга уринган, бу йўлда ҳеч қандай ёвузлик ва уятсизликлардан қайтмас эди, деган фикр уст-устига уқтирилаверарди. Тўғри хонликлар даврида ҳам, ундан илгари, темурий шаҳзодалар орасида ҳам бу хунук жиҳат учраб турган. Бироқ Қўқон хонлигининг сўнгги 33 йилида, яъни Бухоро амири

Насрулло Қўқонда қирғин-барот ўтказган 1842 йилдан то Худоёрхон тахтни ташлаб, ўрислардан мадад истаб Тошкентга жўнаган 1875 йилгача бўлган даврда бу юрдаги хонзода ва бекзодалар ўртасида бошқа бир тамойил кўпроқ кўзга ташланади. Тўғри, бу даврда тахт соҳибини хоҳ ошкора, хоҳ махфий қатл этиб, тождор бўлишга интилиш барҳам топиб улгурмайди. Лекин, айна вақтда, ўзларига тақдим этилган тахтдан турли сабаблар билан воз кечиш тамойили кучая боради.

Биз ибтидо нуқтаси сифатида кўрсатаётган 1842 йилдан бир йилча аввал Қўқон тахтига йиғирма йилдан ортиқроқ ҳукмфармолик қилган Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) мамлакатда кенг ёйилган норозилик кайфиятидан ваҳимага тушиб, шунингдек, оқила онаси Нодирабегимнинг доно маслаҳатларига унаб, ўз иниси Саид Маҳмудхон фойдасига тахтдан воз кечган, тахтни унга топширган эди.

Шунга қарамай, амир Насрулло ва аъёнлари қўшни хонликнинг барча ҳудудларини ўзларига бўйсундириш, у ерларда ҳам тўла ҳукмронлик қилиш мақсадида шариатни инқоб қилиб, сон-саноқсиз аскар билан Қўқонга бостириб кирдилар, аллақачон тахтдан кетган Муҳаммад Алихоннинг арзимас ишини етти авлодга иснод келтирадиган гуноҳ дея маҳобатли ҳукм чиқариб, собиқ хонни ҳам, унинг ўрнини эгаллаган укасини ҳам, табаррук онасини ҳам, эндигина соқол-мурти чиқа бошлаган бош фарзанди Муҳаммад Аминбекни ҳам халқ ўртасида қатл этган эдилар. Шу қирғин-барот вақтида Муҳаммад Алихоннинг икки кичик ўгли (Қаландарбек билан Музаффарбек) бир илож қилиб қатли ордан сақлаб қолиниб, Урганчга қочиб юборилган эди. Лекин уларнинг каттаси Қаландарбек ҳам орадан анча йил ўтгач янгидан бошланган тож-тахт талашлари вақтида фитна қурбони бўлади (биз бу хусусда кейинроқ тўхталамиз).

Хулласи хонлик хазинасини, юрт бойликларини талаганча талаб, ўнларча гўзал аёлларни чўри сифатида ҳайдаб Бухорога олиб кетган амир Насрулло, Қўқон тахтини ўз ишончли саркардаларидан Иброҳим хаёл деган кишига топширади. Қўқон тахтини эгаллаган саркарданинг хаёл лақабини олишига унинг кўкнор ҳамда нашага қаттиқ ружу қилганлиги сабаб бўлган эди. Амир Бухорога жўнагач, тушига ҳам кирмаган Қўқон тахтига ўтириб қолган Иброҳим хаёл энди кечаю кундуз ўз севган машғулоти бангиликдан бўшамай, бу ботқоққа борган сари чуқурроқ чўка бошлайди. Сарой аъёнларининг



мамлакатни бошқариш юзасидан ҳали у, ҳали бу «ғал-ва»ни топиб ҳузурга кираверишлари, уларни ҳал этиш учун йўл-йўриқ сўрайверишлари Иброҳим хаёл кайфини бузар, ҳаётининг бош мақсади бўлмиш бангиликка қаттиқ халал берарди. Кўкнор ва наша кайфида арши аълода учиб юришни ҳамма нарсадан устун қўйган янги ҳукмдор орадан икки ярим ой чамаси вақт ўтгач, «жонидан тўяди» ва «бор-е» дейди-ю, хазинадан бирор тузукроқ улуш ўмаришни ҳам хаёлига келтирмай, саройдагиларга билдирмай ёнига уч-тўрт бухоролик ҳамроҳини олиб, бир кечада «ҳайё-ҳув» деб ўз юрти томон жилворадди. Шу тариқа Иброҳим хаёл қумга сингган сувдек беному нишон ғойиб бўлади, Қўқон тахти бир неча кун подшоҳсиз қолади. Шу бачкана хатти-ҳаракатга ҳам шўро даври муаррихлари гўё «қиличидан қон томган саркарда кенг халқ оммаси ғазабидан қўрқиб, орқасига қайтди» қабилида баҳо берганликларни маълум. Агар ҳақиқатан ҳам иш улар кўпиртириб айтганидек бўлса, Иброҳим хаёл Бухорога чекинишдан олдин хазинада амир Насруллодан қолган қимматли буюмларни саранжомлаб, ёнида ўзини мудофаа этишга яроқли сипоҳилар билан бирга жўнамасмиди? Қўқондан чиқиб кетишга бошқа ҳукмдорлар сингари бир важ-корсон топиб, сарой аҳлини ишонтириб, сўнгра йўлга тушмасмиди?

Хулласи, тахт ҳукмдорсиз қолганини кўрган сарой аъёнлари ўта ошиғич чора излайдилар ва бундан ўттиз беш йил чамаси илгари Таласга қирғизларнинг улоқчин уруғи орасига қочиб кетиб, ўша ерларда истиқомат қилаётган Шералибекни тахтга таклиф этиб, унинг ҳузурга элчи юборадилар.

Шералибекнинг қирғизлар орасидаги кўп йиллик ҳаёти билан боғлиқ жиҳатларга, шунингдек, унинг насабига тўхталиб ўтмасак бўлмас. Чунки инқилобдан илгариги таниқли ўрис муаррихлари (мас., Ю. Рассел) ҳам, ўрис мустамлакаси давридаги Туркистон бўйича йирик ўзбек мутахассислари (мас., Ф. Озодаев) ҳам Шералихоннинг асл насабидан дуруст хабардор бўлмаганликларни сабабли уни ўз тадқиқотларида қирғиз миллатига мансуб деб ҳисоблаганига дуч келдик. Агар тадқиқотчиларнинг ўша фикрларига ишонилса, у ҳолда Қўқон хонлиги охириги 33 йиллик давр ичида бобурийлар қўлидан кетиб, қирғиз бийларига ўтган ва Россия императори Александр II фармонида кўра хонлик батамом тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли Фаргона вилояти ташкил этилгунга қадар хон-

ликнинг барча ҳудудларида қирғиз бийлари ва уларнинг фарзандлари ҳукмронлик қилган деган, нотўғри хулоса чиқарилган бўлур эди.

Рост-да! 3 йил чамаси тахтда ўлтириб, 1845 йилда Олимхон-золимхоннинг ўғли Муродхон томонидан қатл этилган Шералихондан кейин (шуниси ҳам борки, ўз амакиваччасини ўлдириб, подшоҳликни эгаллаган бу янги қотилнинг асъасаю дабдабаси ўн бир кунга етди, холос. Намангандаги қирғизлар исёнини бостириш учун жўнаган Мусулмонқули Қўқондаги бу қотилликдан хабар топиб, шитоб билан пойтахтга қайтиб келади ва Муродхонни ўша заҳоти ўлдиради) мамлакатда ҳукмфармолик қилган Маллахон (уч йилу тўрт ой), Шоҳмуродхон (бир неча ойгина), Худоёрхон (йигирма беш йил чамаси), Султон Сайидхон (икки йил чамаси) — ҳаммалари Шералихонга фарзанд ёки невара эдилар.

Энди Шералихоннинг насл насаби ҳақидаги гапни давом эттирайлик. Ўша давр муаррихларидан Мирзо Олим Мушриф, Муҳаммад Аминбек, Мулло Олим маҳдум, Исҳоқхон Ибрат ва бошқалар қолдирган асарларни бир жойга жамлаб, бу хусусдаги фикрларини бир-бирига пайванд қилсак, қуйидагилар маълум бўлади.

Илгарироқ зикр қилинган Олтин бешикхон ўн икки йил чамаси ҳукмронлик қилиб оламдан ўтгач, унинг фарзанди Султон Эликхон, сўнгра уларнинг фарзандлари Бухоро, Урганч томонларда ҳоким бўлганлар. Муҳаммад Аминбекнинг ёзишича, Олтин бешикхондан ўн авлод, яъни икки юз икки йил ўтгач, бу авлоддан Шоҳруххони соний дунёга келиб, ўз паҳлавонлиги билан замон подшоҳига манзур бўлади, подшоҳ унга Қўқонни ҳадя этади. Кейинчалик Шоҳруххон Исфара ва Марғилонни, унинг невараси Абдураҳмонбий Самарқанд ва Қаттақўрғонни эгаллаб хонлик ҳудудини кенгайтира борадилар. Абдураҳмонбийдан Норбўтахон ва Ҳожибий туғилган. Норбўтахондан Олимхон билан Умархон, Ҳожибийдан эса Шералибек ва акаси Улуғбек дунёга келган. Норбўтахон вафотидан кейин тахтга чиққан Олимхон-золимхон бир неча йил ҳукмронлик қилгач, хонлик лавозимига энг хавfli даъвогарлардан бўлмиш Ҳожибийни қатл этиради ва мақтулнинг икки ўғли, яъни Шерали билан Улуғбек Талас томонга қочиб улгурадилар. Йўлда бир бахтсиз тасодиф (омонат минора қулаб тушиши) туфайли Улуғбек ҳалок бўлиб, укаси Шерали аввалдан мўлжаллаб қўйилган улоқчин жамоаси орасига соғсаломат етиб бориб, ўттиз беш йил ўша ерда қолиб ке-

тади. Шу давр мобайнида Шерали бирин-кетин икки қирғиз аёлига уйланади, улардан беш ўғил кўради (биринчисидан Малтахон ва Сўфибек; иккинчисидан Саримсоқбек, Худоёрхон ва Султонмуродбек). Қулай фурсат келганида мамлакат тахтига чиқиши мумкинлигини, тахт ўзидан кейин фарзандларига қолиши эҳтимол эканини назарда тутган Шерали Наманганнинг Нанай қишлоғидан Мулла Тошбой исмли илмда бақувват домлани чақиртириб, ўғилларини пухта хат-саводли қилдиртиради, яъни давлатни бошқаришга тайёрлайди. Кўп йиллар ўтгач, Шералихон эллик ёшларга етганда унинг орзуси рўёбга чиқади: Қўқондаги 1842 йилги қирғин-баротдан сўнг Бухоро амири Насрулло томонидан мамлакат тахти ишониб топшириб кетилган Иброҳим хаёл ҳадемай тахтни тарк этиб, ўз юртига қочгач, сарой аъёнлари ва қирғиз бийлари яқдиллик билан Шералихонга қирқ уруғидан Юсуф қирғизни вакил қилиб юбордилар ва хонзода дарҳол етиб келиб, Қўқон тахтини эгаллайди. Шералихоннинг Қўқон тахтини эгаллашида кейинчалик ҳокимиятда етакчи мавқени эгаллаган ва кўп машамаларга сабаб бўлган Мусулмонқули ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам Мусулмонқулини мингбоши лавозимига тайинлаган Шералихон мамлакатни бошқаришда, асосан, унга таяниб иш тутади. Хоннинг Мусулмонқулига катта ҳокимият бериб қўйиши бежиз эмаслигини орадан уч йил кейин юз берган фожиядан ҳам билсак бўладики, мингбоши Наманганда рўй берган нотинчликни, яъни қирғизлар қўзғолонини бостириб келиш учун йўлга тушиши биланоқ, тахт пайида юрган Муродхон пайтдан фойдаланиб, тарафдорлари билан саройга бостириб киради ва отаси Олимхон Ҳожибийни ўлдиргани каби бу ҳам Шералихонни қатл этиб, тахтни эгаллаб олади.

Шу ўринда бошқа бир чалкашликка ҳам аниқлик қиритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Қўқон тарихи бўйича йирик тадқиқот эълон қилдирган Ҳ. Бобобеков ўз китобида амирлашкар Алимқулини Мусулмонқулининг ўғли деб ҳисоблайди. У: «Қўқон хонлигининг сиёсий ҳаётида собиқ мингбоши Мусулмонқулининг ўғли, қипчоқларнинг бошлиғи Алимқули пайдо бўлади», — деб ёзади («Қўқон тарихи», Т., ЎзФА «Фан», 1996, 34-б.). Аслида эса бундай эмас. Алимқули хонликда кичикроқ мансабларда бўлган даврдан бошлаб, то вафотига қадар у билан бирга бўлган ва кейинчалик амирлашкар хусусида махсус китоб битган Муҳаммад Юнус Тоиб Алимқу-

Лининг ота-онаси хусусида ҳам аниқ маълумотлар қолдирган. «Маълум ўлғайким, — деб ёзади Муҳаммад Юнус Тоиб, — амирлашқари марҳумнинг насаблари қирғиз-қипчоқ жамоасидин бўлуб, исми шарифлари Мулло Алимқули Ҳасанбой ўғли эрди ва волидан шарифалари Шаҳарбону биби эур. Мазкурлар Хўқанд уезди Навиғут бўлустида Бужун Бутқан деган мавзеъда тургувчи фуқаро аҳлидин эрдилар... Амирлашқари марҳум икки яшар вақтларида оталари Ҳасанбой вафот этиб; оналари қўлларида сағир қолибдурлар» («Шарқ юлдузи» журнали; 1996, 1-сон, 214-б.).

Иброҳим хаёл ҳукмдор бўлишни истамай, ўз билганича тахтни ташлаб, юртига пинҳона жўнаб кетгач, Қўқон ҳукмдорлари орасида расман хонликни қабул қилмаган шахслардан бири ҳам худди шу Алимқули эди. Алимқули шахсига хонлик тузумида яшаган муаррихларнинг ҳам, ўрис мустамлакаси даври тадқиқотчиларининг ҳам қарашлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Бу ҳолатни деярли бир даврда яшаган ва ўн йил тафовут билан Қўқон хонлиги тарихини тадқиқ этган икки муаллифнинг, яъни Муҳаммад Олим маҳдум ҳамда Исҳоқхон Ибротнинг китобларида яққол кўриш мумкин. Исҳоқхон Иброт: «Бу Фарғона ва Туркистон хонларидан икки киши фуқаро ва дини миллат учун ҳаракат этган эди. Бири бу амирлашқар ва бири марҳумий Маллахон» (Тарихи Фарғона, 1925 йил), — дея Алимқулига энг юксак баҳо берса, Муҳаммад Олим маҳдум 1915 йили чоп этилган «Тарихи Туркистон» китобида «мамлакатдорлик илмидан беҳабар», «донмо оқил ва мудбирларнинг муҳолифига иш қилган», «ниҳ билмас ва нодон» каби таҳқирли сифатларни унга нисбат беради. Бундан ташқари Мулло Олим маҳдум Алимқулига «уруш тадбирларидан беҳабар» деган сохта муҳрни ҳам босади.

Хўш, бу икки муаллиф фикрларидан қай бири ҳақиқатга яқин? Уйлаймизки, Исҳоқхон Иброт ҳақ гапни айтган. Чунки у «Тарихи Фарғона»ни ёзилган даврда чоп эттиришни назарда ҳам тутмаган, китоб ёзилган аснода муаллиф ўрис мустамлакачиларига тобе бирор лавозимда ҳам бўлмаган. Муҳаммад Олим маҳдум эса ўттиз йил чамаси, жумладан «Тарихи Туркистон» битилган 1915 йилда ҳам мустамлака маъмурияти мафкурасини қўллаб-қувватлаши мажбурий бўлган «Туркистон вилоятининг газети»да масъул лавозимда эди. Бу ҳол муаллифнинг ўрис босқинчиларига қарши жасур саркарда сифатида ном чиқарган амирлашқар хусусидаги ҳа-

қиқатни ёзишига тўғридан-тўғри монелик қилар эди. Бу ҳақда Туркистондаги мустамлака маъмуриятига тобе бўлмаган Муҳаммад Юнус Тоибнинг холисона, ҳатто, Алимқулига алоҳида бир меҳр билан битилган китобидан анчагина маълумотлар олиш мумкин. «Тарихи Алимқули амирлашкар» китобининг муаллифи бўлмиш Тоиб ўз таворихномасида берилган маълумотлар, биричидан, ўзининг кўп йиллик шахсий кузатувлари ҳосиласи эканини, иккинчидан, Алимқулининг ўғли Мулло Шермуҳаммад мингбошидан олинган ишончли манбалар эканини айтади. Муҳаммад Юнус Тоибнинг ёзишича, бўлажак амирлашкар туғма идрок эгаси бўлганидан олти-етти ёшидаёқ анча пухта хат-саводли бўлиб, кейинчалик Қўрғонтепа волостида ва Андижондаги Оқмасжид мадрасасида, ниҳоят, Қўқонда «Маҳзум Ҳожиранс хизматларида» ўн саккиз ёшгача анча мукаммал илм соҳиби бўлади. Сўнгра поччаси Тоғайқули додхоҳ уни сипоҳилик ишларига жалб этади. Тез орада Алимқули Қўрғонтепага бий қилиб тайинланади. Бу лавозимда у, узоқ турмаган, муаллиф ёзишича, «бир неча фитнагарлар ҳасади, беақлу беҳирадлар адовати» билан бу лавозимдан маъзул бўлган Алимқули яна қайтадан сипоҳигарчиликка бел боғлаб, Андижон ҳокими Сўфибекнинг тўйига келган Маллахон сипоҳилари қаторидан жой олади ва умрининг охирига қадар шу йўлда кетади.

Тоиб Алимқулига хос тадбиркорлик, донолик ва мардликка кўп марта тан берганини ёзади. Жумладан, ўрслар Дашти Қипчоқда босқинчилик ҳаракатини авж олдириб юборган бир паллада амирлашкар Туркия султониغا Ҳожиделибой деган кишини, Англияга Мулло Хўжабек удайчини, Афғонистонга Муҳаммадназар эшик оғасини, Ҳиндистонга Ҳамроқули эшик оғасини элчи қилиб юборади, ўша давлатлар ёрдами билан босқинчиларни даф этиш тадбирларини кўради. Бироқ вазиятнинг мураккаблиги, айниқса, Хитой маъмурлари бу элчиларнинг баъзиларини бошқа мамлакатларга ўтказишни пайсалга солишлари натижасида Алимқулининг мўлжаллари амалга ошмай қолади. Яъқуббек (Бадавлат) ҳам Шарқий Туркистон ҳокимлигига хулди Алимқули томонидан жўнатилиб, собиқ ҳоким Бузрукхон Тўра ўрнатишга ожизлик қилган қатъий тартиблар ўрнатилганлиги ҳақидаги муаллиф фикрлари ҳам фоят қизиқарлидир.

Тоиб ўз китобида Марғилон ҳокими Мулло Султон ва Алимқули сипоҳилари ўртасида бўлган урушда ўз ра-

қибини қаттиқ қийинчилик билан енгган амирлашкар унинг мурдасига алоҳида эъвоз-икром кўрсатиб дафн этганини ёзади: «Уруш ҳам тамом бўлди. Амирлашкар Мулло Султон ўлигини кўб тақвим билан ювиб, кимхобу атлас ёптириб, дафн айлаб, руҳига хатми қуръон ва хайрот бердилар».

Алимқули гарчи Маллахон давридан бошлаб хон саройининг нуфузли кишисига айланган, ундан сўнг Шоҳмуродхон ҳамда Худоёрхон ҳукмронлигини кўрган бўлса ҳам унга ҳаётида бир марта, 1863 йил ёзида, амир Музаффар қўшинини енгиб, амирни Худоёрхонни ўзи билан Бухорога олиб кетишга мажбур қилганидан кейин хонлик тахти тақлиф этилганди.

Ушанда Алимқули бир лаҳзада амалга ошиши муқаррар бўлган бу тақлифни кескин рад этган. Амирлашкарнинг ўша аснода ўзини қандай қатъият билан тутганлиги Исҳоқхон Ибрат китобида батафсил кўрсатилган. Амир ва Худоёрхон Қўқон тахтини унда аввал бир неча ой ўлтирган Шоҳмуродхонга ташлаб Бухорога жўнашгач, сарой аъёнлари Шоҳмуродхонга Алимқули билан учрашиб, унинг розилигини олиб қайтишни маслаҳат берадилар. Зотан амир Музаффар билан Худоёрхонни Қўқондан чиқиб кетишга мажбур қилган амирлашкар энди бир лаҳзада келиб ёш хонни ҳам, унинг аъён-ашрофини ҳам қириб ташлаши ҳеч гап эмасди. Шоҳмуродхон Алимқули ҳузурига йўл олиши яхшилик билан тугамайди, амирлашкар у билан учрашмаёқ йўлнинг ўзида ўлдиртириб юборади. Шундан сўнг Шоҳмуродхон билан бирга Қўқондан борган кишиларни ёнига олиб Алимқули Марғилонга келади, уларни зиёфат қилади. Зиёфатда ҳозир бўлган бир киши тилидан шундан кейинги аҳволни Исҳоқхон Ибрат қуйидагича баён қилади: «Адоий зиёфатдан сўнг мулла Алимқули сўз очиб дедикки: “Мамлакатимизда бу хил бесаранжомликдур. Буни сабаби бир кишига инқиёдимиз йўқлигидур, — деди: — Лозимдурки, боиттифоқ бир хон насб қилиб, анга муте ва мунқод бўлсак. Кимни хоҳларсизлар?” — деганда Хўқанд уламоларидан Зиёуддин маҳдум дедиларки: “Бу хизматга ўзингиздан алиқ одам кўрунмайду”, — деганларида Алимқулига маъқул бўлмай, эшитмаган бўлуб, яна дедикки: “Одамни таъйин қилмоқ керакдур!” — деганда яна мазкур маҳдум аввалги сўзларни иъода этдилар. Алимқули Зиёуддин қозига хитоб қилиб дедикки: “Сиз мани дерсиз. Мани ния-

тим хон бўлмоқ эмас, ман хизматда бел боғлаган киши. Хонзодалардан бирортасини насб қилинлар!”

Хонзодаларни бирин-бирин зикр қилиб, охирида Султон Сайидни зикр қилиб дедики: «Отоси кўбнинг йўлида шаҳид бўлди, етимчадур!» — деганда, халқ мулла Алимқулини ғаразини фаҳмлаб, ҳамма: “Бу ўрунға Султон Сайид аҳақдур!” — дедилар. Филҳол оқ кигизга солиб, русумда уламоу фузалоу аёнлар кўтардилар, тахтга чиқардилар».

Алимқулидан илгарироқ Қўқон хонлиги тахти пешкаш тутилганида қабул қилмаган шахс Худоёрхоннинг акаси Маллахон эди. Бу воқеанинг тафсилоти ҳам Исҳоқхон Ибрат китобида берилган. Билқиллама яқинидаги иккинчи урушда: «Маллахон Қипчоқияни олиб мусаххар ўлуб, дорул аморага қайтганда Худоёрхон эшитиб дарҳол акаларини истиқбол қилиб, акалариға Хўқандни тутуб: “Ман олдингизда турай, Хўқандни ўзингиз тасарруф қилинг!”» — деганда, Маллахон деган эканки: “Ман хонлик қасдида эмасман, мамлакат истеҳкоми ва истиқболи, аммоки, сани бу тариқа ўйинкулкига машғул бўлмоқинг бизга ва фуқароларга катта зарардур. Ишни билиб ва билганларни маслаҳати илан қилмоқинг зарур”», — дейди. Шу билан маросим тугаб, Худоёрхон хонлик таклифини қабул қилмаган акасини Тошкент ҳокимлигига тайинлайди. Мулла Олим маҳдумнинг ёзишича, орадан бир мунча вақт ўтгач, «Маллахон Тошканд ҳокимлиги ва ҳукмронлиғига қаноат қилмай, хонлик ва салтанат савдосига тушуб Хўқандға, Худоёрхонға бул тариқа мактуб юборубдурким: “Сиздан ёшда улуғман. Лозим шулки, ман Хўқанди пойтахтда хонлиғ маснадида турсам. Сиз мандин кичиклик сабабдин Тошкандда бек бўлуб турсангиз”». Бироқ аввал акасига хонликни пешкаш тутган Худоёрхон энди унинг талабидан дарғазаб бўлиб, Маллахон ҳокимлик қилиб турган Тошкент устига катта қўшин тортиб келади. Ака-уканинг қўшинлари орасида қаттиқ жанг бўлади, ниҳоят, икки биродар жанг майдони ўртасида қилич яланғочлаган ҳолда бир-бирларига дучкеладилар. Пировардида Маллахон енгилганини тан олиб, Бухорога қочади ва тахтни эгаллаш учун қулай фурсат кута бошлайди.

Ака-уканинг кейинги муносабатлари ҳозир биз мулоҳаза юритаётган мавзуга алоқадор бўлмагани учун у хусусда кейинроқ тўхталганимиз маъқул.

Хонзодалардан иккитаси тахтга чиқиш ҳақидаги

таклифни қабул қилмасликлари деярли бир вақтга, Худоёрхон ҳукмфармолигининг охириги йилларига тўғри келади.

Амир Насрулло Қўқонда ўтказган қатли ом вақтида Муҳаммад Алихоннинг 14 ёшли Муҳаммад Амнбек исмли ўғли ҳам дорга осилгани, бироқ Қаландарбек ва Музаффарбек деган ўғиллари бир амаллаб Урганчга қочириб юборилгани хусусида илгарироқ сўзлаган эдик. Орадан йигирма йил чамаси вақт ўтиб, Маллахон ўлдирилиб, унинг ўрнига Шоҳмуродбек бир неча ой хон бўлиб, Шоҳмуродбекдан Худоёрхон тахтни тортиб олган 1862—63-йилларда илгаридан Худоёрхонга душман кайфиятда бўлган қирғиз-қипчоқ жамоалари яна ҳукмфармоликни ўз қўлларига олиш пайига тушиб, дастлаб пахсачи Хайитмуҳаммад деганнинг Шоҳрух исмли ўглини гўё Муҳаммад Алихон фарзанди дея хон кўтардилар. Бироқ кўпчилик бу сохтагарчиликка ишонмаганини кўргач, улар Муҳаммад Алихоннинг ҳақиқий ўғли Қаландарбек ҳузурига йигирма кишидан иборат вакиллар юбордилар. Вакиллар хонзодани Қўқон тахтига ўтқазिशга қатъий ваъда бериб, Қаландарбек бу ишга рози бўлгач, уни савдогар кийимида махфий равишда юртига қайтариб олиб келаётганларида Туркистондан ўтиб Қурамага келгач, Худоёрхоннинг махфий одамлари аллақандай шубҳа билан вакилларни ва шаҳзодани тинтув ўтказдилар. Шунда шаҳзоданинг бармоғидаги қимматбаҳо узукка Муҳаммад Алихон ва Қаландарбек исмлари дарж этилгани маълум бўлиб қолади, йигирма кишидан иборат вакиллар ҳам, Қаландарбек ҳам қатл этилади.

Шундан сўнг кўп сувлар оқиб ўтади, Қўқон хонлигида қанчадан-қанча воқеалар юз беради, бутун Дашти Қипчоқ ва Тошкент ўрислар томонидан босиб олинди. Алимқули жангда шаҳид бўлиб, Султон Сайидхон Бухоро амири одамлари томонидан ўлдирилгач, Худоёрхон амир ёрдами билан юртига қайтиб, яна Қўқон тахтини эгаллайди. Етмишинчи йиллар бошида яна қирғиз-қипчоқ жамоалари кетма-кет ҳужумлар уюштириб, хонликка ўз одамларини қўйиш қасдига тушадилар. Хоиликлардаги қатъий таомилга кўра, бир хон ўлса ёки тахтдан маъзул бўлса, унинг ўрнига, албатта, хонзолалардан биринигина ўтқазиш мумкин эди. Бу таомилни яхши билишар, шу вайдан



Қўқон хонлиги ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган хонзодаларнинг пайидан бўлишар эди.

Қўқон хонлиги саройидаги бош кесишлардан юрак олдириб, Бухорога қочган ва у ердаги мадрасалардан бирининг ҳужрасида илм таҳсилга қаттиқ киришган Пўлатбек шундай шаҳзодалардан бири эди. Пўлатбек Олимхон-золимхоннинг невараси бўлиб, кейинчалик ўн бир кунгина хон бўлган Муродхоннинг ўғли эди. Маълумки, унинг бобоси Олимхон отаси Норбўтахон вафотидан сўнг тахтга чиққач, ўз амакиси Ҳожибекни, биродари Рустамбекни ва уларга хайрихоҳ бўлган Пирмуҳаммад, Мирзо Бузрукхожа, Хонхожа каби забардаст саркардаларни (баъзиларини бола-чақаси билан) шафқатсиз равишда қатл этган, шу тариқа бутун атрофга қутқу солиб, ҳатто, Бухоро амирини ҳам жиддий ваҳимага тушириб қўйган эди. У бир неча йил ҳукмронлик қилгач, бир онадан туғилган инисин Умархон тарафдорлари томонидан ўлдирилиб, тахтни Умархон эгаллаган эди. Олимхоннинг ўғли Муродхон ҳам бешафқатлик билан Шералихонни қатл этиб, унинг фарзандларини уй қамоғида сақлаб, ўлдиришга улгурмаган ҳам эдики, Намангандаги қирғизлар исёнини бостириш учун жўнаган мингбоши Мусулмонқули шитоб билан қайтиб келиб, ўн бир кунлик хонни қатл этиб, ўрнига Шералихоннинг кичик ўғилларидан бўлмиш Худоёрхонни тахтга чиқарган эди.

Бобоси билан отаси қилган шафқатсизликлар, қасос қайтиб уларнинг ўзи ҳам шундай шафқатсизлик қурбони бўлганликлари ёш хонзода Пўлатбекни ҳаддан ташқари қўрқитиб юборган ва у тож-тахт васвасаларидан қочиб, мадраса ҳужрасидан маскан топган, ўзини китобларга бағишлаган эди. Шунинг учун ҳам, орадан кўп йиллар ўтиб, Худоёрхонга қарши урушдан қочиб, жон сақлаган Мусулмонқули исмли қирғиз (бу машҳур мингбоши қипчоқ Мусулмонқули эмас, бошқа одам) ўз ҳаммаслакларининг топшириғига қўра не машаққатлар билан уни мадраса ҳужрасидан топиб, камоли жиддият билан Қўқон тахтини таклиф этганида Пўлатбек бу масалада у билан гаплашишни ҳам истамайди, хон бўлишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Худоёрхон ҳукмфармолигининг душманлари бўлмиш қирғиз-қипчоқ жамоалари Пўлатбекдан бошқа яна бир хонзода Музаффарбек (Муҳаммад Алихоннинг

кичик ўгли ва ўн йилча аввал тахтга чиқиш хаёлида юртига қайтаётган чоғида сири очилиб қатл этилган Қаландарбекнинг укаси) ҳам борлигини яхши билишарди. Шу ваздан Пўлатбекдан иш чиқара олмай ҳафсаласи пир бўлган Мусулмонқули қирғиз энди Урганч томон йўл олади. Бу ҳар икки хонзодани Қўқон тахтини эгаллаш учун ўзларига дастак қилиш истаги қай тариқа амалга ошмай қолгани ва ундан кейин қандай ҳийла ўйлаб топилгани хусусида Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-салотини ва таворих ул-хавоқин» китобида анча муфассал баён қилинади: «Мусулмонқули қирғиз андин (Пўлатбекдан де-моқчи — Ш. Ю.) ноумид бўлуб Урганчга, Муҳаммад Алихон ўгли Музаффархонни олдиға бориб, неча кун анда туруб васваса қилдиким: “Ҳамма халойиқ итти-фоқ бирла Сизни хон қилиб ота тахтиға ўлтүргүз-моққа фотиҳа ўқуб, мани Сизға буюрдилар. Ҳамма халойиқ Сизға мунтазир турурлар”, — деб. Музаф-фархон айдиким: “Сиз қирғиз халқини эътиборингиз йўқ турур. Қаландархон акамни ҳам олиб бориб Мурғ-зор қишлоқда ўлдуруб қўйдинглар”, — дея қабул қил-мади. Мусулмонқули мазкур лонлож қайтиб Тошканд келди эрса, Муҳсинбойнинг ўгли мулло Абдулмўмин-нинг ҳавлисиға қўнуб эрди. Анда бир мулла Исҳоқ деган қирғиз бала Маззанг деган мавзеъда носфуруш-лик қилур экан, азбаройи нос олмоққа келган экан. Абдулмўмин айтдиким: “Эй, аҳмақ қирғиз, шул қирғиз балани Пўлатхон деб олиб борғил. Иш саранжом топқанда, бир хон топилур”, — деди эрса, маъқул бў-луб, ўшал қирғиз балани олиб, Чуст устиға келиб қў-шунға қўшулди. Қирғизлар хурсанд бўлуб шодиёна қўйдилар, оқ кийгизга солиб хон кўтардилар».

Афсуски, «Тарихи Фарғона»дек аниқ маълумотлар-га бой, пурмазмун асар яратган Исҳоқхон Ибрат сохта Пўлатхон сифатида тахт учун кураш майдони-га, юқорида айтилганидек, тасодиф туфайли чиққан шахс бор-йўғи маззанглик носфуруш Исҳоқ Ҳасан ўгли эканидан беҳабар қолиб, уни: «Бул киши Мурод-хон деганин ўгли эрмиш. Атоси Муродхон бир ҳафта хон бўлуб, Мусулмонқули қўлида ўлган», — деб ёзиб, ҳақиқий Пўлатхон билан чалкаштирган.

Шаҳзода Пўлатхонман деб тахт даъвогарлари қа-торига қўшилган Исҳоқ Ҳасан ўгли ақли кўтоҳ мас-лаҳатчилар «ҳайбаракалла»си билан оқ наमतга ўт-қазилиб хон дея эл-юртга танитилади ва тез орада

у хонликдаги аҳоли бошига кўп кулфатлар келтиради. Сохта Пўлатхон билан Абдурахмон офтобачи пухта ўйламай амалга оширган ишлар, Худоёрхоннинг иниси ва ўғиллари уларга қўшилиши кейинчалик улар ўртасида рўй берган низолар пировардида Қўқон хонлигининг Александр II фармони билан расман тугатилишига ва унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида янги Фарғона вилояти тuzилишига олиб келди. Шўро даври муаррихлари томонидан сунъий равишда халқ озодлик ҳаракати сифатида баҳоланган Пўлатхон қўзғолони бўлмаганида, ким билсин, Худоёрхон ҳам Хива хони Муҳаммад Раҳимхон ва Бухоро амири Музаффархон каби муроса-мадорали сиёсат юргизиши, Қўқон хонлиги ҳам асримизнинг йигирманчи йиллари бошигача барқарор турishi эҳтимолдан узоқ эмас эди.

Хон бўлиши истамаган юқоридаги беш шахсга доир фикрларимизни якунлаб шуни айтиш керакки, шўро мафкурачилари кўп ўн йилликлар мобайнида онгимизга мажбуран сингдириб келган фикр, яъни хонлар сулоласига мансуб бўлган аждодларимизнинг ҳаммаси беистисно тахтпараст, золим, маккор бўлган деган фикр тўғри эмас. Улар орасида ақл-идроки, продаси, халққа меҳри кўп бўлган, илм-маърифатга, адабиёт-санъатга ўзини бахшида этган инсоф эгалари ҳам анчагина топиладики, биз фикр юритган беш ҳукмдорнинг тож-тахтга муносабати ҳам буни қисман бўлса-да исботлайди.

## ХУДОЁРХОН: НУР ВА СОЯЛАР

Октябрь тўнтаришидан олдинги ва шўролар давридаги айрим тарихчилар томонидан энг кўп камситилган ва таҳқирланган ҳукмдор Худоёрхон бўлган десак, хато қилмаймиз. 1875 йилда Худоёрхон тахтдан кетиб, тез орада бутун хонлик ҳудуди Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига Фарғона вилояти номи билан кiritилганидан кейиноқ, ўрис тадқиқотчилари Қўқон хонлиги ва унинг ҳукмдорлари ҳаёти билан шуғуллана бошладилар. Дастлаб Санкт-Петербургда чиқадиган ойномалар ва тўпламларда алоҳида-алоҳида мақолалар, ўн йил чамаси вақт ўтгач эса, махсус китоблар чоп этила бошлайди. Уларнинг аксар кўпчилиги чоризм мустамлакачилик сиёсатига хизмат қилганидан императорлик томонидан ҳийла билан Тош-

кентга чақирилиб, ана шундай ҳийла билан Оренбург-да уй қамоғига маҳкум этилган, икки йилдан зиёд-роқ шу шароитда яшаб, сўнгра ҳажга қочиб кетишга муваффақ бўлган Худоёрхонга салбий муносабат ил-гаридан тайёрлаб қўйилган эди. Улар Худоёрхонни мол-дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйган, сон-саноқ-сиз солиқлар билан халқнинг тинқасини қуритган, маншатпарастликка муккасидан кетган, ўта шафқат-сиз, чаласавод, ношуд ҳукмдор сифатида ўқувчилар-га тақдим этардилар. Лекин Худоёрхон ҳукмдорлик даврида, айниқса, тахтдан кетганидан кейин Қўқон, Наманган, Андижон, Тошкент ва бошқа ерлардаги энг йирик маҳаллий муаррихлар ҳам Қўқон хонлари шажараси ва фаолиятини, уларнинг даврида рўй бер-ган асосий воқеаларни анча ҳаққоний акс эттирувчи бир неча тадқиқотлар яратганликлари маълум. Бн-роқ ўрис тадқиқотчилари улардан деярли фойдалан-маганлар.

Шўро давридаги маҳаллий тадқиқотчилар эса, ўз ҳамюртларининг шахсий кузатувларига, бой бирлам-чи манбаларга асосланиб битилган асарларидан кўра, Россия пойтахтидан махсус топшириқлар билан Тур-кистонга юборилган, шу ерда расмий хизматда бўл-ган ўрис муаллифларнинг асл манбалардан беҳабар ҳолда, турли миш-мишларга таяниб ёзилган асарлар-ларини мўътабарроқ билиб, ўшаларга асосий урғу беришар эди. Натижада, Октябрь тўнгаршидан илг-ари Қўқон хонлари ҳақида ғаразгўйлик билан билдирил-ган фикрлар шўро мафкураси ҳукмронлик қилган кўп ўн йилликлар мобайнида ўзбек муаллифлари ки-тобларига бостириб кириб келди. Бу эса, юқорида ай-тилганидек, Қўқон хонлари, хусусан, Худоёрхон фао-лиятини фақат салбий жихатдан, бир ёқлама бахо-лашга олиб келди. Тарих фанидаги бирёқламалик ба-дний ижодга ҳам ўз бузғунчилик таъсирини ўтказиб, соҳибқирон Амир Темурдан тортиб то Худоёрхонгача бўлган барча ҳукмдорларга йўқ ердаги гуноҳлар зўр-лаб ёпиштирилди, уларнинг фаолияти ўқувчи этини жи-мирлатиб юборадиган даражада даҳшатли килиб тасвирланадиган бўлди. Буларнинг бари кўҳна Турон замнининг кўп жихатдан ибратли тарихини тўғри ид-рок этиш йўлидаги ўтиб бўлмас ғовлар эди.

Юртимизда мустақиллик шабадаси эганидан ке-йингина ўтмишга янгича қараш, оқни оқ, қорани қора деб инсоф билан айтиш имкони туғилди.

1842 йилда Қўқон хонлиги Бухоро амирлиги томонидан забт этилиб, унда қатли ом ўтказилганидан кейин бу юртда чорак аср чамаси ҳукмфармолик қилган, ўрис боққинининг барча даҳшатларини ўз вужудида кечириб, гоҳ адашган, гоҳ маккор, ёвуз душман билан муроса қилган, гоҳ уни доғда қолдирган Худоёрхоннинг мураккаб фаолияти ҳам янги давр талаблари нуқтаи назаридан қайта ўрганишга муносибдир.

Мамлакат ҳукмдори ҳам тирик инсон. Шу сабабли инсонларга хос нуқсон ва фазилатлари билан эл-юртни бошқаради. Оддий инсон йўл қўйган хатони ўзига яраша кичик талафот билан барҳам топтириш мумкин. Лекин юрт ҳукмдорининг биргина хатоси юрт бошига катта фалокатлар келтириши, биргина доно, тадбири бутун бошли юртнинг туллаб-яшнашига хизмат қилиши мумкин. Худоёрхон шахси ҳам ана шундай мураккабликлардан холи эмас.

Шералихон забардаст ҳимоячиси Мусулмонқулини Намаиғандаги қирғизлар қўзғолонини бостириш учун жўнатганидан фойдаланиб, Муродбек ўзининг исфаралик сипоҳилари билан Қўқон хонлиги саройига бостириб кириб, хонни қатл этган, Шералихоннинг ўша вақтда саройда бўлган уч ўғлини, яъни Маллабек, Сўфибек ва Султон Муродбекни ҳибсга олишга, бир оз сақлаб, киши билмас йўллар билан ўлдириб юборишга буйруқ берган 1845 йилнинг ёз кунларида хоннинг катта ўғли Саримсоқбек Тошкентда, ўртанча ўғли Худоёрбек эса Намаиғанда ҳоким эди. Янги хон Мусулмонқулини мингбошилик лавозимида қолдирган, имкониятлари ниҳоятда катта бўлган бу шахс билан орани бузишни лозим кўрмаган эди. Шунга қарамай, сафардан шоша-пиша қайтиб келган шафқатсиз мингбоши ўз кучи билан хон бўлиб олган Муродхонга тахтни бериб қўйиш қипчоқ зодагонлари учун фожiali тугаши мумкинлигини ҳисобга олиб, ўн бир кунгина ҳукм сурган Муродхонни ўлдиради. Хонлик тахтига Шералихоннинг катта ўғли Саримсоқбек бош даъвогар эди. Тез орада у Тошкентдан туриб, ўз даъвосини Мусулмонқулига маълум қилади. Ўша кунлари ҳокимият амалда ўз қўлида бўлган Мусулмонқули Саримсоқбекни гумдон қилиш мақсадида унга тахтни ваъда қилиб, ҳийла билан Қўқонга таклиф этади ва ўз одамлари томонидан махфий равишда ўлдиртириб, бу асосий даъво-

гардан қутулади. Энди на Маллахон, на унинг укалари тахт даъвосини қиладиган алфозда эмасдилар. Чунки улар Мусулмонқули нималарга қодир эканина яхши билишарди. Маллахон оқ-қорани ажратадиган, каттароқ ёшда эканини, у тахтга чиқарилса, ўз режаларини амалга ошириш унчалик осон бўлмаслигини яхши билган ҳийлагар мингбоши ўйлай-ўйлай ҳали балоғат ёшига ҳам етмаган Худоёрхонни қўлбола хон қилиш қарорига келади ва режани анча илтифат тузади, яъни унга ўз қизини бериб, янги хон куёву Мусулмонқули қайнота бўлиб олади. Шу тариқа ҳам мингбоши, ҳам хоннинг қайнотаси сифатида хонликдаги барча асосий ишлар жиловини ўз қўлига қатъиян олади.

Худоёрхон тахтга чиққан вақтида неча ёшда бўлганлиги хусусида турли муаррихлар турлича ёзадилар: биров ўн икки, биров ўн уч деб кўрсатади. 1895 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган «Қомусий луғат» («Энциклопедический словарь»)да эса унинг бу вақтда ўн олти ёшда эканлиги айтилади. Ҳар қалай кейингиси тўғри бўлса керак. Чунки ўн икки ёки ўн уч ёшли болакайга Мусулмонқули ўз қизини катта тўй қилиб никоҳлаб бериши, бунинг устига Худоёрбек ўша вақтда Наманган ҳокими эканлиги жилла ҳам ақл бовар қилмайдиган ишдир. Бироқ Қўқон хонлигидек катта бир мамлакатни идора қилиш учун ўн олти ёш ҳам жуда камлик қиларди. Мусулмонқулига эса худди шу керак эди. Худоёрхоннинг акалари ҳам, айниқса, қирқ ёшлар нари-берисида бўлган Муродхон ҳам мингбошига ҳокимият жиловини бутунлай бериб қўйишга кўнишлари унчалик осон эмасди. Шу ваздан Худоёрбек Мусулмонқулига бошқа хонзодаларга қараганда кўпроқ қўл келар эди. Ўша давр муаррихлари Худоёрхонни тахтга чиқаргач, Мусулмонқули Шералихон даврида ботинмаган барча режаларини ўзи истаганча амалга оширганини таъкидлайдилар. Худоёрхон давлатни бошқаришда аста-секин суяғи қотиб, ўзини ўнглаб олгач, қайнотасининг барча талабларига ҳам унайвермайдиган, Мусулмонқулидан норози бўлган бошқа сарой аъёнлари маслаҳати билан кўпроқ иш тутадиган бўла боради. Ўз ҳокимиятининг бу тариқа чеклана бошлаши Мусулмонқулидек яқка ҳукмдорликка ўч мингбошига ёқмаслиги турган гап эди. Шу ваздан у ўзи танлаб юқори лавозимларга чиқарган сарой аъёнлари ва

саркардалар билан тил бириктириб, Худоёрхонни тахтдан четлаштириш ва кўнгилдагидек ҳокимиятга эга бўлиш учун қирғиз-қипчоқ кўзғолонларини ташкил эта бошлайди. Хонлик ҳудудида бебошликларга олиб келган бу кўзғолонларнинг ҳайбаракаллагиси Мусулмонқули эканидан хабар топган Худоёрхон, ниҳоят, уни мингбошлик лавозимидан маъзул этади.

Мусулмонқули учун бундан зўрроқ даҳшат бўлиши мумкин эмасди. Энди у пойтахтдан узоққа, қирғиз-қипчоқ уруғлари орасига қочиб, у ерларда хонга қарши катта қўшин тўплай бошлайди. Худоёрхон билан Мусулмонқули ораларининг бу қадар кескин бузилиши хонлик ҳудудидаги барча воқеаларга қулони динг қилиб, улардан ўз босқинчилик мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланмоқчи бўлиб Оқмасжид яқинида турган ўрис қўшинлари қўмондонлиги учун энг катта туҳфа эди. Чиндан ҳам қўмондонлик ўз йирик зобитларидан бири бўлмиш В. В. Вельяминов-Зерновни 1852 йил баҳорида Қўқон хонлиги ҳудудига махсус топшириқ билан махфий равишда хизмат сафарига жўнатади. Вельяминов-Зерновнинг хизмат сафаридан мақсади Мусулмонқули билан шахсан учрашиб, хонликдаги ҳақиқий аҳвол ҳақида керагича маълумотлар жамлаш, хонлик ҳудудини босиб олишда собиқ мингбошидан фойдаланиш эди.

Тарихчи Ҳ. Бобобеков ўз тадқиқотида кўрсатишича, Вельяминов-Зернов билан Мусулмонқулининг махфий равишдаги музокаралари куни илгаридан келишиб олинган бўлиб, март ойининг охири — апрель ойининг дастлабки кунларида бўлиб ўтади. «Мусулмонқули ўрис қўмондонни вакили билан учрашгани ва ҳокимиятни ўз қўлига олмоқчи бўлганлигидан хабар топган ўзбек ва қирғиз феодаллари, — деб ёзади муаллиф, — илгарироқ ҳаракат қилиб, қипчоқлардан қутулмоқчи бўладилар. Улар Худоёрхонни кўндириб, қипчоқлар қирғинини бошлаб юборишади».

Шуни ҳам айтиш керакки, Қўқон тахтини эгаллашда ўрис қўмондонлиги томонидан керагича ёрдам берилажаги ҳақидаги ваъдалардан маст бўлган Мусулмонқули энди йўлидаги барча ғовларни шафқатсизлик билан маҳв этишга қатъий аҳд қилган, шу вайдан у ўтган йўлларда култепалару уюм-уюм мурдалар қолар эди.

Худоёрхон тарафдорлари ҳам охири инқилоб

ларини ишга солиб, жон-жаҳдлари билан жангга ташланадилар. Бунда Мусулмонқули ўрислар билан тил бириктириб, хоинлик йўлини тутганидан воқиф бўлган халқнинг газаби ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ниҳоят, йигирма мингларча қипчоқнинг (улар орасида гуноҳкор ҳам, беғуноҳ ҳам бор, албатта) бошига етган энг йирик қўзғолонлардан бири бостирилиб, Мусулмонқули асир олинди, хон саройи дарвозаси яқинида, кўплаб аҳоли кўз олдида қатл этилади.

Ўрис босқинчилари шундоққина Оқмасжид остонасида хонлик ҳудудларига хавф солиб турган ўта қалтис бир вазиятда Мусулмонқули ўз юртини босқинчилар оёғи остига ташлаб бериб бўлса, ҳам қўлдан кетган мингбошлик лавозими учун хондан қасос олишдек разилликка борганлиги, бир неча йил мобайнида қипчоқ қўзғолонларини қайта-қайта ташкил этиб, бутун мамлакатга катта зиён етказганлиги гуноҳи азим эди ва пировардида у Маллабек бошчилигидаги қўшинлар томонидан Билқиллама яқинида узил-кесил тор-мор этилиб, ўз қилмишига яраша шафқатсизлик билан қатл этилади. Аммо собиқ мингбошига қўшилган ва қўшилмаган мингларча гуноҳқору гуноҳсиз қипчоқларнинг ўз мусулмон ҳамюртлари томонидан қирилиши тузатиб бўлмас хато эдики, то Қўқон хонлиги Россия императори Александр II нинг фармонига кўра тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти ташкил этилгунга қадар ўтган қарийб чорак аср мобайнида ҳам қипчоқларни мурасага келтиришнинг иложи бўлмади. Аксинча, кейинчалик Худоёрхон томонидан саройда катта лавозимлар ишониб топширилган Абдураҳмон офтобачи отаси Мусулмонқули учун ўч олмоқчи бўлади, бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдиради, яъни гоҳ сохта Пўлатхон билан, гоҳ ўрис қўшинлари қўмондонлиги билан тил бириктириб, мамлакат бошига яна чексиз фалокатлар келтиради, ниҳоят, Қўқон хонлиги бутунлай барбод бўлишининг асосий сабабчиларидан бирига айланади.

Худоёрхон ва Мусулмонқули муносабатлари хунук оқибатларини кўз олдимишга келтирар эканмиш, бироз мушоҳада юритишни тақозо этадиган жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Аввало, Худоёрхон Мусулмонқулининг қипчоқ қўшинларини (ва уларга қўшиб тинч аҳоли орасидаги қипчоқларни) йўқ қилмаса нима бўларди? У ҳолда, турган гапки, Мусулмонқули хонликда бош



ҳукмдор бўлиб олиш мақсадига эришиш учун ўша машъум 1853 йилдаёқ ўрис қўшинлари фақат Оқ-масжиднигина эмас, балки бутун Қўқон хонлиги ҳудудларини эгаллаб олишларига йўл очиб бериши жуда ҳам мумкин эди. Мусулмонқули бошлиқ қипчоқ қўзғолонлари катта куч билан бостирилиши ўрис босқинчиларининг бу мақсадлари ўша вақтда амалга ошмай қолшининг сабабларидан бири бўлди. Шундан кейин ўрислар Дашти Қипчоқни, Тошкент, Хўжанд, Уш каби шаҳарларни, шунингдек, Жиззах ва Самарқандни босиб оладилару, лекин Хива хонлиги ва Бухоро амирлигини вассалга айлантирсалар ҳам, Худоёрхон анча усталик билан юргизган сиёсат тўғрисида Қўқон хонлигига нисбатан бундай йўл тутмайдилар. Мабодо XIX асрнинг етмишинчи йиллари бошида сохта Пўлатхон қирғиз-қипчоқ қўзғолонларини уюштириб, унга қўшилган Абдурахмон офтобачи гоҳ сохта хонга, гоҳ ўрис қўшинлари қўмондонлигига хизмат қилмаса, Қўқон хонлиги яна анча вақт ўз ҳолича сақланиши, нари борганда, Худоёрхон ҳам Муҳаммад Раҳимхон ва амир Музаффар сингарни йўл туттиши, хонлик Россиянинг вассали сифатида 1917 йил Октябрь тўнтаришига етиб келиши, ундан кейин ҳам яна бироз муддат яшаши мумкин эди. Ҳатто, Хива хонлигидаги каби Қўқон хонлигида ҳам илм-фан, маданият, анча кенг ривож топиши, иқтисодий ўсиш кўзга ташланиши эҳтимол эди. Чунки Худоёрхон ва унинг фарзандлари мамлакатни ақл-идрок ва матонат билан бошқариш учун зарур бўлган тайёргарликка эга эдиларки, биз бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

Худоёрхон ўз ҳукмронлиги даврида йўл қўйган катта хатолардан бири унинг Шаҳрисабз ва Қитоб ҳокимлари Жўрабек билан Бобобекка нисбатан тутган хиёнаткорона йўли бўлди деб ҳисоблаш мумкин. Бу икки ёш ҳоким амир Музаффар томонидан амалга оширилган номатлуб тадбирларга жавобан Бухоронинг бош ҳукмдорига бўйсунмай қўйганликлари, ўрислар 1868 йили Самарқандни босиб олган пайтда бу босқинчиликдан норози бўлганларни уюштириб, шаҳарда ўрис аскарларини танг аҳволга солиб қўйганликлари, Туркистон генерал-губернатори уларни мурсога юритиш мақсадида катта ваъдалар билан Шаҳрисабзга қайтарганлиги, лекин орадан оз вақт ўтгач, аввалги аҳдини бузиб, амир Музаффар ихтиёри-

га катта қўшин юбориб, Жўрабек ва Бобобекни ўз юртини ташлаб кетишга мажбур қилганлиги маълум.

Швед сайёҳи Свен-Геден 1893 йилда Тошкентга келганида генерал-губернатор Вревский уйдаги зиёфатда Жўрабек билан ёнма-ён ўтириб қолади. Кўп хусусиятлари билан ўзини ром этган Жўрабекнинг Қорасувдаги боғида бир неча кун меҳмон бўлган машҳур сайёҳ собиқ Шаҳрисабз беги, у учрашган вақтда эса рус армиясининг полковниги бўлмиш Жўрабекнинг оғзидан эшитган ҳаяжонли ҳикояни кейинчалик Санкт-Петербургда швед ва рус тилларида чоп этилган икки жилдли машҳур китобига киритади.

Свен-Геденининг бу китоби шўро даври ўзбек тарихчиларига маълум бўлмаганлиги сабабли, улар бошқа, унчалик ишончли бўлмаган манбаларга асосланиб, гўё Жўрабек билан Бобобек генерал-губернатор томонидан юборилган ўрис қўшинидан енгилиб, оз миқдордаги сипоҳилари билан Уш орқали Шарқий Туркистонга ўтиб кетаётганида Қўқон хонлигига қарашли қўшинлар томонидан асир олинди, Худоёрхон ҳузурига келтирилган ва хон уларни дарҳол занжирбанд қилиб, Тошкентга, генерал-губернатор ихтиёрига жўнатган, деган фикрни такрорлаб келган эдилар. Свен-Геден эса Жўрабекнинг ўз оғзидан эшитганларига асосланиб, қуйидагича ёзади: «Дўсти Бобобек билан биргаликда тоғ-тошлар орасида узоқ вақт бошпанасиз кезган Жўрабек пировардида Худоёрхондан саховат ва кўмак ахтариб Қўқонга келади. Лекин хон Жўрабекка нисбатан хиёнаткорлик йўлини туттади: уни ҳибсга олдириб, оёқ-қўлларига кишан солдириб, бекнинг душмани бўлмиш фон Кауфман ҳузурига жўнатади. Фон Кауфман Жўрабекни очиқ чеҳра билан кутиб олади-ю, бироқ асирликда сақлайди».

Жўрабек қай тариқа Худоёрхон ҳузурига келиб қолганлиги хусусидаги бу маълумот чиндан ҳам тўғри эканини инқилобдан олдинги ўрис ва маҳаллий муаллифларнинг бошқа баъзи тадқиқотларида ҳам учратдик.

Урта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши хусусида уч жилдлик йирик тадқиқот эълон қилдирган генерал-лейтенант М. Терентьев бундай ёзади: «Насриддинбек (Худоёрхоннинг тўнғич ўғли — Ш. Ю.) 1872 йилда Тошкентга келган вақтида ўрислар хиз-

матига ўтган, подполковник унвонига эга бўлган со-  
биқ шахрисабзлик беклар Жўрабек ҳамда Бобобек-  
нинг уйига келиб, отаси уларнинг русларга топшир-  
гани ва шу қилмиши билан ҳақиқий мусулмонлар  
назарида ўзини шарманда қилганини айтиб, таассуф  
билдирди».

Уша даврнинг ўрис муаррихи ҳам хоннинг бу иши-  
ни номатлуб деб ҳисоблаганлиги унинг юқоридаги  
мулоҳазаларидан яққол сезилиб туради.

Худоёрхоннинг Жўрабек билан Бобобекка нисба-  
тан тутган йўли хоннинг энг фожияли кунларида  
унинг бошига бало тошлари бўлиб ёғилиб, қасос  
қайтганлиги хусусида Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фар-  
ғона»сида шу воқеаларнинг бевосита иштирокчиси  
бўлган кишининг ҳикояси келтирилади. Бу воқеа Худо-  
ёрхоннинг икки тўнғич фарзандлари — Насридин-  
бек билан Муҳаммад Амнибек, ҳаминша унга содиқ  
ишси Султонмуродбек, шунингдек, энг ишонган сар-  
кардалари ўз қўл остидаги минг-минглаб қўшин би-  
лан бирга душман томонига ўтиб кетган, дўсту душ-  
ман аралаш-қуралаш бўлиб пойтахт томон ёпирилган  
бир пайтда, хон ўша вақтда ўрислар қўл остида бўл-  
ган Хўжандга паноҳ истаб қочиб келаётганида рўй  
беради.

«Кечаси ётуб, эртаси кунни Хўжандга борилди, —  
дея ҳикоя қилади муаллифга хоннинг хуфийси Ориф  
рикоб деган киши. — Уламоу фузало истиқбол қилди-  
лар. Хўжанд дарбозаси олдида, икки адад русия ли-  
босида кишилар турган экан, тўхталди. Бир хонга  
салом қилиб, дедик: “Ассалому алайкум, хон ҳаз-  
рат, қалайсиз, омонмусиз? Сиз ҳам биз тушган йўлга  
тушдингиз эмди, аҳволингиз шу экан-ку! Биз бир  
вақт сиздан паноҳ сўраб борганда, бизни яқомиздан  
тутуб, русияга бердингиз. Улганимиз йўқ, алҳамду-  
лиллаҳ, ҳукуматдамиз!” — деди. “Мусулмон мусул-  
монга паноҳ берур деб сўраб эдук, эмди сиз ҳам кў-  
рарсиз!” — деди.

Хон гайратга кириб: “Қандоғ муртадсан?” — де-  
ди. “Муртад сани айтурлар, юртингни поймол қилиб,  
мусулмонларни оёқ ости қилдинг!” — деганда хон қи-  
лич сугуруб, ул ҳам қилч олганда, аскарлар (хон-  
нинг ёнида фон Кауфман томонидан юборилган 60  
чоғли казак аскарлари уни ҳимоя қилиб келмоқда эди  
— Ш. Ю.) хонни муҳофазат қилиб, ани жўнатиб  
юборди».

Исҳоқхон Ибрат энг фожиали бир лаҳзада хоннинг рўбарўсидан чиқиб, унинг юзига аччиқ ҳақиқатни айтган «русия либосидаги» бу икки жасур кишининг номини айтмайди. Лекин айтмаслик сабаблари ҳақида бош қотириб ўтирмай ҳам улар худди Жўрабек билан Бобобек эканини билиб олиш қийин эмас. Чунки Худоёрхон қарийб чорак асрлик ҳукмфармолик даврида ўзидан паноҳ сўраб келган Жўрабек ва Бобобекдан бўлак бирор кишини «ёқасидан тутиб русияга бериб юборгани», шундан кейин улар ҳукумат хизматига ўтиб, юқори лавозимга эга бўлганликлари маълум эмас.

Жўрабек билан Бобобекнинг занжирбанд ҳолда фон Кауфманга топширилиши хоннинг кўпдан кўп душманлари қаторига яна икки жасур саркарда қўшилишига, бу икки саркарда хонликнинг Андижон, Уш, Узган каби йирик шаҳарлари ўрислар томонидан босиб олинишида ўзига хос «матонат» кўрсатишлари га олиб келди.

Туркистон генерал-губернатори томонидан анча вақт уй қамоғида сақланиб, мажолдан кетган Жўрабекни 1870 йил сентябрида фон Кауфман ўз боғига чақириб, роса аврайди, собиқ Шаҳрисабз бегининг ҳақиқий душманлари ўрис тўралари эмас, балки Бухоро амири билан Қўқон хони экани хусусида кўп «далиллар» келтиради. Боши берк кўчага кириб, ночор қолган Жўрабек генерал-губернаторнинг уни ўрис армиясига катта зобитлик лавозимига ўтказиш ҳақидаги таклифига лаққа тушиб қолади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўшандан кейин Жўрабек билан Бобобек хонликдаги бир қанча муҳим шаҳарларни босиб олишда ўрис қўшинлари сафида туриб «иш кўрсатган» бўлсалар ҳам, генерал-губернатор ва унинг атрофидагилар 1868 йилда Самарқанддек шаҳри азимни сал бўлмаса ўрислар қўлидан чиқиб кетадиган даражага олиб келган бу икки хавфли душманга асло ишонилмас, уларни зинҳор кечирилмас эди. Генерал-губернаторлик доиралари Жўрабекка ҳам, Бобобекка ҳам юзда сохта жилмайиш билан, лекин қўйниларида тош сақлаган ҳолда муомала қилишарди: бир томондан, уларга ҳукумат мукофотлари, юқори ҳарбий унвонлар беришар, юртнинг энг машҳур зодагонлари жам бўладиган йиғинларни уларсиз ўтказилмас, иккинчи томондан эса, орқасидан айғоқчилар қўйиб, уларни ёмонотлиқ қиладиган маълумотлар

тўплашар, бу маълумотларин Петербургга, ички ишлар вазирига шахсан билдириб туришни канда қилишмас эди.

Масалан, Жўрабекнинг доврўғи узоқ-узоқларга таралган 1901 йилда (бу вақтда Бобобек оламдан ўтган эди) унга ўрис армиясининг генерал-майори унвони берилганлиги хусусида «Туркистон вилоятининг газети»да ўша йил 12 майда эълон қилинган фармоннинг шарҳи ҳар қандай кишини ҳайратга солмай қўймайди. «Сизнинг Руссия давлатига яхши хизмат қилганингиз ва тинч-хотиржам бўлиб юрганнгиз учун, — дейилади унда, — подшоҳи аъзам император ҳазратлари генераллингизга майор чинини марҳамати олий қилибдурлар».

Агар император фармонидаги сўзлар рост бўлса, Жўрабекка генерал-майор унвони «Руссия давлатига яхши хизмат қилганлиги» ва айниқса, «тинчу хотиржам юрганлиги» учун берилган. Ҳамонки, шундай экан, «тинчу хотиржам юрган» кишини тинч қўйиш керак эмасми? Йўқ, бунинг аксини кўрамиз. Жўрабек орқасидан қўйилган махфий хизмат маҳкамаларининг ходимлари ўша вақтларга келиб, янги генерал-майор изига қаттиқ тушганликлари, фармондан бир неча ой ўтгач, Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори томонидан ёзилган махфий чақув хатидан маълум бўлади. «“Таржумон” газетасининг жонкуяр тарғиботчиси генерал-майор Жўрабекдир, — деб ёзади ҳарбий губернатор. — У янги усул (мактаб) билан қизиқмоқда. Гаспрали Тошкентга келганида у билан учрашди».

Бу йилларда генерал-губернаторлик донралари Туркистонда эндигина бошланган жадидлик ҳаракатига, жадидлар томонидан янги усул мактаблари очилиши йўлидаги интилишларга қарши қандай дарғазаблик билан курашганликларини ўйласак, улар жадидлар раҳнамози Гаспрали билан учрашиб, янги усул мактаблар очилишига хайрихоҳлик кўрсатган Жўрабекнинг ишларидан қанчалар норози бўлганликларини пайқаб олиш қийин эмас.

Жўрабек ва Бобобеккагина эмас, уларнинг фарзандларига ҳам ўша даврнинг йирик амалдорлари ҳаминша ишонсизлик билан, душманлик билан қараганларки, ўша давр архив материаллари бунинг узил-кесил тасдиқлайди. Масалан, Туркистонда мустамлака мафкурасининг энг йирик намояндаси Н. Остро-

умов Жўрабекнинг вафотидан сўнг унинг ўғли Оллоқулибек генерал-губернатор Тевяшовнинг адъютанти лавозимида хизмат қилаётганини кўриб, ўз кундалигида бундай ёзади: «Бу бегона юрт одамнинг (Оллоқулибекнинг демоқчи — Ш. Ю.) шахси кишида ишонч ва хотиржамлик пайдо қилмайди. Генералларимиз уни нега яқин тутишларига ҳайрон бўламан: бошқарув иши учун ундан фойда етиши мумкин эмас, зарар тегиши эса жуда ҳам мумкин, чунки генерал-губернатор уйда нималар қилинаётганидан, нималар ҳақида гапирилаётганидан у ерлиларни воқиф қилиши мумкин».

Турган гапки, Н. Остроумов бу мулоҳазаларини ўз кундалигида қайд этиш билангина чегараланган деб бўлмайди. Мустамлака маъмурияти манфаатлари учун хизмат қилишни ўз ҳаётининг бош мақсади деб билган Н. Остроумов шундан сўнг бу хавфли ерлик кишидан ўз валинеъматини огоҳлантирган ва Оллоқулибекнинг бошида қора булутлар пайдо бўлган, генерал-губернаторлик доиралари ундан қутулиш мақсадида қилдан қийиқ ахтариб, куч-қувватга, ғайрат-шижоатга тўла ёш зобитни хизматдан четлаштиришга ҳаракат қилганлар. Шундан сўнг Оллоқулибек Туркистоннинг бош ҳукмдорига махсус ариза билан мурожаат этиб, гуноҳсиз эканини исботлашга ҳаракат қилган. Шу мақсадда ўзигина эмас, отаси Жўрабек ва бошқа қариндошлари ўрис маъмуриятига ҳалол хизмат қилганликларига уларни ишонтиришга уриниб кўрган.

Тирик инсон тирик инсонлигича қолади. Оллоқулибек ҳам юқоридагича танг бир вазиятда бошқа қандай йўл тутиши мумкин эди? Масаланинг шу жиҳатини ҳисобга олмаган айрим тадқиқотчилар Оллоқулибек ўз бошига тушган бало-қазодан қутулиш учун ночор аҳволда ёзишга мажбур бўлган ўша аризадаги сўзларни унинг иймон-этиқоди дея даъво қилиб, Оллоқулибекка ҳам, унинг истиқлол фидойинси бўлмиш отаси Жўрабек додхоҳга ҳам тавқи лаянат илишга, уларни эл-юрт хонлари сифатида ёмонотлиқ қилишга уринмоқдалар. Бизнингча, бундай масалаларни узил-кесил ҳал этишда уларнинг кўзга тез ташланадиган ташқи томонига қараб эмас, балки ички моҳиятига кириб бориб мулоҳаза юритилса, тарихий ҳақиқат равшан бўлади, деб ўйлаймиз.

Шўро даври тадқиқотчиларида Худоёрхонга нис-

батан салбий қарашларни кучайтирган жиҳатлардан бири сўнги Қўқон хонининг Россия императори ҳамда Туркистон генерал-губернатори билан муносабатида гоҳ бир томонга, гоҳ бошқа томонга огиб иш тутганлигидир. Бунда ўша даврдаги тарихий вазият фоят қалтис бўлганини ҳам, ўрислар томонидан кўпинча танг аҳволга солиб қўйилган хон табиатидаги баъзи ожизликларни ҳам ҳисобга олмоқ керак, албатта.

Маълумки, ўрислар Қўқон хонлиги ҳудудларини босиб олган дастлабки йиллар Худоёрхон ҳукмронлигининг биринчи даврига, Мусулмонқули бошлиқ қипчоқ қўзғолонлари туфайли хонликда пайдо бўлган қаттиқ бесаранжомлик чоғига тўғри келган эди. Муаррихларнинг қайд этишларича, қипчоқларнинг дастлабки ҳужумларини қайтариб, бироз хотиржам бўлган Худоёрхон 1853 йилдаёқ махсус ёрлик ва анчагина совға-салом билан Россияга элчи жўнатади. Элчи императорга хонликдаги ҳақиқий аҳволни тўшунтириб, Қўқон хонининг Россия билан тинч, дўстона муносабат ўрнатиш истагини баён этиши керак эди. Бироқ Қўқон хонлиги ҳудудларини бирин-кетин босиб олиш режаларини аввалдан тайёрлаб қўйган император элчи боришидан воқиф бўлгач, Ғарбий Сибирь губернаторига дарҳол махфий буйруқ жўнатиб, унда элчининг ёрлигини қабул қилиб олиш, совға-саломини, умуман, олмаслик, ўзини эса Омскдан ичкарига ўтказмасликни фармон қилади. Шу тариқа хоннинг ўрис босқинини вақтинча бўлса ҳам тўхта-тиш йўлидаги бу дастлабки жиддий урниши муваффақиятсизликка учрайди.

Мамлакат ичкарисида эса хонлик ҳудудларини ўрис босқинчилари оёғи остига ташлаб бериш эвазига ҳукмдорликни қўлга киритишга қатъий қарор қилган Мусулмонқули бошлаган қипчоқ қўзғолонлари давом этаверади. Собиқ мингбошининг Қўқон хонлигини истило қилишга жон-жаҳди билан кўмаклашиш ҳақидаги ваъдаси ўрис қўмондонлиги ишини кўп жиҳатдан осонлаштиради деб ҳисоблаган императорлик амалдорлари эса, хонликни тобора қаттиқ исканжага олмоқда эдилар. Ана шундай бир вазиятда Худоёрхоннинг акаси Маллахон бошлиқ қўшинлар Мусулмонқули бошлиқ қўзғолончиларни енгиб, собиқ мингбошини халойиқ кўз ўнгида қатл этиб, мамлакат ичидаги энг хавфли душмандан қутуладилар, ўрис

қўмондонлигининг ҳал қилувчи ҳужумга тайёр турган жангариларининг ҳафсаласи ҳам анча сўниб, чамаси, ўз ёвуз режаларини анча орқага суришга мажбур бўладилар.

Бироқ, илгарироқ айтганимиздек, Мусулмонқули Билқиллама яқинидаги жангда енгилишида алоҳида шижоат кўрсатган Маллабек укаси Худоёрхон томонидан таклиф қилинган Қўқон тахтини аввалига қабул қилмайди, лекин Тошкентга ҳоким этиб тайинлангач, орадан бироз муддат ўтиб, хон бўлгиси келиб қолади ва бу хусусдаги даъвосини укасига махсус хат орқали маълум қилади. Қипчоқлар қўзғолонидан эндигина қутулган Қўқон хонлиги аҳолиси энди ака-ука хонзода ўртасидаги қонли жанглар азобини тартади. Дастлаб укасидан енгilib Бухоро амирлигига қочишга мажбур бўлган Маллабек Худоёрхоннинг валламати билан Қўқонга қайтариб олиб келинган, яна махфий тайёргарлик кўриб, атрофдан қўшин тўплаб, 1858 йил кузида тахтни эгаллашга муваффақ бўлади.

Энди Худоёрхон Бухоро амирлигидан паноҳ топади-ю, лекин хонликда осойиш бўлмайди. 1862 йил бошида Маллахон ўзининг энг яқин одамлари томонидан ўлдирилиб, Шоҳмуродхон, Шоҳмуродхонни енгиб, Худоёрхон яна бир неча ой хон бўлади. Худоёрхон ва унинг валинеъмати амир Музаффарни енгган Алимқули эса ўзи хонликни қабул қилмай, Маллахоннинг балоғатга етмаган ўғли Султон Сайидхонни 1863 йил ёзида тахтга чиқаради. Қўқон хонлиги атрофидаги ана шу курашлар, улар туфайли вужудга келган бошбошдоқликлар ўн йил аввал Оқмасжид ва унинг атрофларини босиб олиб, янги босқинчиликларга шайланиб турган ўрис қўмондонлигининг шитоб билан ўз режаларини амалга оширишига туртки бўлади. Шу тариқа Султон Сайид ҳукмронлик қилган икки йилдан камроқ муддат бутун Дашти Қипчоқ ва шаҳри азим Тошкент ўрислар қўлига ўтиши билан якунланади.

Худоёрхоннинг сўнги, учинчи марта тахтга чиқиши ана шу Тошкент босиб олинган, амирлашкар Алимқули ўрислар томонидан, Султон Сайидхон эса амир Музаффар одамлари томонидан ўлдирилган 1865 йил ёз фаслининг бошига тўғри келган эди. Янгидан Қўқон тахтига чиққан Худоёрхон Туркистон ҳарбий губернатори лавозимига генерал-майор Романовский тайинлангач, у билан алоқага киришади



ва Россия билан тинч муносабатлар ўрнатишга яна ҳаракат бошлайди. 1866 йилда Романовскийга йўлланган бир мактубда Худоёрхон гўё кўнглидаги ягона орзу «оқ подшоҳ»га самимий дўст бўлишдан иборат эканини маълум қилган эди. Бунинг ўзи билан чекланмаган хон бир оз вақт ўтгач, ўрис қўшинлари Жиззах, Уратена ва Хўжандни босиб олган пайтда ҳам «оқ подшоҳ»га дўстлигининг белгиси сифатида Тошкентга, Романовский ҳузурига махсус вакиллар юбориб, уни ғалаба билан табриклайди. Ваҳоланки, бу «ғалаба» Қўқон хонлигига қимматга тушган, хонлик ҳудудининг узвий қисми бўлмиш Хўжанд ўшанда ўрис қўшинлари томонидан босиб олинган эди.

15—16 йил мобайнида Қўқон хонлиги тахтида ўлтириб, катта шухрат топган Худоёрхоннинг бу иши ўз мамлакати ичкарисида ҳам, хусусан, унга қўшни бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида ҳам қаттиқ норозиликка, турли миш-мишларга сабаб бўлиши турган гап эди. Худоёрхон масаланинг бу жиҳатини ҳам яхши тушунган, албатта. Лекин тарихда қолади-ган барча йирик ижобий ёки салбий воқеаларнинг ўзига хос сабаблари, қонуниятлари бўлади. Худоёрхоннинг айти ҳолатдаги хатти-ҳаракати ҳам бундан мустасно эмас. Унинг асосий сабабларини Тошкентга, Романовский ҳузурига элчи юборилишидан аввалроқ рўй берган суронли воқеалардан излаш лозим деб ўйлаймиз. Худоёрхон учинчи марта хонлик тахтини эгаллашида амир Музаффар ҳал қилувчи роль ўйнаган, амалда уни ўзига қарам қилиб қўйган эди. Буни шундан ҳам билса бўладики, биринчидан, Худоёрхон тахтга чиқиш маросимида хутбани амир Музаффар номига ўқитиб, ўзининг унга тўла тобелигини эл-юрт олдида ошкора тан олган, иккинчидан, амир талабига кўра, хонлик даромадининг тўртдан бир қисмини мунтазам равишда Бухорога тўлов сифатида юбориб туришдек таҳқирли мажбуриятни ўз зиммасига олишга мажбур бўлган эди.

Натижада амир Музаффар Қўқон хонлигини ўз тасарруфидаги бир мамлакат деб ҳисоблай бошлаган ва барча талабларига уни кўндирадиган мавқега эришган эди. Иш шунгача бориб етадики 1866 йил кузидан амир Музаффар ўрисларга қарши ғазот бошламоқчи бўлганида, нотинч Қўқон хонлиги тахтида омонатгина ўтирган Худоёрхонни бу ўта қалтис ишга фаол киришишга мажбур қилади. Уша воқеаларининг

бевосита иштирокчиси бўлмиш Мирзо Олим Мушриф бу хусусда «Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин» да қуйидагича маълумот қолдирган: «(Худоёрхон) бир неча вақт забти мамлакат қилиб, юртдорлик ишига машғул эрдиким, амири Бухоро Музаффархон таррадуди ғазот айлаб, Худоёрхонни ҳам ғазотқа таклиф айлаб, иноятнома (фармон хати — Ш. Ю.) юбордилар эрса, ноилж таррадуд қилиб отланиб, дарёдиэ ўтуб Шаҳидон бориб туруб эрса, тарихи бир минг икки юз саксон учда амири Бухоро кўб одам бирла Буёқчиқўл деган мавзёга бориб қўнди эрса, якбора ўрус аскарни воқиф бўлуб, дарё бирла келиб уруш солди. Бухоро қўшунни паришон бўлуб қочди. Тўлу тўпхона, хазинау дафиналари қолди. Кўб мусулмонлар шаҳид бўлди. Бул хабарни хон эшитди. Дафъатан отланиб, дарёдин ўтуб, Хўқандга дохил бўлуб, ошнолик расмин тутуб, Русиянинг бош ҳокимиға хат қилиб, элчи юборди эрса, Русия халқиға хуш келиб, аҳду паймонни дўстликка маҳкам қилиб, туҳфау ҳадялар бирлан элчига элчи қўшуб юборди».

Жиззах, Уратепанинг ўрислар томонидан босиб олиниси ана шу аснода рўй беради ва ўрис қўмондонлиги Қўқон хонлиги билан Бухоро амирлигини чегарадош қилиб турган барча ҳудудларни ўзига тобе қилиб, бу икки мамлакат қўшинларининг биргаликда ҳаракат қилиш имкониятларини абадий барҳам топтиради. Ўрис қўмондонлиги сал илгарироқ, муваффақиятсиз чиққан ғазот Бухоро амири ташаббуси эканини, Қўқон хони унга ноилж қўшилганини яхши билса ҳам, бу икки мамлакат сарҳадларини туташтириб турган бутун ҳудудни шафқатсизлик билан босиб олади, муаррих қайд қилганидек, «аҳду паймонни дўстликка маҳкам қилган»ига қарамай, хонликнинг асосий шаҳарларидан бўлмиш Хўжандни босиб олишдан сира андиша қилмайди.

Ана энди шу воқеаларнинг ҳаммасидан кейин ўрис қўшинларини Ғалаба билан Табриклар Худоёрхон Тошкентга элчи юборганига қайтайлик. Хонлик ва амирликни бир-бирига туташтириб турадиган ҳудудлар тўлалигича ўрислар қўлига ўтиши, бир томондан, Худоёрхонни амир Музаффар исканжасидан қутқаради, у амирға хонлик даромадининг тўртдан бир қисминни тўлаб туришдек ғоят оғир юқдан фориг бўлади, шунингдек, исталган вақтда амир ундан тахтни тортиб олиб, бошқа бир хонзодага бериш хав-

фи ҳам барҳам топади. Иккинчидан эса, амр васвасига кўниб, ўрисларга қарши газот мақсадида ўз қўшини билан Сирдарёдан ўтиб, Шаҳидонга борган Худоёрхон бу иши учун Туркистоннинг бош ҳукмдори томонидан бундан ҳам қаттиқ жазоланиши мумкинлигини биларди, албатта. Мана шу икки ўта ноэтик жиҳат Худоёрхон муросаю мадора мақсадида Романовский ҳузурига элчи юборишини тақозо этган деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ шундай бир фожиа вазиятда туркистонлик ҳукмдорлар билан мажбурий муроса йўлини тутган Худоёрхон, муаррих Р. Набиевнинг ёзишича, орадан атиги бир неча ой ўтиб, 1867 йил бошида император Александр II нинг фармониغا кўра Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиб, ўлка бош ҳукмдори лавозимига генерал-адъютант фон Кауфман тайинланиши ва у Тошкентда тантанавор кутиб олиниши муносабати билан ҳеч қандай элчи ҳам, табрик ҳам йўлламайди, аксинча, Россия билан урушишга баъзи тайёргарликларни бошлаб юборади.

Шуниси ҳам борки, пихини ёрган устомон фон Кауфман хонликдаги ҳақиқий аҳволни, хоннинг шахсий табиатини пухта ўрганиб олгач, Худоёрхонга Россия императори ва ўз номидан тоғ-тоғ ваъдалар берди (масалан, 1868 йил 29 январида ёзган шахсий мактубида: «Улуғ рус подшоҳи бизга чегарадош давлатларда хонлар билан фуқаролар ўртасида нифоқлар чиқишига ҳеч қачон йўл қўймайди», — дея унинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлғазади), Қўқон хони жавоҳир юлдузли биринчи даражали Станислав ордени билан мукофотланишини ташкил этади. Энди ўзини «оқподшоҳ». шунингдек, «яримподшоҳ» (генерал-губернатор) томонидан расмий равишда тан олинган, гўё уларнинг ўз одами бўлиб қолган ҳукмдор деб, ҳисоблай бошлаган Худоёрхон бу «илтифот»лардан талтайиб, маълум вақтгача, энг номатлуб йўллар билан бўлса ҳам, уларга ўз садоқатини намойиш этиш «тадбир»ларини кўради. Ҳамюртлари Жўрабек билан Бобобек оғир аҳволга тушиб, мадад сўраб келганида, уларни занжирбанд қилиб, фон Кауфман ҳузурига жўнатиш ҳам ана шу «тадбир»лардан бири бўлган эдики, бу ноҳўя ҳаракати Худоёрхон учун қандай кўнгилсизликларга олиб келганлиги хусусида илгарироқ сўз юритган эдик.

Шуниси ҳам борки, Россия императори ва Тур-

кистон генерал-губернатори берган ваъдалар саробдан, ўзининг шаънига айтилган мақтовлар мунофиқликдан ўзга нарса эмаслигини Худоёрхон кейинги фаолияти давомида англаб олади, кўп марта боши тошга тегиб, кўзи очилади. Масалан, сохта Пўлатхон тахтни эгаллаш учун кенг кўламда янги қўзғолон бошлаб юборган 1873 йилда жиддий хавфга тушган Худоёрхон, исёнчиларни тийиб қўйиш учун қўшин юборишни илтимос қилиб фон Кауфманга шошилди хат йўллайди. Генерал-губернатор хонга ёрдам учун қўшин жўнатмайдигина эмас, аксинча, ўзи солиқлар солишга, ўлка бойликларини Россия ичкарасига юборишга ўлгудай ўч бўлган Туркистон бош ҳукмдори хонга бу масалада танбеҳ беришни лозим кўради ва агар у бойлик тўплашга жилла ҳирс қўймай, хонликдаги солиқларни юмшатса, аҳвол ўз-ўзидан яхшиланиб кетишини айтиш билан масалага нуқта қўяди. Ноилож қолган хон ўз ички имкониятларидан фойдаланиб, бир амаллаб қўзғолонни тинчитади-ю, аммо «содиқ» ён қўшнисидан ихлоси қайтади.

Аммо, шундай бўлса ҳам, Худоёрхон сир бермасликка, генерал-губернатор билан муроа қилишга мажбур эди. Бошқа йўл йўқлигидан, то 1875 йил ёзида тахтни тарк этгунга қадар ҳам хон фон Кауфман билан шундай муносабатда бўлди.

Фон Кауфман Худоёрхонга солиқлар масаласида танбеҳ берганлиги, умуман олганда, асоссиз эмасди. Зотан хонга замондош муаррихлар ҳам, шўро даври муаррихлари ҳам Худоёрхон даврида солиқлар оғир бўлганини таъкидлаганлар. Худоёрхон тахтдан кетиб, сал кейинроқ Қарруҳда вафот этганидан сўнг хоннинг фожиали тақдири хусусида асар ёзган муаррих ва шоирларнинг бир нечаси худди шу масалада унинг фаолиятини оқламайдилар. Завқий, Котиб каби шоирлар хоннинг мол-дунёга ўчлиги, ҳатто, шарнатда бўлмаган мерос солиғини жорий этганлиги, бу эса катта фалокатларга олиб келганлигини алоҳида таъкидлашган. Котиб бу ишда асосий айбни хоннинг хос вазири Исо авлиёга қўйиб:

Васиқа мансух айлаб, Мустафо шаръини хор этти,  
Иғиб, ҳеч кимга бермай пул-хазина бешумор этти,

деб ёзса, Завқий бу ишда бевосита хоннинг ўзини айблади ва Худоёрхон тилидан бундай ёзади:

Васиқа бузғоним, албатта бошимға бало бўлди,  
Тушуб эл ичра гафго, шўру шаррға мубтало бўлди.

Хулласи солиқларнинг кўпайиб кетганлиги, ҳатто, шарнатда йўқ солиқлар жорий этилганлиги Худоёрхон фаолиятининг соя томонларидан бири бўлиб, хонлик ҳудудида нотинчлик ва тўс-тўполонларга сабаб бўлганлиги, шахсан хон бошига келган фалокатларга ҳам бонс бўлганлиги эътироф этиш зарур бўлган ҳақиқатдир.

Худоёрхон баъзан ихтиёрий, баъзан мажбурий равишда қилган бундай ишлардан ташқари (Қўқон хони аксар улардан пушаймон бўлган, баъзи ноҳўя ишларидан кейинчалик тийилган) эл-юртнинг истиқболини, келажак насларни ўйлаб амалга оширган қанчадан-қанча савоб ишлари ҳам бор. Улар хусусида хонга замондош баъзи муаррихлар авлодлар учун ёзиб қолдирган бўлсалар ҳам, мустамлака маъмуриятига қарам ўрис ва маҳаллий тадқиқотчилар, айниқса, шўролар даврининг илм ва қалам аҳли ҳақ гапни айтмаганлар ё айта олмаганлар, хон фаолиятидаги баъзи салбий жиҳатларни кўпиртириб, уларга асосий эътиборни қаратиб, афкор оммада сўнгги Қўқон ҳукмдори ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилганлар. Шўро даври муаррихларидан атиги бир йирик муаррихни — Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси Рашид Набиевни бундан мустасно қилиш мумкин.

Худоёрхон қанча муддат ҳукмфармонлик қилган бўлса, Рашид Набиев деярли шунча муддат, яъни чорак аср мобайнида Қўқон хонлиги тарихини ишончли, биринчи манбалар асосида тадқиқ этди. Натижада ҳеч қандай қора меҳнатдан тоймайдиган, ўзига замондош муаррихлар орасида ҳақ гапни айтиш билан ажралиб турадиган олимнинг «Қўқон хонлиги тарихидан» («Из истории Кокандского ханства») номли қимматли асари юзага келди. Илмий доираларда узоқ давом этган курашларда муаррих ўз қарашларини мардона ҳимоя қила олди, иш рус тилида нашрга тайёрланиб, ниҳоят 1972 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти томонидан 1000 нусхада чоп этилди. Чоп этилди-ю, бироқ шўро мафкураси корчапонлари томонидан уни тарқатиш ман этилиб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолдириб юборилди. Хайриятки, китоб ўрни-таги билан йўқотиб ташланмай, кўз-

дан узоқ бир жойда уюм ҳолича сақланиб қолган экан, республикамиз мустақилликка эришганидан кейин тез орада фан фидойиларининг ғайрат-шижоати билан ўз эгаларига етказилди.

Рашид Набиев китоби хусусида кўпроқ мулоҳаза юритишимизнинг боиси шундаки, олимнинг бу тадқиқоти гарчи «Қўқон хонлиги тарихидан» деб аталса ҳам, у, аслида Худоёрхон ҳукмфармолик қилган даврнинг ўзини бағишланган бўлиб, сўнгги Қўқон хони фаолиятини ҳалоллик билан ёритишга бағишланган кўпгина саҳифаларни ўз ичига олар эди. Худди ана шу саҳифалар китоб тақдирига салбий таъсир этиб, унинг муаллифи бошига балолар тоғини ағдарган, ҳалол ва истеъдодли олимнинг умр ришталари тез орада узилшига хизмат қилган бўлса ҳам ажаб эмас.

Бу китобдан анча илгари, 1965 йилда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Ўрта Осиё тарихидан» («Из истории Средней Азии») номли мақолалар тўплами бошига ҳам шундай фалокат келтирилган эди. Шўро мафкураси талабларини қондириш мақсадида, Ўрта Осиё Россия таркибига «ихтиёрий равишда қўшиб олингани»нинг 100 йиллигига атаб чоп этилган бу тўпلامнинг тарқатилиши ман этилганлигига ҳам ундан муаррих С. Жалиловнинг Худоёрхон қурдирган «Улуғ наҳр»ни тўғрисидаги анча объектив мақоласи ўрин олганлиги сабаб бўлган деб ўйлаш мумкин. Бу тўплам билан яқинда, Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасида не-не машаққатлар чекиб танишишга муваффақ бўлдим. Гап шундаки, «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган китобларнинг бир-икки нусхаси уларни тарқатишга рухсат қилинган-қилинмаганидан қатъи назар, каталогларга киритмаслик, ўқувчиларга кўрсатмаслик шарти билан Асосий кутубхонада доимий сақлаш учун жўнатила экан. «Ўрта Осиё тарихидан» тўпلامининг чоп этилиши ва дарҳол ман этилиши билан боғлиқ воқеаларни худди кечагидай ёдида сақлаб қолган Асосий кутубхона директори, ёшликдаги қадрдоним Наби Ғани ўғли биз олиб бораётган тадқиқотга қизиқиб қолди ва бир неча ходимини оёққа тургазиб, ярим кун чамаси астойдил қидирилгач, китоб топилди, ундаги маълумотлар билан танишиш имкони туғилди. Бу олижаноблиги учун фан фидойисини дўстимга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Муҳтарам ўқувчи, ўтмишдаги ва бизга замондош

муаррихларнинг қўлёзма ҳолидаги ёки чоп этилган бўлса ҳам шўро даври цензураси томонидан ман қилинган, баъзилари турли қисқарттириш ҳамда ўзгартиришлар билан ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган китобларининг ишончли нусхалари билан танишиш натижасида сўнгги Қўқон хонининг баъзи фазилатлари хусусида пайдо бўлган таассуротларни ҳам сиз билан баҳам кўриш вақти етди деб ўйлайман.

Маълумки, Норбўтахон вафотидан сўнг тахтга чиққан Олимхон-золихон ўз амакиси Ҳожибекни ва бошқа онадан туғилган бир неча биродарларини қатл эттириб, кейинчалик тахтга даъвогар бўлиши эҳтимол тутилган барча хонзодаларни зада бўлган қушлар каби тўғри келган томонга бош олиб кетишга мажбур қилган эди. Ҳожибек қатл этилиши биланоқ унинг икки ўғли, яъни Улуғбек ва Шералибек Талас томонга, қирғизларнинг улоқчин жамоаси орасига қочадилар. Бахтсиз тасодиф туфайли йўлда Улуғбек ҳалок бўлиб, Шералибек илгаридан мўлжалланган жамоа орасига соғ-омон етиб боради. Ўша вақтларда тахминан ўн тўрт ёшларда бўлган Шералибек улоқчин жамоасидан икки марта уйланиб, улардан беш ўғил кўриб, ўттиз беш йил чамаси ўша ерларда қолиб кетади. Лекин Олтин бешикхондан бошланган Қўқон хонларининг авлоди бўлмиш Шералибек бутун ана шу муддат мобайнида вақти келиб ўзи тахтга чиқиши мумкинлигини кўнглига тугиб яшайди. Шу мақсадда ўзини ҳам, ўғилларини ҳам мамлакатни идора қилишга маълум даражада тайёрлайди. Шералибек Намангандан Мулла Тошбой исмли катта мударрисни улоқчин жамоаси орасига чақиртириб, ўғилларига ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни ўргаттирганлиги, ўзи ва ўғиллари сарбозликда комил бўлганлигини, жумладан, шу мақсадни билан боғлиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Чиндан ҳам кўп замонлар ўтиб, Шералибек эллик ёшларни чамалаб қолганида, Қўқонда 1842 йилги қонли фожиалар рўй беради, амир Насрулло тахтни ишониб топшириб кетган Иброҳим хаёл бир кечада тўсатдан Бухоро томонга қочиб, хонлик тахти ҳукмдорсиз қолади. Тож-тахт тақдирини ҳал этиши мумкин бўлган сарой аъёнлари ошиғич равишда қатъий қарорга келиб, улоқчин жамоасига элчи юборадилар ва ўзига яқин сарбозлар билан пойтахтга етиб келган Шералибекни тахтга чиқарадилар. Орадан уч йил чамаси ўтгач, Шералихон отасининг қотили бўлмиш

Олимхон-золимхоннинг ўттиз ёшлардаги ўғли Муродхон томонидан ўлдирляди. Бироқ Шералихоннинг мингбошиси Мусулмонқули тезда етиб келиб, ўн бир кунгина тахтда ўлтирган Муродхоннинг ўзини қатл эттиради. Мусулмонқули Шералихоннинг икки катта ўғлини четлаб ўтиб, учинчи ўғли Худоёрбекни оқ на-матга ўтқазиб, хонлик тахтга чиқартиради.

Худоёрхон ҳукмфармолиги биринчи муддатнинг аксар қисмида хоннинг ёш эканидан фойдаланган Мусулмонқули мамлакатни бошқариш жиловини қў-лига олиб, амалда ўзи ҳукмдор бўлиб қолади. Шу важдан бу даврда хонлик ҳудудидаги катта-кичик тadbирларнинг барчаси Мусулмонқулининг бевоси-та иштироки ва етакчилигида амалга оширилган. Дастлабки қилинган ишлардан бири ҳали балоғат ёшига етмаган Худоёрхон ва саройдаги бошқа амал-дорлар болалари таълим олиши учун саройда махсус мактаб ташкил этилганлигидир. Худоёрхон ҳукмфар-молигининг биринчи даврида бу мактабдан ташқари янги ўрда барпо этилиши, Чинобод ариғи қазилиши, «Мадрасаи олий» қурилиши ҳам Мусулмонқули фао-лияти билан алоқадор эканлигини ўша замоннинг муаррихлари ўз асарларида қайд этадилар.

Хон аста-секин ўзини ўнглаб, биродари Маллахон ҳамда сарой аъёнларининг ёрдами билан Мусулмон-қули тазйиқидан қутулгач, қурилиш ишлари кўлами-ни кенгайтириб юборади. Шоҳмуродхондан сўнг салкам бир йил чамаси тахтда ўлтирган чоғида, айниқса, ўн йилдан ортиқроқ давом этган учинчи хонлиги даврида Худоёрхон илгари мисли кўрилмаган катта қурилиш-ларни амалга оширди.

Бу қурилишлар, хусусан, янги мадраса ва қори-хоналар Худоёрхон маърифат ҳомийси бўлганлигидан далолат беради. Қўқонда «Мадрасаи олий», «Баланд мадраса», волидаси васиятига кўра унинг номига «Ҳоким ойим» мадрасаларидан ташқари Асака, Шоҳ-обод ва Чустда махсус мадрасалар қурдирганлиги, улардаги бир неча минг толиби илмлар ва мударрис-ларнинг таъминоти учун етадиган вақф ерлари ажра-тилганлиги, мадрасалар фаолиятини шахсан ўзи бош-қариб турганлиги, мударрисларни лавозимга тайин-лаш ва бўшатиш билан хоннинг ўзи шуғулланганлиги ўша давр муаррихлари асарларида ҳам, Зокиржон Фур-қатнинг машҳур «Аҳволот» асарида ҳам қайд этил-ган.



Худоёрхон ўзи маърифат ҳомийси бўлишидан ташқари укаси Султон Муродхонни, валиаҳд фарзанди Насриддинбекни ва бошқа яқинларини ҳам шундай ишларга рағбатлантирган. Насриддинбек Андижонда мухташам мадраса ва жоме масжиди, Султон Муродхон Қўқонда улкан мадраса ва Марғилонда савдо расталари бўлган сарой қурдирганлиги фикримизнинг далилидир. Мадрасалар бино қилиш соҳасидаги хон фаолиятининг кўламини шундан ҳам билса бўладики, муаррих Р. Набиевнинг ёзишича, «Мадрасан олий»нинг ўзида ҳар ўқув мавсумида мингтага қадар толиби илмлар ўқиган.

Худоёрхон Қўқонда ва бошқа жойларда бир неча жоме масжиди, шунингдек, «Масжиди ийдгоҳ» қурдирганлиги, Амир Умархон даврида қурилган жоме масжидини бутунлай янгидан барпо эттирганлиги ҳам муаррихлар эътиборидан четда қолган эмас. «Масжиди жомеъки, замони Умархонин жаннатмакон вақтида бўлуб эрди, — деб ёзади Мирзо Олим Мушриф, — жаноби Худоёрхон намози жумъага борғонда кўрдиларким, навъи футур кетиб экан. Дафъатан устоу нажжорларни жамъ айлаб, соҳибни фаросат ишбоши қўюб, жадди жаҳд қилдилар эрса, икки йиллик вақф ҳусули бирлан қадимдин минг даражада зиёдароқ итмомиға етди».

Худоёрхон бунёдкорлик фаолиятининг катта қисмини у қаздирган каналлар ва ўша каналлар бўйида (баъзан этагида) барпо қилдирган боғу мевазорлар, кўркам қишлоқлар ташкил этади. Илгарироқ айтганимиздек, Худоёрхон ўз ҳукмфармолигининг биринчи даврида Чинобод каналини қаздириб, у тугайдиган жойда Баҳробод аталмиш қишлоқ барпо этганлигидан ташқари, 1868—69-йилларда Р. Набиев таъкидлаганидек, «ўз даврида Фарғона водийсидаги энг йирик каналлардан бўлмиш «Улуғ наҳр» қурилишини бошлаб юборади. Муаррихлар И. Пўлатов, А. Мустафоев ҳамда С. Жалилов ўша даврда мислсиз бўлган бу канални қаздиришдан асосий мақсад хонлик ҳудудидаги шаҳарларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш эканини айтиб, унинг кенглиги 6—7 саржин (бир саржин 2,13 метрга тенг), чуқурлиги 10—11 газ (бир газ 0,71 метр) қилиб, умумий узунлиги эса 150 километрга мўлжаллаб қазила бошлаганини маълум қиладилар. Намангандан Андижонгача етказиш мўлжалланган бу канал Куйганёр, Шаҳрихон, Қоратепа

орқали Девонаработ қишлоғи орқали утиши керак бўлган ва Россия Қўқон хонлигини босиб олган вақтга келиб унинг асосий қисми битказилган. Аҳоли бу улкан оби ҳаёт манбаини Худоёрхон шарафига «Хонариқ» номи билан атаган.

«Архив материалларидан маълум бўлишича Худоёрхоннинг сўнгги ҳукмфармолиги даврида яна хонақоҳлар қурилган, Чимён, Асака, Водил, Аввалда бир қатор қурилишлар амалга оширилган, Олтиариқда ўрда, Қоратепада ўрда ва қалъа, ҳаммомлар, бозорлар, саройлар, дўконлар, устахоналар, омборлар, тегирмонлар, жувозхоналар қурилган», — деб ёзгач, Р. Набиев: «Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича 60—70-йилларда товар-пул муносабатлари ривожини XIX аср бошидагига қараганда анча юқори бўлган. Фарғонанинг йирик шаҳарларида мингларча дўкон ва карвонсаройлар пайдо бўлган. Қўқон бозори ҳамма жиҳатдан Ўрта Осиёда Бухоро бозоридан кейин, иккинчи ўринда турган. Худоёрхон ҳукмфармолигининг охирига келиб Марғилон, Андижон ва Наманган шаҳарлари савдо соҳасида юқори мавқеда эканлиги билан шуҳрат қозонган», — дея шўролар даврида айтиш қийин бўлган дедил хулосага келади.

Илгарироқ Худоёрхон маърифат ҳомийси бўлганлигини у амалга оширган кўпгина ишлар орқали кўрсатишга ҳаракат қилган эдик. Шўролар даври тадқиқотчилари эса, ўша давр сиёсатига хуш келадиган гап айтиш мақсадида, сўнгги хонни илм-маърифатга бегона, ҳатто, чаласавод дея бирлари олиб-бирлари қўйишган эди. Ваҳоланки, тарихий манбалар, хон яшаган давр тарихчиларининг гувоҳликлари бунинг бутунлай аксини исботлайди. Юқорида айтилганидек, Худоёрхон ва ака-укаларининг ўз даври илғор эълиларидан бўлишини, улар мамлакат тахтини идора қила оладиган даражада билимли бўлишини мақсад қилиб қўйган Шералихон узоқ улоқчин жамоаси орасида яшаб юрган вақтларидаёқ Намангандан зўр муллани махсус чақриб бу ишни бошлаб юборган, Қўқон тахтида ўтирган уч йилдан ортиқ давр мобайнида фарзандлари таълим-тарбиясини замонасининг пири комиллари қўлига топширган, Худоёрхоннинг ўзи эса, ҳатто, тахтга чиққанидан кейин ҳам анча муддат дунёвий ҳамда диний илмлар таҳсилга ружу қилган эди.

Замонасининг энг машҳур эшонлари Валихон тўра

билан Соҳибзода ҳазратни Худоёрхон ўзига пир ҳи-  
соблаб, давлат ишларини бошқаришда, хорижий мам-  
лакатлар билан муносабатда ва бошқа кўпгина соҳа-  
ларда уларнинг маслаҳатларига қараб иш тутганлиги  
ўша давр манбаларида сақланиб қолган. Масалан,  
Исҳоқхон Иброт «Тарихи Фарғона»да қайд этишича,  
Худоёрхондан тахтни даъво қилиб қўшни тўплаб кел-  
ган акаси Маллахон ундан енгилгач, Бухорога қоча-  
ди. Худоёрхон эса «султон суягини хўрламас» нақ-  
лига амал қилиб, мусофирликдаги акаси таъминоти  
учун ҳар ойда юз тилла миқдориди жуда катта маб-  
лағ жўнатиб туради. Шунга қарамай, акаси мусофир-  
ликда юрганидан дилгир бўлиб, ўзи пири Валихон  
тўрага: «Бизлар бунда фароғат бирла шикор қилиб,  
айш-ишратда бўлсак, Маллахон акамиз мусофирлик-  
да гурбат чексалар, бизга онча хўб эрмас. Эмдиллик-  
да олдириб келсак деб хаёл қилурман. Бул бонсин  
жаноблари бир равшан жавоб берсалар деб умид  
қиламан» — тарзида мурожаат этади. Пирдан: «Ака-  
ларининг феълу хўйи камокон маълум турур, масале  
машҳур турурким, “икки қўчқорни боши бир қозонда  
қайнамас”, дебдурлар. Мабодо орада бир фасод пай-  
до бўлуб, нақси давлат бўлмаса, яна ўзлари яхшироқ  
билурлар», — деган жавобни олган хон Валихон тўра  
вафотига қадар ўзининг ана шу режасини амалга  
оширмайди. Эшонни пир тутиб тариқат йўлига кирган  
Худоёрхон ўз пирини шу тариқа эъзозлагани иброт-  
лидир.

Худоёрхон илм-фан соҳасидагина эмас, балки  
шеърингда ҳам анча юқори мақом топганини исбот-  
лайдиган далиллар мавжуд. Чунончи, «Улуғ наҳр»  
асосий қисми қазилиб; дарё ўзанидан оби ҳаёт равон  
оқа бошлагач, бу вақтларга келиб назмда камол касб  
этган Худоёрхон унга бағишлаб шеърин таърих бит-  
ганлиги маълум. Муаррих Р. Набиев ўз китобида ўша  
шеърин таърихдан қуйидаги мисраларни келтиради:

Биёбон аҳлига шафқат учун мен  
Чинқордим бир улуғ дарёе Сирдин.  
Ки саҳроларда қаздурдум неча наҳр,  
Ариғ балким демай, монандий баҳр,  
Хирад равшан қилиб таъбим чароғи,  
Икинчи йил туганса интиҳоси.  
Деди хони замон афлок: улуғ наҳр,  
Ки албатта бўлур таърих балиғ наҳр.

Р. Набиев бу шеърний таърих хусусидаги ўз фикрини қуйидагича яқунлайди: «Хоннинг ўзи томонидан қайд этилган канал қурилишининг бошланиш ва тугалланиш санаси «улуғ наҳр» (1286) ва «балиғ наҳр» (1287) ибораларидан келиб чиқади».

Шеърний таърих битиш унча-мунча нозимнинг қўлидан келмайдиган, ижодкордан ҳам назарий-амалий тайёргарлик ҳам муносиб истеъдод талаб этадиган ишдир. Шунинг учун ҳам Худоёрхон «Улуғ наҳр» тугалланишини бу жанрда ўзига хос асар билан нишонлаши ҳар жиҳатдан эътиборга лойиқдир. Худоёрхон ўзигина шоир бўлиб қолмасдан, фарзандларидан бир нечасининг ҳам назм ва наср гулшанидан тоза гуллар теришида илҳомчи бўлган. Масалаи, валиаҳд фарзанди Насриддинбекка назм ва насрдан таълим беришни замонасининг энг йирик шоирларидан Муҳйига топширган. Бир неча йил Андижон ҳокими бўлган, Худоёрхон тахтни ташлаб Тошкентга жўнаши биланоқ, отаси тахтни эгаллаган Насриддинхон ёнида унинг устози Муҳйи ҳамиша ҳозир у нозир бўлган, ўз доно маслаҳатлари билан унга ҳокимиятни бошқаришда ёрдам беришдан ташқари тузуккина шоир ва носир даражасига эришувига ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Хоннинг яна бир фарзанди Фансуруллобек ҳам Муҳйи ва Фурқат каби азамат шоирларнинг энг истеъдодли шогирдларидан бўлган. Фурқат Истанбулдан йўллаган «Сабоға мактуб» номли шеърний мактубида йигирма икки мисраъни Тошкентда қолган ёш, истеъдодли ҳамкасби Фансуруллобекка бағишлаган бўлса, Муҳйи хон фарзанди бўлмиш бу азамат нозимнинг шеърларини ўз баёзига киритиш билан фахрланган.

Худоёрхоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбек билан кенжа фарзандларидан Ибн Яминбек ўз даврининг йирик муаррихлари бўлишган. «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида Муҳаммад Аминбекнинг «Фарғона музофоти хонлари хусусидаги воқеотлар», Ибн Яминбекнинг Фурқат «Аҳволот»и сингари йирик таржимаи ҳол асари ва бошқалар сақланиб қолган. Ундан ташқари Ибн Яминбек кўп йиллар «Туркистон вилоятининг газети»да ишлаган, маълум муддат унинг муҳаррири бўлган бўлса, Фансуруллобек «Хуршид» газетасининг дунёга келишида жадидлар раҳнамоси Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг ўнг қўли сифатида, айниқса, қизғин фаолият кўрсатган.

Бундан ташқари, Худоёрхон бутун ҳукмфармолик даврида халқимизнинг ўтмишдаги бой маънавий меросини жамлаш ва келажак авлодлар учун қолдириш соҳасида ҳам катта гамхўрлик қилганлиги маълум. Узоқ асрларга бориб уланадиган меросимизнинг бетакрор намуналари бўлмиш «Девону луғатит турк» ва Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг дунёда ягона мукамал нусхаси худди Худоёрхон саройидаги кутубхона орқали бизнинг давримизгача етиб келганлигини мутахассислар қайта-қайта қайд этганлар. Худоёрхон ўтган асрнинг 60-йиллари иккинчи ярмида Қўқонда Ўрта Осиёдаги биринчи суратхонани ташкил этганлиги, шу суратхона фаолияти туфайли хонликдаги кўпгина таниқли кишиларнинг, бозор расталари, халқ амалий санъати намуналари ва бошқаларнинг расмлари бизгача етиб келганлигини, замона зайлини яхши англаган хон овруноча турмуш тарзига хос уй-рўзгор жиҳозларидан фойдаланганини, турли сафарлари учун маҳсус енгил фойтун ясашиб олганлиги ва бошқаларни ҳам муаррихларимиз қайд этганлар. Юқорида айтилган ва ҳали айтилмаган кўпгина жиҳатларга асосланадиган бўлсак, Худоёрхонни илм-маърифатга бегона шахс сифатида кўрсатиш тарихий ҳақиқатга хилоф иш деб айтиш мумкин.

Худоёрхоннинг авлодлар учун ибрат бўларли яна бир хусусиятига тўхталиб ўтмасак бўлмайди. Муқаддаслар муқаддаси бўлмиш Онага чексиз эҳтиромни Худоёрхондан ўрганиш лозим, десак муболага бўлмас. Маълумки, хоннинг волидаси қирғиз миллатининг улоқчин уруғига мансуб бўлиб, исми ҳам Жарқиной эди. У туғилганидан то Шералибекка эрга тегиб, бир неча фарзандлик бўлгунича ҳам оддий қирғиз ўтовида умргузаронлик қилган, шу хил турмуш тарзи унинг вужуд-вужудига сингиб кетган эди. Замон айланиб, эри Шералихон Қўқон хонлиги тахтига чиққач, Жарқиной ҳам ўз фарзандлари билан ўрдага кўчиб келди. Бироқ саройдаги ҳашаматли хоналар унга ўз она овули ўрнини босолмас эди. Шу вайдан тез орада отаси вафотидан сўнг тахт соҳиби бўлмиш ўғли Худоёрхондан Қўқон ўрдаси ичига қирғиз ўтови қуриб беришини илтимос қилади. Онанинг ҳар бир хоҳишини фарз ўрнида кўрган хон унинг сарой аъёнлари ва халойиқ орасида кўп миш-мишларга олиб келиши муқаррар бўлган бу хоҳишни ҳам тез орада, ихлос билан адо этади. Худоёрхон ҳукмфармолигининг ақсар дав-

рида ўрданинг аёллар яшайдиган қисмидаги ана шу ўтовиде яшаган хон онаси Ҳоким оғим деган эъозли ном билан кенг шуҳрат қозонади. Худоёрхон онасининг давлат ишларига аралашувига монелик қилмас, кишиларни, ҳатто, ўлим жазосидан олиб қолиб, авф этишигача бўлган хоҳишларини сўзсиз бажарар эди.

Биз Қўқон ўрдасидек ҳашаматли бино ичида оддий қирғиз ўтови ўрнатилиб, шон-шавкатли Худоёрхоннинг онаси улоқчин жамоасидан эканини ошкора намойиш этиб, унда умргузаронлик қилиши турли мишмишлар келтириб чиқариши муқаррар эканлигини айтган эдик. Чиндан ҳам Худоёрхондек йирик ҳукмдор кейинчалик онаси оддий қирғиз аёли эканлиги важдан отаси Шералихон мансуб бўлган минг уруғи оқсуяклари томонидан менсимай ўтиш ҳолларига дуч келган эдики, яқинда биз ана шундай воқеалардан бирининг тафсилотидан воқиф бўлдик. Таниқли тилшунос, филология фанлари доктори Қозоқбой Маҳмудов ўз аجدодлари бошидан кечган бу воқеани бизга ҳикоя қилиб берди.

Андижонда Холбердибек деган ўз даврининг таниқли кишиси яшаган бўлиб, Қўқон хонлари даврида девонбеги лавозимида хизмат қилганлиги важдан уни ҳамма Холдевоибек номи билан атаган. Холдевоибекнинг биродарлари ва жиянлари ҳам машҳур саркардалар бўлиб, улар Тошкентга ўрислар босиб келган 1865 йилдан сўнгги кунларга қадар қаттиқ жанг қилиб, энг охирида Қўқонга қайтиб кетган ва шу сабабли эл-юртда алоҳида мавқега эга кишилар экан.

Худоёрхоннинг Андижонда ҳоким бўлиб турган валаҳд фарзанди Насриддинбек ўша Холдевоибекнинг гўзал қизига уйланишга қарор қилиб, ўз мақсадини отасига айтибди. Қўлини қаёққа узатса етишига қатъий ишонган Худоёрхон дарҳол энг обрўли сарой аёнларидан бир неча кишини совчи сифатида Андижонга, Холдевоибек уйига жўнатибди. Бироқ қизнинг отаси совчиларга рад жавоби бериб, бунга сабаб Шералихон қирғизларнинг улоқчин жамоасидан уйланиб, наслини бузгани эканлигини ётиғи билан тушунтирибди ва ўз заифасини минг уруғининг сараларидан бўлган кишигагина беражагини айтибди. Совчиларнинг қуруқ қайтганидан дарғазаб бўлган Худоёрхон катта бир гуруҳ сарбозларга қизни зўрлик билан Қўқонга олиб келишни буюрибди. Сарбозлар тунда хон фармойишини бажаришибди ва қиз ўрданинг аёллар яшайдиган қисмига киритиб қўйибди. Бироқ қиз кетидан

дарҳол Холдеворбек ўз биродарлари бўлмиш саркардалар билан биргаликда етиб келибди.

Хон саломхонага чиққунга қадар кутиб, унинг ҳузурига киришибди ва Холдеворбек: «Хон ҳазратлари, тўғри гапга эгри тадбир билан жавоб қилиш сизнинг табиатингизда йўқ эди-ку. Наҳотки энди шундай йўл тутсангиз?!» — дебди. Ҳамияти келган хон: «Гапинг тўғри, қизингни олиб кет ва кўнглинг истаган кишига узат», — дея рухсат бериб юборган экан.

«Кейинчалик ота розилиги билан минг уруғга келин бўлиб, ҳаж қилиб, қариндош-уруғлар орасида Ҳожи она деб эъзозланган ўша ача бувим узоқ яшаб, асримизнинг 30-йилларида вафот этганлар. Бу воқеани болалигимда Ҳожи бувимнинг ўз оғизларидан эшитганман», — деди Қозоқбой Маҳмудов домла.

Худоёрхон сарой аъёнлари ва амалдорлар орасида шундай қарашлар борлигини билла туриб, онасини бунчалар ҳурмат қилиши яна ҳам зўр олижанобликдир.

Онаси ҳаётлигида солиҳ фарзанд сифатида унинг барча хоҳишларини адо этган Худоёрхон Ҳоким ойим вафотидан қандай изтиробга тушганлиги, унинг васиятларини қандай ихлос билан адо этганлиги ҳам ўша давр муаррихларининг асарларида келажак авлодлар учун муҳрлаб қолдирилган.

«Шул таърихда (1285 ҳижрий йил ҳақида гап бормоқда — Ш.Ю.) Худоёрхонни волидан шарифалари рамазони шарифда олами боқийга рихлат қилдилар. Жанозасига жаноби ҳазрат Соҳиби Калон ўтуб эрдилар, — деб ёзади Мирзо Олим Мушриф “Ансоб ус-салотин ва таворихи ул-хавоқин” китобида. — Андин сўнгра (хон) даҳага ўлтурдилар. Баҳузурни тамом даҳани тамом айлаб, аҳли муътакифларга рухсат бериб, ҳарамлариға кирдилар...

Таърих бир минг икки юз саксон олтида Худоёрхон волидан шарифалари васиятлари бирла оналарининг номиға мадраса солмоқ бўлуб, мулла Турдиали мирзони ишбоши қилиб, масжиди жоменинг шарқида мадрасан олий биносиға машғул бўлуб, саҳл вақтда итмомиға етиб, “Мадрасан Ҳоким Ойим” номзод қилди. Ва яна бул “Мадрасан Ҳоким Ойим”ға Шаҳрихон устида дарёдин ариқ чиқариб, хирожи вақф айлади».

Шаҳрихон устидан ўтказилган канал «Улуғ наҳр»нинг дастлаб қазилган қисми эканини ҳисобга олсак, Худоёрхон чорак аср давом этган ҳукмфармолик дав-

рида қилган савоб ишларнинг энг каттасини волидан муҳтарамаси руҳига бағишлаганлиги маълум бўлади.

Ана шу ва бошқа кўпдан-кўп жиҳатлар Худоёрхон «жаннат оналар оёгининг остидадур» деган ҳадисга тўла амал қилганини яққол кўрсатадики, шўро даврида не-не маломатларга қолган сўнгги Қўқон ҳукмдори фаолиятининг бу қисмидан ҳам ҳозирги ёшларимиз ибрат олишлари мумкин деб ўйлаймиз.

## ВАТАНЖУДОЛИК ТАФСИЛОТЛАРИ

Аллоҳнинг иймонли бандалари, одатда, ўз ҳаётларида рўй берадиган асосий воқеани аввалдан қалбан ҳис этиб турадилар. Худоёрхон ҳам ҳаётининг сўнггида ҳажга кетишини ва она юртига қайта олмай ҳоки ўша томонларда қолиб кетишини ана шундай аввалдан сезган кўринади. Негаки, у тахтдан кетишидан бир неча йил илгари, Қўқон хонлигида катта тўс-тўполонлар ҳали бошланмаган вақтидаёқ ҳаж сафарига отланган ўз мингбошиси Абдураҳмон офтобачига Макка ва Мадинада тақялар қуришдек олижаноб ниятини маълум қилиб, бу ишни амалга ошириш учун ўша томонлардан бир инсоф-тавфиқли ишбилармон одам топиб келишни топширади. Ҳаж асносида Абдураҳмон офтобачи Конибодомдан бориб Жиддада туриб қолган Ҳожи Муҳаммад Содиқ деганини шу ишга муносиб кўриб, унга хоннинг ниятини маълум қилади. Конибодомлик ҳожи Офтобачи таклифни қабул қилиб, у билан биргаликда Қўқонга, хон ҳузурига келади. Лекин ташқи томондан кўримсизгина бўлган ҳожини Худоёрхон хуш кўрмайди ва унга така қуришни топширмай, бир оз совға-салом билан қайтариб юборади.

Орадан маълум фурсат ўтгач, ташқи кўриниши кўркам, гап-сўзи ҳар қандай кишини ром этадиган Иброҳимжон деган масковчи бой хоннинг ниятидан хабар топиб, унинг ҳузурига киради ва Худоёрхонга ниҳоятда хуш ёқадиган таклифни ўртага ташлайди: «Маккага така солмоқ учун бир мунча маблағ тайинланган экан, — дейди масковчи бой. — Ани бир йил тижоратга қўюб, икки чанд қилиб, сўнгра юборуб қилдириш даркор эди». Шундан сўнг маблағни икки чанд қилиш меҳнатини бой ўз зиммасига олиши мумкинлигидан хурсанд бўлган хон икки минг тилло миқдоридаги пулни унга тутқазиб юборади. Сирти чиройлик



бўлса ҳам қалби нопок бўлган бой икки минг тилло-ни олгач, зим-зиё бўлиб, Масковда айш-ишратга берилиб, пулларни нест-нобуд қилиб юборади.

Бу орада бир неча йил ўтиб, Қўқон хонлиги тахтини ташлаб Тошкентга келган, бу ердан Оренбургга жўнатилиб қаттиқ назорат остида сақланаётган собиқ хон Масковга одам юбориб, Иброҳимжон бойни олдириб келади. Унга ҳажга жўнамоқчи эканини, шу важдан така қуриш учун кўпайтириш мақсадида бойга берилган пулларни олиб такяни қурмоқчи эканини билдиради. Хон бойдан: «Сиз мандин ақча талаб қилганда бир ҳужжат даркор, тегишли ерга кўрсатинг... ҳужжат бўлмаса, бу бекорчи сўзни айтмоқни фойдаси йўқ!» — деган сурбетларча жавоб эшитиб, лол қолади, «Худо билсун», — дейди холос. Шу тариқа, бойнинг сохт-сумбатига ишонган Худоёрхон ундан қаттиқ панд ейди. Бироқ кўп сарсон-саргардонликлардан сўнг ҳаж сафарида юрган хонга Жиддада Ҳожи Содиқ Конибодомий алоҳида иззат-икром кўрсатади. Сиртдан кўримсиз бўлса ҳам қалби тоза, иймони бутун Конибодомийнинг юксак фазилатларини кўриб, хон ўзининг аввалги ишларидан афсусланади, ундан узр сўрайди ва ўта камсуқум ҳамюртнинг жавобларидан ниҳоятда мамнун бўлади.

Худоёрхонни Қўқон тахтини ташлаб, Тошкентга, Туркистоннинг бош ҳукмдори ҳузурга келишга мажбур этган омиллар, Тошкентга келиш чоғида рўй берган кўнгилсиз воқеалар хусусида илгарироқ сўз юритган эдик. Хулласи, 1875 йил июль ойининг охирида ўта ночор аҳволга туширилган сўнгги Қўқон хони дастлаб ўрислар қўл остидаги Хўжандга келиб, бир неча кун тургач, фон Кауфманнинг таклифига кўра ва у юборган олтмиш чоғли казак аскарлари ҳимоясида Тошкентга йўл олади. Хоннинг Тошкентга кириб келиш санаси ўша давр матбуотида 1875 йилнинг 8 августи деб кўрсатилган.

Ўша давр муаррихлари фойдаланган ишончли манбалардан маълум бўлишича, Худоёрхон тахтни ташлаб чиқиб кетгунга қадар бир неча кун пухта тайёргарлик кўрган: онла аъзолари ва хазинадан ташқари бой кутубхонасининг бир қисмини, хонлик архивидаги энг муҳим ҳужжатларни ҳам ўзи билан олиб кетишга муваффақ бўлган. Генерал-губернатор Тошкентга чақирганидан сўнг ўз хуфияси бўлмиш Мулла Ориф рикоб деган кишини ҳаммадан махфий равишда бу ерга

жўнатиб, ҳақиқий аҳволни ўрганишни, хон келгунига қадар бир қанча тадбирларни амалга оширишни унга буюрган. Тошкентга хондан бир кун илгари етиб келган хуфия машҳур Сайид Азимбойнинг уйига борганлиги ва унда амалга оширган ишлари хусусида кейинчалик «Тарихи Фарғона»нинг муаллифи Ибратга қуйидагича сўзлаб берган:

«Хон мани хилват қилиб дедик: “Дарҳол отлан, бир маҳрам ол, Тошкандга бор, олти минг танга пул ол... Тошкандга боруб, Сайид Азимбойга айтгил, биз боруб турибмиз. Бизга бир маслаҳат берсунки, жавоби муомала учун шофий сўз керак”. Анда ман жўнадим... намози асрда шитоб бирлан Сайид Азимбой ҳавлисига келдим. “Хон ҳазрат келиб турубдурлар. Сизга илтимослари бор”, — дедим. Хатни кўруб, афсус қилди. Кўз ёши қилиб дедик: “Сад ҳайф, ислом ҳукумати тамомга етдиму”, — деб дарҳол хизматкўрлариға буюрди: “Аробани қўш”, — деб. Қоляскасини қўшуб: “Қани юрунг”, — деб яна сўради: “Ҳеч нима борму?” — деб. Ман: “Олти минг танга пул бор”, — дедим. Айди: “Хўқанд тангаси бўлмайду!” — деб. Тангани жавониға қўйдук. Беш юз сўм ақча олди. Русия ичига бордук. Бир тўрани ҳавлисига кирдук. Хизматчиси хабар қилди, ичкари кирдук. Бой илан амонлашиб бўлуб, бой бир неча калима ўрусча сўзлашиб, баъдаҳу мазкур тўра ўрнидан туруб, жавонидни бир китоб олиб, кўб варағлади. Охири бир неча сатр сўз ёзди. Сайид Азимбой манга айди: “Мусулмонча ёзинг!” — деб. Дарҳол ёздим, сўз шул эканки, хон келур, генерал-губирнатурни кўргани келур, амонлашур, сўнгра айтурки, “Государ импературни бориб кўруб келасиз!” — дер. Зинҳор хўп демай, айтсунки: “Ман юртимға боруб, мамлакатни тинчитуб, ўрнимға ноийб қўйуб, сўнгра борурман”, — десун деган сўз экан. Езиб олдим. Хонға отланиб чопдим. Келсам хон Пискатда Юнус мингбошини ҳавлисида экан... Хилват қилиб сўзлашдим, хатни бердим».

Шундан сўнг Ориф рикоб яна Тошкентга, Сайид Азимбой ҳавлисига қайтиб келиб, бой билан биргаликда хоннинг янги топшириғини бажаради. Бироқ бой ёрдамида амалга оширилган пухта тадбирлардан сўнг Тошкентда генерал-губернатор билан учрашув пайтида хон ўзини йўқотиб қўяди ва унинг таклифига тўсатдан кўниб, асло тузатиб бўлмас хатога йўл қўяди. Натijaда орадан уч кун ўтгач, яъни 11 августда гўё,

император билан учрашиш учун Петербургга кетди, деган баҳонада жўнатилиб, Оренбургдаги генерал-губернатор томонидан олиб қолиниб, икки йилдан ортиқроқ давр мобайнида қаттиқ назорат остида тутиб турилади.

Худоёрхон ва Сайид Азимбой ўртасида бўлиб ўтган воқеа муносабати билан яна бир масалага тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Маълумки, шўро даври муаррихлари ҳам (марҳум профессор Тўғон Эрназаров билан Адҳам Акбаровнинг Туркистон вақтли матбуоти тарихига бағишланган ўрисча монографияси бундан мустасно), ҳатто, ҳозирги мустақиллик даври тадқиқотчилари ҳам Сайид Азимбой хусусида гап борганида ҳаминша унга ўта салбий муносабатда бўлиб, Россия империясининг фахрий фуқароси унвонига эга бўлганлигини асосий айб сифатида келтирадilar. Тўғри, Сайид Азимбой ўрис босқинидан аввал ҳам Россия ичкарасига бориб, савдо-сотик билан шуғулланган ва шу важдан бу мамлакат билан иқтисодий-савдо алоқалари йўлга қўйилишидан манфаатдор бўлган, Тошкентнинг Россияга ён босган бир неча бойлари қаторида турган.

Аммо Тошкент ўрислар томонидан босиб олинганидан кейинги воқеалар, айниқса, мустамлакачилар Қўқон хонлиги ҳудудларини кетма-кет қонга ботириб эгаллай боришлари бу катта савдогарнинг ҳафсаласини пир қилган кўринади. Худоёрхон тахтни ташлаб келишга мажбур бўлган 1875 йил ёзида эса, Сайид Азимбой бу воқеа «ислом ҳукумати тамомига етишиш» билан тугагини қалбан сезиб, афсус устига афсуслар қилади. Шундай экан, Сайид Азимбойдек аввалига ўрис босқинчиларидан яхшилик кутиб, қаттиқ алданган одам ҳам кейинчалик ҳақиқатни англаб олиши туфайли унинг дупёқарошида юз берган кескин ўзгаришларни ҳисобга олиш зарур бўлади. Қолаверса, ҳали ўрис босқинчиларининг ҳақиқий қиёфасини аниқ англаб етмаган вақтларида ҳам Сайид Азимбой ўлка аҳолисининг маърифатга бошловчилари сафида бўлган, 1871 йилдаёқ мадрасаларда ўрис тилини ўргатиш тарафдори сифатида майдонга чиқиб, бу ишни Эшонқули додхоқ мадрасасидан бошлашни таклиф этган, Тошкентдаги дастлабки рус-тузем мактаби худди Сайид Азимбойнинг Ҳадрадаги ҳовлисида очилган, кейинчалик, 1900-йиллар ўрталарига келиб унинг ўғли Сайид Каримбой рус-тузем мактабларини тугатган юзларча

маҳаллий миллат болаларининг ундан кейинги таълим-тарбияси масаласида Туркистон генерал-губернатори билан тиккама-тикка олишган. Булар бари тарихий манбаларда муҳрланиб қолган аниқ фактлар бўлиб, улар билан ҳисоблашиш муаррихларимизнинг бурчидир.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Н. Остроумов 1915 йилда, Тошкент Россия томонидан босиб олинганнинг эллик йиллиги мустамлакачилар томонидан кенг нишонланган пайтда, шу мавзуда ёзган китобининг Узбекистон Республикаси Марказий Давлат архивида сақланиб қолган қўлёзмасида 50 йил мобайнида Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ерли аҳолидан оқподшоҳга чинакам садоқатли бирорта ҳам кишини етиштиришга муваффақ бўла олмаганини зўрафсус билан қайд этган эди.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олганда, ҳозирги даврий ва нодаврий матбуотда, радио ва телевидениеда эълон қилинаётган кўплаб материалларда ўрис мустамлакаси даврида фаолият кўрсатишга мажбур бўлган, тарихий вазият тақозоси билан уларга хуш келадиган баъзи ишларни ҳам амалга оширган, лекин ўз халқига қалбан содиқ қолган зиёлиларнинг узундан-узун рўйхатларини келтириб, уларни эл-юрт хонлари сифатида ноғора қилиниши номатлуб иш деб ҳисоблаймиз. Уша зиёлилар ҳам жонли инсонлар бўлганлиги, ўшандай бир тарихий вазиятда нималар қила олиши мумкину нималар қилиши мумкин бўлмаганлигини ҳамиша ҳисобга олиш, улар хусусида мулоҳаза юритганда ҳар бир тадқиқотчи ўзини уларнинг ўрнига қўйиб кўриши зарур деб ўйлаймиз.

Энди яна Худоёрхон қисматига қайтайлик. «Худоёрхон ва Фурқат» рисоласида биз сўнгги Қўқон хонининг Тошкентдан чиқиб Туркистонга, ундан Оренбургга жўнаши, икки йилдан кўпроқ у шаҳарда эркисизликда сақланган Худоёрхоннинг махфий равишда қочиб, Афғонистон — Эрон ҳудудига етиб олганлиги хусусида ўша даврдаги вақтли матбуот материалларига асосланиб ёзган эдик. Кейинчалик ўша давр маҳаллий муаррихларининг асарларини ўрганишимиз хоннинг Тошкентдан жўнаб кетгандан кейинги фаолиятини батафсил ёритиш имконини берадиган бир қанча янги маълумотларга эга қилди.

Чунончи, Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона»да илгарироқ зикр қилинган Ориф рикоб тилидан қуйи-

дагича ҳикоя қилади: «Тошкандин жўнаб... Туркистон борилди. Хон Мусо Али мингбоши ҳавлисига тушти. Бекзодалар ва аёлга (Ўрмонбек, Фансуруллобек ва Оғача ойимга демоқчи — Ш. Ю.) алоҳида ҳавли тайёрлаб бердилар. Анда хон беш кун туруб, аҳли аёллар билан видолашиб, Туркистондин жўнадук... Хон билан бирга кетган кишилар булар эдики, чунончи: мулла Маъруф додхоҳ, иккинчи — Қосим тўқсоба, учинчи — Жалил хазиначи, тўртинчи — Муҳаммад шарбатдор, бешинчи — Хурсанд деган қул, олтинчи — Муллача деган қул, еттинчи — Мирзабой сағир, саккизинчи — Тожи маҳрам деган». Винобарин ана шу саккиз киши Оренбург сургунида хон билан бирга яшаб, унинг хизматида бўлишган.

«Туркистон вилоятининг газети»да 1878 йил 21 июнда чоп этилган қисқагина хабарда хон қозоқча либос кийиб, ўзини таъинмасдан туркман саҳроси ва Бухоро орқали Афғонистоннинг Тахтапул деган жойига етиб олганлиги, афғон маъмурлари уни Эрон ҳудудига чиқариб юборгани маълум қилинган эди. Бироқ унинг ёнида ҳамроҳи бўлганми-йўқми, агар бўлган бўлса у ким эди? деган саволга газета хабарига, умуман, жавоб йўқ эди. Ўша давр муаррихларининг асарларидан бу саволга ҳам баъзи жавоблар топилди. Масалан, Исҳоқхон Ибротнинг «...бир кун овда бир қазоқ ёфисга кира қилиб, Русия тупроғидин йигирма тўрт соатда чиқармоқ уч юз сўмга шарт қилиб жўнаб, бир суткада Эрон ҳудудига ўтқузган экан», деган фикри бу масалага бир аниқлик киритса, Мирзо Олим Мушриф бу «қазоқ ёфис»нинг исми Турдиқазоқ эканини айтиб, иккинчи аниқлик ҳам киритади.

Ҳаж сафарига Худоёрхон ҳаётида яна бир унутилмас фожиа юз берганлиги, бошига сўнгсиз фалокатлар тушган хоннинг ҳамюртларидан бири мусофир юртда унинг озига тош билан уриб тишини синдирганлиги ўша даврнинг вақтли нашрларида ҳам, муаррихлар, шоирларнинг хон ҳақидаги асарларида ҳам акс эттирилган. Жумладан, «Туркистон вилоятининг газети»да 1879 йил 25 апрелда босилган хабарда бундай дейилган эди: «Ушбу яқинда Макка мазмаъидин қайтиб келган бир ҳожи Худоёрхон тўғрисида айтган хабардан зоҳир бўладурки, ушбу йил Худоёрхон Макка мазмаъига бориб ҳаж қилган экан. Худоёрхон хонлиқ вақтида бир кишини шаҳардан бадарға айлаб, тасарруфидаги амволларини хазинага олиб, ўзини ҳайдаб

юборгандин сунг ул бечора ночор ҳажга бориб, бир неча йилдин буён ўша тарафларда тургон экан. Чун Худоёрхон ҳаж учун Макка мазмаъига борганда, ул киши Худоёрхонни кўруб: “Эй ноинсоф, манга мунча жабр-зулм қилиб, ахийри ўзунгнинг ҳам аҳволинг шул бўлдим?” — деб тош бирла оғзига уруб, Худоёрхонни тишини синдирибдур.

Баъдаз он хон ўшал ерни улуғлариға арз қилиб, ўрган киши билан тафтишга тушган экан. Аммо ишлари нечук бўлуб битушгани маълум эмасдур. Ба ҳар тақдир худ шу кунларда Худоёрхоннинг ўзи Шом шаҳрида турган эмнш».

Филология фанлари доктори марҳум Собиржон Иброҳимов Фурқатнинг «Муҳаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асарини «Меҳнат ва турмуш» ойномасининг 1971 йилги 5-сонида эълон қилдирар экан, юқоридаги воқеа Бағдод шаҳри бозорида содир бўлган деб кўрсатган эди.

Лекин «Тарихи Фарғона»нинг муаллифи анча йил кейин ҳаж сафарига борар экан, Худоёрхон юрган йўллардан ўтиб, уни кўрган, юқорида зикр қилинган воқеанинг гувоҳи бўлган кишилар билан шахсан учрашиб, мусофирликда хон қаерларда ва кимлар билан бирга бўлганлиги ҳақида, шунингдек, тиш синиши воқеасига алоқадор жой, унинг сабаби ҳамда ким томонидан содир этилганлиги ҳақида ҳам анча батафсил маълумотлар беради.

Мана ўша маълумот: «(Жиддада) хонни уч кун зиёфат қилдургандан сунг Маккага тилигром бериб, далилга келиб турганини билдирган экан. Ажала тсваларга миндуруб жўнаётганда далиллар Сафо ва Марва ўрталаринда бир эски ўрда бор экан, анга қўндурган эканлар. Лекин ул ўрдани юқори ошёнасида марҳуми Хўжа Қалон эшон Намангоний мужовир бўлиб эканлар. Ул киши илан ўғлилари Юсуфхон тўра ва Амон халифа бирга экан. Бир куни хон Ҳазрати эшон марҳумийға изҳори хурсандлик қилиб: “Алҳамдулиллаҳ, мақсади аслийға восил бўлдим”, — деб беш вақт намозларини ҳарамда адо қилиб юрганда, иттифоқо бир куни ҳарамдан хон чиққанда, бир киши бир пиёла чой тутган экан. Хон каравотда ўтириб, чойни ичиб турган пайтда, бир киши бир катта тош илан отуб, хонни оғзига тегиб, икки адад тишлари синган экан».

Демак, Худоёрхоннинг икки тиши ҳамюрти бўлмиш одам томонидан синдирилиши баъзи манбаларда кўр-

сатилганидек, Макка ва Мадина зиератидан кейин Шом мамлакатининг пойтахти Бағдодда эмас, балки Маккада эканида, ҳаж зиёрати кунларида содир бўлган.

Исҳоқхон Ибрат шундан сўнг тиш синдирган кишининг кимлиги ва нега бундай қилганлиги хусусида ҳам хоннинг маҳрамларидан бўлмиш Мулла Муҳаммад ʻМарбек Андижоний ҳикояси бўйича янги маълумотлар беради: «Вақте зобидлар ургувчини олиб бориб ҳибс қилгандан сўнгра хонни иложхонага олиб, сўнгра чиқариб, истинтоқ қилганда, бу ургувчи Наманган фуқаросидан тўрақўрғонлик Солиҳ саркор деган Ортук саркорни ўғли экан. “На учун ўз хонингни урдинг?” — деганда айтибдурки: “Ман бул кишига саркор эдим. Намангонни танобини йиғиб берганимда хазинага зарар қилгансан деб, мани ҳавли-ҳарамларимдан жудо қилган эдилар. Ҳаётлиқда бир қасос олмоқ мақсадим эди. Бул киши ҳажга кетган деб эшитиб эдим. Келиб бул ерда топдим ва урдим”, — деганда, тўрт йил ҳибсга ҳукм бўлиб, хондан сўраганда: “Ман авф қилдим”, — деганда, икки йил ҳибсда қолган экан».

Кўчирмадан маълум бўлишича, хондан қасос олмоқчи бўлган кишининг даъвоси «Туркистон вилоятининг газети»да ёзилган гапларга яқин келади, аммо тиш синиш воқеасидан кейинги Худоёрхон ўзини тутиши бутунлай бошқача: бағри кенг, кечиримли, мард одамни кўз олдимизга келтиради. Газетада ёзилганидек, у ўша ернинг улуғларига арз қилиб, урган киши билан тафтишга тушмайди, Маккадаги жазо идоралари айбдорга тўрт йиллик қамоқ жазоси белгиланганда, хон унинг гуноҳидан кечганлигини айтиб бу жазо юмшатилишига эришади. Демак, Туркистондаги мустамлака амалдорларига ёқиш учун собиқ хонни беҳурмат қиладиган гап ёзган газета хабарининг кўп жиҳатдан ёлғонлиги маълум бўлиб қолади.

\* \* \*

Муҳтарам ўқувчи, Қўқон хонлиги тарихининг шўролар даврида атайлаб хуфия сақланган нуқталари ҳали кўп. Уларни аниқлаш ва истиқлол бахтига эришган, ўз ўтмишини қадрлайдиган, ундан фахрланадиган авлодларга баралла айтиш муаррихларимизнинг виждон бурчидир.

## ҚОЗИКАЛОННИНГ ИНСОФИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг бой ва қизиқарли тарихига, бу халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим воқеаларга, халқнинг беназир маданий меросига, унинг бир-биридан ажойиб фарзандлари қисматига янгича муносабат пайдо бўлди, улар ҳақида инсоф ва ростгўйлик билан битиладиган асарларга эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бу бежиз эмас. Инакки, коммунистик мафкура яқка ҳукмронлик қилган кейинги бир неча ўн йил давомида халқимиз ўтмишидаги кўпдан-кўп ибратли воқеалар ва шахслар «қизил империя» манфаатларига тўла мослаштириб қинғир кўзгуда кўрсатилди. Бу ҳол ўн минглаб, юз минглаб ўқувчиларни ўрни-тагида бўлмаган нарсаларга ишонтириб, йўлдан оздирди. Халқимизнинг асл қиёфасини ёрқин кўзгудек акс эттирувчи бундай воқеа ва шахсларга муносабатда ўша даврдаги тадқиқотлар учун хос бўлган икки хунук хусусият деярли ҳамиша етакчилик қиларди. Биринчиси, ўша воқеа ва шахсларни кўриб-кўрмасликка олиш, иккинчиси эса, улар учун тасодифий бўлган арзимас бир нуқсонни топиб, унга коммунистик мафкурага хуш келадиган тавқи лаънат олиш. Бунинг номи синфийлик, партиявийлик деб аталарди. Шўро даври тадқиқотчиларининг деярли барчаси шу «сабоқ»ни ўқишган ва ўз асарлари орқали бошқаларга ўқитишган.

Асл фактларга, ҳалол мантиққа асосланиб, ўз қалбини ўқувчига қафтида тутгандек баралла очиб берадиган тадқиқотлар яратиш даври энди келди. Шу руҳда яратилган кўплаб асарлар эълон қилинмоқда ва халқимиз маънавиятини бойитмоқда. Ҳақ сўзни айтиш учун республикамизда вужудга келган эркин вазиятдан фойдаланиб, халқимизнинг XIX аср иккинчи ярмидаги ҳаётида ибрат намунаси бўлиб қолган мураккаб тақдирли фарзандларидан бири ҳақида ҳужжатларга таянган ҳолда баъзи янгича мулоҳазаларни билдирмоқчиман.



Гап Тошкентни Россия босиб олган пайтда шаҳарнинг қозикалони лавозимида бўлган Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғиллари хусусида бормоқда. Ўзбекистон тарихига оид кўпгина китобларда бу мўътабар зотнинг номи худди шу босиб олиш воқеаси билан боғлиқ ҳолда тилга олинган ва унинг фаолияти аксар ҳолларда, ўзининг қозикалонлик лавозимини сақлаб қолиш мақсадида генерал Черняевга шаҳар дарвозаларини очиб берган таъмагир, амалпараст шахс сифатида баҳоланган.

Ҳа, душман ҳужумини даф этиш йўлидаги энг сўнги тадбирлар ҳам муваффақиятсиз тугаб, босқинчилар шаҳар аҳолисини бўғиб ташлаш учун мислсиз ёвузлик билан иш тутган бир шароитда Ҳакимхўжа қозикалон, домулло Солиҳбек охунд, Абулқосимхон эшон каби улуғ зотлар фақат халқ тақдирини ўйлаб, таслим бўлишга розилик билдирганликлари тарихий ҳақиқатдир. Лекин ўта покдомон, валийсифат бу зотларнинг охирги чора сифатида юрак гижимлаб амалга оширган ишларини Тошкентни Россияга топшириб бойлик орттириш, амалга миниб мақсадида ўз халқидан яширин равишда Россия императорига ариза битган, рус амалдорлари билан тил бириктирган баъзи «ватандош» ларимизнинг қилмишлари билан тарозининг бир палласига қўйиш инсоф ва ҳақиқатга хилоф ишдир.

Тошкентни русларга топширишга бу улуғ зотларни нималар мажбур қилди, улар бу воқеадан илгари ким эдилару ундан кейин ким бўлиб қолдилар деган саволларга пухта далиллар асосида жавоб берилса, ҳақиқат равшан бўлади деб ўйлаймиз.

Домулло Солиҳбек охунд ва Абулқосим эшон ҳақида шу мақоланинг ўзида баъзи гаплар айтишни ваъда қилиб, ҳикоямизнинг бош қаҳрамони Ҳакимхўжа қозикалон хусусида тўхталсак. Аввало, руслар Тошкентни босиб олгач, қозикалонлик мансабини ўз қўлида сақлаб қолишни Ҳакимхўжа эшон тама қилдимиз? Агар тама қилган бўлса, энг катта ўрис амалдорлари ҳузурида ўзини қандай тутуши керак эдию аслида қандай тутди?

Биринчи саволга жавоб бериш учун Ҳакимхўжа эшон Қўқон хони Султон Сайидхон ҳукмронлиги даврида бу лавозимга қай тариқа чиқиб қолганини билиш алоҳида аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Батафсил жавобни биз «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1890 йил 3 ноябрдаги 43-сонидан бошланиб, 46- ва 49-сон-

ларда давом эттирилган «Тошканд шахрининг улур хурматли қозикалони Сайид Муҳаммад Ҳакимхўжа, эшон Норхўжа эшон ўғлилари аҳволлари хусусида» деб аталувчи салмоқли таржимаи ҳол асарида учратдик. Асар газетанинг уч сонидида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинганидан сўнг тўхтатиб қўйилганига, қарамай, унинг тафсилотларга тўла давоми борлиги, шундоққина сезилиб турарди. Бу ҳол бизни асар давомини архивлардан излашга чоғлантирди. Меҳнатимиз зое кетмади, унинг рус тилига таржима қилинган тўла нусхаси топилди, афсуски, ўзбек тилидаги тўла нусхага дуч келмадик. Лекин русча тўла нусханинг ўзи ҳам Ҳакимхўжа қозикалон фаолиятининг асосий қирралари ҳақида маълумот олиш, унинг буюк ибрат намунаси бўлмиш феъл-атворини идрок этиш учун бой маълумот беради.

Уқувчида Туркистонда ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ҳафтада бир марта, кичик ҳажмда чиқиб турган ўзбек тилидаги ягона газетада мустамлака амалдорларига унчалик ёқмаган қозикалон ҳақидаги ҳажм жиҳатидан катта таржимаи ҳол асари нечук бир неча сонда икки тилда босилди? деган савол туғилиши мумкин. Лекин гап шундаки, худди ўша йиллари газета ўлкада кенг шуҳрат қозонган зиёлиларнинг ҳаёт йўлини акс эттирган таржимаи ҳол асарлари туркумини эълон қилиш билан газетхонларни жалб этиш йўлини тутган эди. Сатторхон Абдулғаффоров, Зокиржон Фурқат, Мирзо Абдулло Исамуҳаммад ўғли, Ибн Яминбек Худоёрхонов ва бошқа йирик зиёлилар хусусида эълон қилинган таржимаи ҳол асарлари ана шу мақсадга хизмат қилган эди.

Таҳририят ўз замонасининг йирик арбоби, маърифатпарвари бўлган Ҳакимхўжа қозикалон таржимаи ҳолига оид бу йирик асарни ҳам қабул қилиб олади, тўлалигича эълон қилишга чоғланадию (тўла эълон қилиш нияти бўлмаса, анча маблағ ва меҳнат сарфлаб тўлалигича русчага таржима қилдирмаган бўларди), бироқ бизга номаълум сабабларга кўра уч сондан сўнг уни чоп этишни бас қилади. Ваҳоланки, Фурқатнинг «Саргузаштнома»си ўн уч сонда, Сатторхонники ўн бир сонда чоп этилган ва ҳоказо.

Асарнинг газета уч сонидида босилиб чиққан қисми Ҳакимхўжа эшоннинг аждодлари, оилавий муҳити, ҳамма ҳавас қилса арзигулик илм ҳосил қилиши ва биз учун энг муҳими, қозикалонлик лавозимига қай

тариқа чиқиб қолиши хусусида батафсил ва қизиқарли маълумот беради.

«Ул жанобнинг ота-боболари аввалдан улуғ мартабада маълум ва машҳур бўлуб келгандурлар. Уттуз восита бирла ота тўғрисидин Ҳазрат Али разиаллоҳга, улуғ боболарининг оналари сабабидан ҳазрати Фотима разиаллоҳ анҳога етадурлар», деб бошланади асар.

Бир гапни қўшимча қилай. 1976 йилда Ҳакимхўжа қозикалоннинг эвараси, ўрта мактабда менга риёзатдан дарс берган домлам Акбар Аъзамов билан у кишининг катта боболаридан қолган Себзор даҳа Қози кўчадаги ҳовлида кўришиб, яна ўша зотдан қолган «Далойил» номли катта диний китобни варақлаганимизда қозикалоннинг ўн тўрт авлод наридаги боболари Хўжа Али шайх 440 йил илгари Арабистондан Тошкентга кўчиб келиб, муқим бўлиб қолганлиги, ундан мавлоно Ёқубхўжа шайх, ундан хўжа Усмон шайх, ундан Маҳмудхўжа, ундан Муҳаммадхўжа, ундан Бобохўжа, ундан Муҳаммад Олим шайх, ундан Хўжа шайх эшон, ундан Муҳаммад Қорихўжа, ундан Нөрхўжа эшон, ундан Ҳакимхўжа эшон туғилганлиги хусусида вақт-вақти билан қозилар муҳри босилиб турган васиқага дуч келган эдик. Ана шу васиқа ҳам Ҳакимхўжа қозикалон пайғамбар авлоди эканлигини кўрсатувчи далиллардан бири бўлади деб ўйлаймиз.

Асарда айтилганидек, 1217 санайи ҳижрий (милодий 1802) да олами вужудга келган Ҳакимхўжа фикҳ илмини Султонбой домлада, илми мантиқ ва илми каломни Мир Иноятулло домлада Тошкентда ўргангач, Қўқонда Амир Умархоннинг пири ва шайхулислом ҳазрат Зокирхўжа эшон қўлида олти йил мобайнида илми ҳикмат, илми усул ва илми баёндан таълим кўргач, ул зотдан фотиҳа олиб, Бухорои шарифда таҳсилни давом эттиради: Кўгалдош мадрасасининг улуғ мударриси Мирзо Солиҳ домладан илми ҳадис ва илми тафсирни, «жамъии илми ҳисоб»ни эса ҳазрати Хўжа Калондан ўрганиб, яна тўққиз йил мобайнида ҳазрати қутбултариқат ва ғавсулҳақиқат Муҳаммад Ҳасан жанобларига мурид тушиб, илми тариқат ва илми ҳол ҳосил қилади. Шу тариқа Ҳакимхўжа 33 ёшига қадар илм оламида муттасил риёзат чекади ва Тошкентга қайтиб келиб, мадрасада илми қаввол ва илми ҳолдан дарс айтадиган бўлади. Сал кам ўттиз йил мобайнида бу илм заҳматкашининг энг севган машғулоти анвойи китоблардан олган билимларини сон-саноксиз шогирд-

ларига етказишдан, уларни ҳақиқат йўлига бошлашдан иборат эди.

Ҳакимхўжа эшон фаолиятининг мадрасада мударрислик даври ҳақида фикр юритилар экан, асарда бундай ёзилади: «Бир неча мартаба Туркистон музофотини мусулмон улуғ ҳукуматдорлари улуғ мансабларга таклиф қилдилар. Ул жаноб кўб узрлар била баёни ҳол қилиб, аларни яхши сўзлар била қабул қилдуруб катта мартабаларни қабул қилмадилар. Ва ҳеч вақт мусулмон замонда подшолик мажлисига борган эмаслар. Балки ушбу вилоятларни подшо, вазиру ҳокимлари ул кишини зиёрат қилиб, дуоларини олмак ва насиҳат эшитмак учун хизматларига уйларига келур эдилар ва ҳама вақт аларга рост сўзни хавф қилмасдин айтиб насиҳат қилур эдилар... ва ул жанобни насиҳатларини эшитган одам кўзларидин ёш оқузуб, кўб ихлослари билан қабул қилур эдилар. Ҳеч вақт ўзларини фойдаси учун рост сўз била насиҳат беришдин тўқтаган эмаслар. Ҳар нечук кўнгли қаттиқ одам ул кишидин яхши сўз эшитиб, албатта, кўнгли мулојим бўлгандур ва ҳама одамлар бул хосиятни ул кишини валийлик қувватидин деб фаҳм қилур эдилар».

Мана шу парчанинги ўзида Ҳакимхўжа эшон феъл-атворига хос етакчи жиҳатлар анча яққол кўринади. Замонасидаги амалдорлар ҳузурига хоҳ илтимос билан, хоҳ шунчаки суҳбатлашиш учун боришни, умуман, ўзига эп кўрмаса, шу сабабдан катта-катта ҳукуматдорларнинг ҳаммаси унинг зиёратига келса, зиёратга келган амалдорларга ҳеч қўрқмасдан ҳақиқат гапни муттасил айтиб, уларни тўғри йўлга солса, қайта-қайта таклиф этилган юқори мансабларнинг бирортасини қабул қилмай, инсоф ва мантиқ кучи билан рад этса, қиличидан қон томган ҳукмдорлар эшон билан суҳбатдан сўнг мулојим тортиб, инсофга келиб қолса, бизга яна нима керак?

Шундай бир шароитда, шунақа табиатли одам Тошкентдай шаҳри азимнинг қозикалони лавозимини қабул қилиши ақлларни лол қолдирадиган иш бўлган, албатта. Лекин катта амалларга беписандлик билан қарайдиган, тўғрироғи, шариятга хилоф бирор ишга йўл қўйиб гуноҳкори азим бўлишдан ҳамиша ўзини эҳтиёт қиладиган бу валийсифат зотни ўз даврининг уста сиёсатдонлари, айтиш мумкинки, қозикалонлик лавозимига зўрлик билан ўтқазиб қўядилар.

Асарда тасвирланишича, Қўқон хони Султон Са-

Йиндхон ўз бош вазири Алимқули билан биргаликда Ҳа-  
кимхўжа эшонни Себзор даҳасидаги уйида зиёрат  
қилиб қайтгач, Тошкент ўрдасига бориб, сафар чо-  
ғида ўзига ҳамроҳ бўлган шайхулислом Сулаймонхў-  
жа эшон, Қўқоннинг қозикалони Абдуваҳобхўжа эшон,  
ҳарбий қози Зиёвуддин маҳдум ва бошқа катта ула-  
молар билан машварат қилиб, Ҳакимхўжа эшонни  
Тошканд шаҳри ва музофотига қозикалон қилиб та-  
йинлаш тўғрисида яқдиллик билан тўхтама келади-  
лар. Шундан кейинги воқеалар баёни қуйидагича:

«Бул мақсад била, аввало, жаноби вазири мазкур  
(Алимқули демоқчи — Ш. Ю.) бу жаноб хизматларига  
зиёрат учун мушарраф бўлуб, бул мақсадни тўғриси-  
да қарийб тўрт соат ўлтуруб арз қилдиларки, жаноби  
хонимизни шул мақсадларини қабул қилсалар деб ҳама  
халойиқ манфаати учун кўб такроран илтимос қилди-  
лар. Бул жаноб ул вазирни илтимослари дафъига кўб  
сўзлар айтиб ва ҳадисдан ўзларини бул лавозимни  
адо қилишга ожизликларини баён қилиб, зоҳиран му-  
лойим сўзлар била ул жаноби вазирни суҳбатларини  
тамом қилиб, алҳосил бу лавозимни ул мажлисда бў-  
юнларига олишни қабул қилмадилар. Ул вақтда Тош-  
канд шаҳрини ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги эди. Ан-  
дин бул муддао била Мирзо Аҳмад қушбегини бир ой  
ичида тўрт-беш мартаба ҳам саркардалари била ул  
жанобни хизматларига юбордилар. Мазкур қушбегини  
келиб кўб мартаба ул жанобга арз қилдилар. Ул жан-  
обга ҳеч важҳ била маъқул бўлмади. Охир аларни  
илтимоси кўб ҳаддин ошгандин сўнг ул жаноб дарга-  
заб бўлуб, мазкур қушбегига кўб қаҳру ғазаб била  
қаттиғ муомалалар қилдилар... Шундоқ қаттиқ сўзлар  
эшитса ҳам ихлосига футур етмасдин, ул мажлисдан  
кўб хафа бўлиб чиқиб кетдилар.

Андин сўнг мазкур Хўқанд шаҳридин келган ҳазрати  
шайхулислом ва соир катта уламолардин бул хусусда  
жаноби вазирни мазкур шариат ҳукминини сўрадиларки,  
бул замонда шариат ишига мутасадди бўлуб тургув-  
чилар кўб бепарволикка кетган сабабдин шариат йў-  
лига кўб халал етди ва аҳли ислом ишларига футур  
етди. Шундоқ вақтда бир одаме бўлсаки, ҳама аҳли  
ислом эътиқодларида шул кишидин бошқа одам шун-  
доқ замонда мутасаддийини шариат ҳукминини камоҳий  
Худойин таоло ва Расулиллоҳини ҳукмларига мувофиқ  
жорий қила олса, деб жазм қилсалар. Ва шул ҳолда  
ўшандоқ одамни қози бўлмаги нимадур ва қозиликни

қабул қилмаслиги нечук бўлур деб. Ва мазкур жаноби уламолар жавоб бердилар: “Мундоқ ҳолда андоқ кишини қози бўлмаклиги мисли намоз ўқумакдек фарз бўлур ва қабул қилмаслик гуноҳдур”, — деб».

Ҳамиша шариятга сўзсиз итоат қилиб ўрганган, савоб ёки гуноҳ ишларнинг оқибатини яхши билган Ҳакимхўжа эшон учун қозикалонликни қабул қилишдан бўлак йўл қолмаган эди. Лекин шунда ҳам Ҳакимхўжа эшон ўзининг бирор узри шарият пешволари назарида инobatга олинса керак, деган хаёлда бўлган шекилли, уни хон таклифига кўра Ўрдага келтиргач, энг катта уламолар яна ўртага олишадди: «Ўзингизга маълумки, бул тўғрида ушбу лавозимни қабул қилмагингиз қандоқ лозимлиги ва сиз қабул қилмаган ҳолда бир номуносиб одам бул ўрунга ўлтурса ва бул сабабдин шарият йўлига ҳар нечук раҳна бўлса, ҳаммасига Сиз сабаб бўлуб, гуноҳига шерик бўлурсиз». Энди Ҳакимхўжа эшон учун охириги нажот туйнуғи ҳам тақа-тақ ёпилган эди: мусулмон одам нариги дунёда ўз гуноҳлари учун қандай жавоб беришни ўйлаб, умрини тоат-ибодат, тавба-тазарру билан ўтказадди. Энди бошқа нобоп амалдорларнинг гуноҳига шерик бўлиш ва рўзи маҳшарда жавоб бериш ҳам бормиди. Шундан сўнг, дейилади асарда: «Музтарлик воқеъ бўлуб кўб йиғладилар ва ҳам аларга дедиларки: “Сизлар Худойи таборак ва таоло жонибида гувоҳ бўлуб хабар берасизлармуки, шул қозикалонлик лавозимига кирмак менга фарз бўлди, шул сабабдин кўра-била қозикалонликка мансуб қилинади”, — деб. Ул азизлар жавоб бердиларки: “Бизлар ҳаммамиз бул сўзларни айтамыз. Худойи таоло ва Расули Худо ҳукмларидин айтамыз, албатта, гувоҳ бўламыз”, — деб. Ул ҳолда ул жаноб ноилож бўлдилар».

Шундан кейин зўр тантана билан Ҳакимхўжа эшонга қозикалонлик ёрлиғи тақдим этилиб, «ҳаддан ошган яхши саруполар», «тилла жабдуқлар билан ясатган яхши от пешкаш қилдилар». Шундай тантана чоғида ҳам қозикалоннинг кўнгли сира ёришмайди, орадан бир неча кун ўтса ҳам янги фахрли лавозимни адо этишга раъйи бўлмайди. Шу орада тошкентлик бир қози билан бир аъламни хиёнатли ишда айблаб, Султон Сайидхон Тошкент ўрдасида сўроқ қилаётганини, улар ўлим жазоси олиши ҳам мумкинлигини эшитган янги қозикалон дарҳол отга миниб ўрдага йўл олади. Хон билан бош вазирга қўққисдан шундай

дейди: «Сизларга қандоқ одам кўрсатдики, катта ула-моларни шундоқ беҳурмат била таъзири ўлдурмакка буюрсин деб! Ва ҳар ким шундоқ кўрсатган бўлса, шариятга муҳолиф, хато кўрсатибдур. Шариятда ула-моларни таъзирлари бўлак тариқада бўладур».

Хон ва бош вазир гуноҳкорларни ўлим жазосидан қолдириб, қозикалон ихтиёрига топширади. Гуноҳ-корларга ўзига яраша жазо белгилаган қозикалон янги лавозимда қилган биринчи савоб ишидан кўнгли ёри-шиб, ўз вазифаларини адо этишга киришади.

Ҳақимхўжа эшон ўзининг янги лавозимида шарият қонунларига қай тариқа оғишмай амал қилганлигини кўрсатувчи кичкина бир мисол келтирмақчимиз. Та-баррук зот бу лавозимга чиққунига қадар ўлкада ҳукм сурган таомилга кўра қозилар даввогарларнинг ёзма ҳужжатларига муҳр босиб берганлар ва муҳр ҳақи олганлар. Янги қозикалон муҳр ҳақи олиш мумкин-лигини шарият китобларига кўра исботлаб беришни қозилардан талаб қилган ва аслида бу таомилни бе-кор қилиш мақсадида бўлган. Қозилар шарият қон-даларини қанчалик ғалвирдан ўтказмасинлар, муҳр ҳақи олиш мумкинлиги ҳақида ҳеч бир далил топа ол-маганлар ва ўзларидан олдинги қозилар бу таомилни жорий қилганларида нималарга асосланганини билол-май ҳайрон эканликларини қозикалонга маълум қил-ганлар. Қозилар оғир аҳволда қолганини кўрган қози-калон ўзининг ҳали ўспирин ўғли Муҳиддинхўжага шариятдан нима бўлса ҳам муҳр ҳақи олиш мумкин-лигини кўрсатувчи бирор фатво топишни топширади. Бир неча ой мобайнида шарият китобларини ков-ков қилган Муҳиддинхўжа, ниҳоят, улардан бирида қози-ларга муҳр ҳақи олишни ман этувчи фатвони топади ва ўша китобдан уни кўчириб олиб отасига кўрсатади. Ўғли шарият ҳукмини ота ҳукмидан устун қўйганли-гидан беҳад мамнун бўлган қозикалон кўплаб қози-лар иштирок этаётган анжуман чоғида: «Ўғлим бўла-жак қози сифатида муҳр ҳақиға рухсат берувчи фатво топиш ўрнига мусулмонни қомил сифатида уни ман этув-чи фатво топиб, ҳақиқий шаръий йўлдан боражаги-ни кўрсатди. Бу ҳол барҳаётлик чоғимдаёқ ўғлим мен-га энг яхши ёрдамчи, вафотимдан кейин эса сизларга энг яхши раҳнамо бўлишидан далолатдир», — дейди.

Ҳақимхўжа шариятга шу қадар эҳтирос билан хиз-мат қилган улуғ зот эди.

Ҳақимхўжа эшоннинг Тошкент қозикалони вази-

фасига келиб қолиш тарихи ана шундай. Наҳотки бошқалар умр бўйи орзу қилган бу лавозимга юқоридагича муносабатда бўлган покдомон эшон орадан икки йил ўтар-ўтмас қозикалонликда қолишни умрининг бош мақсади деб билиб, ўрис мустамлакачиларини қучоқ очиб кутиб олган бўлса?!

Йўқ, ўша замондан қолган даврий ва подаврий матбуот саҳифалари ва бошқа маълумотлар Ҳакимхўжа қозикалон ўз юртининг ғайридин босқинчилар оёғи остида топталмаслиги учун қўлидан келган ҳамма ишни қилганини кўрсатади. Жумладан, ўша «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган асарнинг босилмай қолган русча қисмида ўрис аскарлари Тошкентга томон юра бошлаши билан Ҳакимхўжа Бухоро ҳукмдори амир Насрулло ҳузурига борганлиги, Қўқон хонлиги ҳудудидаги халойиқ бошига тушиши муқаррар бўлган фожиалардан уни воқиф қилганлиги, амир Музаффар қозикалонга ҳурмат-ихлос баён этиб, Тошкент ҳимоясида, албатта, қатнашажагини айтганлиги алоҳида таъкидланади. Ҳакимхўжа қози Бухородан Тошкентга қайтиб келганида ўрис аскарлари шаҳар деворларига яқинлашиб, уни забт этиш тадбирларини кўра бошлаган эдилар.

Шундай бир мураккаб вазиятда пайғамбар ёшидан ошган қария қозикалон қўлига қурол олиб, Себзор даҳасидаги кўпсонли ҳимоячиларни ғазотга бошлаганлиги, лекин Алимқули шаҳид бўлганидан кейинги умумий парокандалик Ҳакимхўжа аскарларини ҳам четлаб ўтмаганлиги муаррихларимизнинг баъзи асарларида баён қилинган.

Ҳакимхўжа қозикалон ҳақидаги таржиман ҳол асарининг русча нусхасида Тошкентнинг руслар томонидан босиб олиниши воқеалари ва шаҳар катталарини Черняев билан сулҳ тузишга мажбур қилган сабаблар, бу фожиали кунлардаги қозикалоннинг фаолияти қўйидагича тасвирланган: «Аҳоли қаттиқ уйқуда ётган саҳар чоғида ўрислар Камолон дарвозасидан бостириб кирди. Бу ҳолатни кўрган халойиқ ўрислардан қочарди. Бироқ ҳамма кўчалар қуршаб олинганди. Шундай бир алфозда уч кунгача ўрисларга қарши жанг давом этди, тўртинчи куни эса Черняев шаҳарга барча томонлардан ўт қўйишни буюрди. Даҳшатли ёнғин бутун борлиқни маҳв этиб, Тошкент шаҳри култепага айлана бошлади. Ўрисларга ва даҳшатли ёнғинга қарши курашиш имкони қолмаган эди. Ниҳоят, фуқаро



Сайид Муҳаммад Ҳакимхўжа уйи олдида жам бўлиб, дарҳол ўрис қўшинлари бошлиғи билан сулҳ битими тузишни илтимос қилдилар. Сайид Муҳаммад Ҳакимхўжа халойиқнинг илтимосига бўйсуниб ва бўлак илож қолмаганини кўриб, генерал Черняев ҳузурига икки элчи юборди».

Юқорида айтилган икки элчининг бири қозикалоннинг фарзанди аржуманди Муҳиддинхўжа бўлганлиги ва у отаси топшириғини қандай вазиятда амалга оширилганлиги орадан 34 йил ўтгач Туркистон генерал-губернаторига ёзилган бир аризадан маълум бўлади. Арз қилувчи Муҳиддинхўжа қози ўша кунлардаги манзарани қуйидагича гавдалантиради: «Хўқанд амирлашкари Алимқули Шўртепа остида генерол Чернаефни қўшунлариға югуруб ўққа учганда ва Тошканд шаҳрини аскария ва раъия ишларини саранжом қилиб тургувчи Қушпарвоначи қочганидан сўнгра Тошканд шаҳрини ичида жуда бебошлик воқе бўлуб бузулуб, ямон аҳволотдин халос топмоқни иложини истаб, машварат сўраб, дин ишлари хусусида бош бўлуб турғон мани отам хизматлариға келиб мажмаъ бўлуб эрдилар. Ман отамни буйруқлари билан ўлум хавфи остида ўрусия аскарлари турғон жойға боруб, генерол Чернаефға манзур бўлуб, хизмат қилмоқни изҳор айладим». Шундан сўнг генерал Черняев Ҳакимхўжа номига махсус мактуб ва Тошкент аҳолисига мурожаатнома тайёрлатиб Муҳиддинхўжа орқали шаҳарга юборди.

Тошкент рус аскарларига таслим бўлиши билан боғлиқ воқеаларнинг давоми Ҳакимхўжа эшон ҳақидаги таржиман ҳол асарида қуйидагича берилади: «Халқ раҳнамосига айланган бу донишманд қария кўпгина қози ва амалдорларни ёнига олиб, Черняев қароргоҳига борди. У Тошкент шаҳрининг таслим бўлиши хусусида Черняев билан музокара олиб бориб, ҳамма масалада ўз халқи манфаатлари сақланган ҳолда амниятнома тузилишга муваффақ бўлди».

Муаррихларимизнинг асарларида Тошкент тарафидан бу ишда бир неча киши бош бўлгани айтилиб, уч кишининг, яъни Ҳакимхўжа, домулло Солиҳбек охунд ҳамда Абулқосим эшоннинг номларигина алоҳида таъкидланади. Юқорида биз бу ҳар учала улуг зот аслида ҳақ йўлига ўзини тиккан, валийсифат одамлар бўлганликларини айтган эдик. Чунончи, домулло Солиҳбек охунд ҳақиқат учун курашда, ҳатто, ўлимдан

ҳам қўрқмаслигини рус қўшинлари Тошкентни эгаллағач, генерал Черняев шаҳар катталарини тўплаб, гўё олдинги мусулмон ҳукмдорлардан кўп жабр-жафо кўрганимиз сабабли ўрус аскарлари ва сардорларини ўз ихтиёримиз билан олиб келиб, уларга шаҳарни топширдик, деган мазмунда жаҳон афкор оммасини чалғитишга мўлжалланган мурожаатнома тайёрлаб ва имзолаб беришни талаб этганида яққол намоён қилади. Уша йиғиннинг иштирокчиси бўлган муаррих Муҳаммад Солиҳ «Тарихи жадидан Тошканд»да Черняевнинг бу ҳаёсизларча талабига домулло Солиҳбек охунд қандай қақшатқич зарба берганлигини тарих учун, келажак насллар учун қўйидагича муҳрлаб қолдирган:

«Биз воқеъ бўлган ҳодисаларни тағйир ва табдил қилмасдан ҳаққоний равишда айтамикки, Туркистон замини ва Тошканднинг Оқмасжиддан Ғулжа тарафигача бўлгон ҳар бир қалъа ва вилоятни насронийлар ва русиялар жангу талошу муҳориба билан ўз ҳукматларига тобеъ қилдилар. Уларнинг аксари тунда тўсатган, бевақт ва бетаваққуф ва бемуомала ва ҳеч нарса ваъда қилмасдан ва бемуҳлат ҳолда жангу муҳориба билан, қаттиқ талошу зўр қотиллик билан олиб борилди. Хусусан, Тошканд шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан сафар ойининг ўн иккинчисига қадар сувсиз ва озиқ-овқатсиз қолдирилди. Амирлашқар Мулла Алимқули шахид бўлганидан сўнг шаҳар етакчисиз ва султонсиз, қўшунсиз-аскарсиз қолди. Бухоро амири ва Хоразму Урганч, Фарғона ва бошқа шаҳарлардан, Муҳаммад уммати бўлган қабила ва элатлардан беёрдам ва бекўмак ва бенажот, беқуролу беяроғ, бедорую беқўрғошин қолдирилиб, Тошканд фуқароси ва аҳолиси ва унда турғун бўлиб қолганлар динлари учун уруш-талош қилиб, сешанба кечаси саҳар вақтида русиялар ва насоролар Хиёбон дарбозасидан ва тепаликлардан ошиб, фуқаролар ғафлатидан фойдаландилар. Фуқаро огоҳ бўлғач, панжшанба кунигача муттасил жанг бўлиб, аксар иморатлар аланга ичида қолиб, ташна ва мадорсиз ҳолда йиқилиб-қўпиб, душману дўст аралашиб кетиб, қаттиқ елкама-елка жанг бўлди. Ва ахийри панжшанба куни пешин намозидан кейин насоро ва русиялар ваъда ва аҳдномалар билан сулҳга талабгор бўлиб, ярашишга майл кўргуздилар. Шундан кейин биз шарту шароитларга рози бўлиб сулҳ туздик», — дея

қатъий жавоб берган экан домулло Солиҳбек охунд<sup>1</sup>.

Мислсиз иймон-эътиқод билан берилган бу жавоб ўз бошига қандай катта фожиа келтиришини домулло Солиҳбек охунд яхши билган, албатта. Жавобдан сўнг ўзигина эмас, балки унинг жавобига қўшилган яна олти киши ҳам дарҳол Сибир сурғунига жўнатилади.

Абулқосим эшоннинг улкан жасорат ва валийлиги 1892 йилги вабо қўзғолони вақтида ҳайратомуз даражада намоён бўлади. Тарихдан маълумки, чор истибдодига қарши кўтарилган бу қўзғолон туфайли 60 киши қамоққа олиниб, улардан катта бир қисми узоқ муддат билан каторгага ҳамда сурғунга жўнатишган. Тошкент шаҳридаги барча даҳа қозилари ва амалдорлар вазифаларидан олиб ташланган, оддий аҳолининг ўтақасини ёриб юбориш учун шаҳарга юзларча рус аскарлари гўдайтириб қўйилган эди.

Ана шундай бир даҳшатли шароитда Абулқосим эшон Тошкентнинг мўътабар кишиларини ўз ёнига олиб, расмий арзнома билан генерал-губернатор Вревскийга чиқади, эски шаҳардан рус аскарлари бутунлай олиб чиқиб кетилишига эришади. Шундан сўнг 30 июнь куни Хўжа Аҳрор Жоме масжиди олдида катта йиғинда ўз ҳамшаҳарларига бу хушхабарни етказган Абулқосим эшон халойиқ даҳшатли вабодан ҳам яқин кунларда халос бўлишини Аллоҳдан сўраб, фотиҳага қўл очаркан, уни ўзи билан олиб кетиши ҳам ажаб эмаслигига шама қилади.

Шу муносабат билан Н.Остроумов «Константин Петрович фон Кауфман — Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси» номли китобида қуйидагича ёзган эди: «Мункиллаган ёшида сўнгги кунлардаги воқеалардан (1892 йилги вабо қўзғолонидан демоқчи — Ш. Ю.) қаттиқ ларзага тушган муҳтарам Абулқосимхон шундан сўнг тезда ( 4 июлда) вабо касалидан вафот этди. Қизиқарлиси шундаки, шундан кейин вабо барҳам топганлигини тошкентлик сартлар унинг вафотига нисбат бершди. Узини Аллоҳ йўлига бағишлаган одамнинг ўлими ҳамиша гуноҳлари кўпайиб кетган одамлар бошига вабо юборадиган Тангрининг ғазабини юмшатади, дейишди улар».

<sup>1</sup> Кўчирма Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтда 7791 инвентар рақам остида сақланаётган Муҳаммад Солиҳ асарининг муаллиф дастхати бўлимиш нусхаси 674 «а»- ва 675 «а»- бетларидан таниқли шарқшунос олим А. Уринбоев билан таржима қилиб олинди.

Абулқосимхон эшон ўз ўлими билан қутурган вабога қалқон бўлиши мумкинлигини шу тариқа каромат қилган эди ва бу воқеа узоқ муддат тилдан-тилга кўчиб юрди.

Энди ҳикоямиз қаҳрамони Ҳакимхўжа қозикалоннинг Тошкент руслар томонидан босиб олинганидан кейинги фаолиятига келайлик. Бу фаолиятга доир қимматли маълумотлар илгарироқ зикр этилган қозикалон таржимаи ҳолига оид асарнинг русча нусхасида, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумовнинг нашр қилинган китоблари ва кундаликларида, шунингдек, Муҳиддинхўжа қозидан бизгача етиб келган баъзи ҳужжатларда сақланиб қолган.

Илгарироқ айтилган Черняев ҳузурида бўлиб ўтган ва домullo Солиҳбек охунд тақдирида фожиага сабаб бўлган йиғинда Ҳакимхўжа қозикалон ҳам бўлганлиги баъзи асарларда қайд этилган. Адолат юзасидан шуни айтиш керакки, Солиҳбек охунд қамоққа олинганидан кейин Черняев яна Тошкент катталарини йиғиб ўзи айтган мазмунда ҳужжат тайёрлашни улардан сўзсиз талаб қилади. Солиҳбек охунд кетидан яна бир катта гуруҳ Сибирга ҳайдалиши, шаҳар бошига янгидан мислсиз фалокатлар тушиши муқаррарлигини яхши англаган қозикалон шундай ҳужжат тайёрлашни Абдусаттор Қорабой ўғли деган қозидан илтимос қилади, у тайёр бўлгач шаҳар катталари имзолаб Черняевга топширадилар, генерал эса Петербургда жўнатади. Бу кўнгилсиз ҳодиса Тошкентда Черняев келишидан олдин бир гуруҳ хиёнаткор кишилар қилмишининг фалокатли оқибати эдики, бунда Ҳакимхўжа қозини олож қолади.

Таржимаи ҳол асаридан маълум бўлишича, Тошкентни ўрислар эгаллаганидан сўнг орадан бир неча ой ўтгач Туркистоннинг муваққат губернатори генерал Романовский билан қозикалон ўртасида ҳаммаи ҳайратга солган қаттиқ тўқнашув бўлиб ўтади. Ана шу тўқнашувда Ҳакимхўжа эшоннинг ички дунёси мислсиз қудрат билан намоён бўлади. Туркистоннинг янги бош ҳукмдори ҳузурида ўтган катта бир йиғинда унинг номига битилган ва шаҳарнинг барча янги йирик амалдорлари муҳри босилган лоф-қофдан иборат тавсифнома топширилган эди. Бу шармандали ҳужжатда қозикалон муҳри босилмаганини кўрган Романовский Россия империяси қудратини кўрсатиб қўйиш учун уни ўзига итоткор одамлар олдида дағдаға билан сўроққа тутди.

«Бу қоғозда менинг муҳрим босилмаган бўлса, бунинг узрли сабаблари бор, — дея жавоб беради Ҳақимхўжа. — Негаки бу тавсифнома шариятга хилоф равишда битилган. Унда айтилган мақтов сўзларни бирорта ҳам мусулмон оғзига олиши мумкин эмас. Бу тавсифномани битган ва унга ўз муҳрини босганлар ислом динида эмаслар деб ҳисобланиши лозим. Бизнинг динимизга иснод келтиришга ҳеч ким сизга ҳақ-ҳуқуқ бермаган деб ўйлайман. Сиз ҳаддингиздан ошяпсиз. Мендан шу қоғозга муҳр босишни талаб этишга қандай журъат қилдингиз?»

Романовский бу сўзлардан дарғазаб бўлиб, кутқу билан гапира бошлаган. Бироқ Ҳақимхўжа зарра бўш келмай Романовскийга: «Ҳаммамизни яратган Ҳақ таоло бор. Унинг амри ҳар бир инсон учун муқаддасдир, бинобарин сизнинг амрингиздан юқори туради. Агар у хоҳласа, ҳаммамизни йўқ қилиб юборишингиз мумкин. Шунга кўра, аввало, баҳоли қудрат Тангрининг амрини вожиб деб биламан. Агар Ҳақ таоло мени Ўз паоҳида асраса, сизгина эмас, балки сиздан юқорида турганлар ҳам ҳеч нарса қила олмайсизлар. Агар Ҳақ таоло менга жазо беришни хоҳласа, Унга қаршилиқ кўрсатиш бефойда ва ҳеч қандай куч, ҳеч кимнинг ҳомийлигию меҳрибонлиги Унинг жазосидан сақлаб қола олмайди. Муҳтарам жаноб сиз мени кўрқитиш билан шарият йўлидан тойдиришга мажбур қиламан деб ўйлай кўрманг». Бундай қаттиқ гапдан генерал Романовскийнинг ғазаби юмшади. Саид Муҳаммад Ҳақимхўжани алоҳида ясатилган хонага таклиф этиб зиёфат қилди ва анвои совғалар билан эъзозлаб уйига жўнатди.

Қозикалоннинг бу муомаласидан кейин мустамлака амалдорлари унга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар ва қўйниларида тош сақлаб юрадилар. Орадан бир неча ой ўтгач, 1867 йил бошида Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К. П. фон Кауфман Тошкентда ўз фаолиятини бошлайди. Улка бош ҳокимининг энг аввал қилган ишларидан бири шу бўлдики, Ҳақимхўжа эшонни унинг Себзор даҳа Қози кўчадаги уйига бориб зиёрат қилади ва юртни бошқаришда қийинчиликларга дуч келган чоғларида унинг маслаҳатини олиш учун ҳузурига келиб туришга рухсат сўрайди. Бош ҳокимнинг ўта мунофиқлик билан қилган хушмуомаласига лаққа учган қозикалон бир неча ой мобайнида у билан яхши муносабат ўрнатади. Бироқ, юқорида айтганимиздек, Ҳақимхўжа эшонга қарши қўйнида тош

асраган фон Кауфман уни қозикалонлик лавозимидан узоқлаштиришнинг бир неча усулларини ишга солади.

Бу усуллардан бири шаҳардаги тўрт даҳа қозиларини тугатиб, барча ишни олтмиш беш ёшли, касалманд қария устига ортишдан иборат ҳийла эди. Қозикалоннинг ёши ҳам, соғлиғи ҳам масъулияти чексиз бўлган бу вазифани ҳалоллик билан адо этишга асло имкон бермасди. Шу муносабат билан ўз аҳволини тушунтириб генерал-губернаторга хат йўллаган Ҳакимхўжа эшон «Ундай бўлса, қозикалонлик муҳрини топшира қолинг», — деган мазмунда жавоб олади. Қилинган барча ҳийлагарликлар мағзини чаққан қозикалон ўзининг чўян муҳрини катта темир парчаси устига қўйиб, чўнг болға билан мажақлагач, фон Кауфман номига ёзилган лавозимдан бўшаш ҳақидаги аризага ўраб жўнатиб юборади. Буюк иймон ва инсоф рамзи бўлган Ҳакимхўжа қозикалоннинг лавозимига шу тариқа чек қўйилган ва шундан сўнг Тошкент шаҳрида қозикалонлик мансаби тугатилган эди. Зиммасидаги ғоят оғир юкдан қутулган Ҳакимхўжа эшон 1286 ҳижрий — 1869 милодий йилда ёз чилласида бандаликни бажо қилди.

Унинг вафоти чоғида қозикалонлик лавозими барҳам топганлиги сабабли Ҳакимхўжа эшоннинг васиятларини инобатга олган тошкентликлар солиҳ фарзанди Муҳаммад Муҳиддинхўжани Себзор даҳа қозилигига сайлайдилар. Муҳиддинхўжа замона зайлини яхши тушунадиган, илғор фан-техникани, ўтмишдаги бой маданий меросни омма орасида қизғин тарғиб қилган кенг қамровли маърифатпарвар эди. Шу вайдан машҳур рус олимлари ҳам, янгича йўналишдаги ўзбек маърифатпарварлари ҳам ҳаммаша у билан ҳаммаслак, ҳамфикр эдилар. Масалан, машҳур шарқшунос В. В. Бартольд Муҳиддинхўжа қозининг қадимий китобларини, айниқса, унинг отасидан мерос қолган Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сининг жаҳонда ягона мукамал нусхасини, ноёб «Тарихи Табарий»ни ва бошқа нодир қўлёзмаларни ғоят қадрлаганлиги маълум. Жаҳон илмида катта воқеа бўлган «Зафарнома»нинг факсимилеси ЮНЕСКО қарорига кўра 1972 йилда ўзбек, форс, рус ва инглиз тилларидаги муфассал муқаддима билан бирга чоп этилиб, республикамиз истиқлолга эришгач, ўз тилимизда тўла нашр қилинганлиги, халқимиз маънавиятини бойитганлиги, аввало, Ҳакимхўжа эшоннинг, қолаверса, унинг солиҳ фарзанди Муҳиддинхўжа қозининг хизматидир.

Миён Бузрук Солиҳов «Ўзбек театр тарихи учун материаллар» номли китобида Фурқатнинг дастхат девонига асосланиб (ҳали бу девон бошқа тадқиқотчилар қўлига теккан эмас), шоирнинг янгича маърифатпарварлик руҳидаги машҳур асарларидан «Суворуф хусусида» манзумасининг яратилишида Муҳиддинхўжанинг салмоқли ҳиссаси бўлганлигини ёзади.

Покдомон отаси сингари Муҳиддинхўжани ҳам Тошкент ҳокимлари Путинцев, Қиселев, Лодигенский ва бошқалар умр бўйи таъқиб этганликлари, унга қарши турли иғво ва бўҳтонлар уюштирганликлари ҳақидаги маълумотлар Октябр тўнтаришидан олдинги манбаларда кўплаб сақланиб қолган. Лекин Туркистоннинг энг юқори мансабдорлари бу нопок ишларни зимдан уюштирган ҳолда ҳамиша асл қиёфаларини яширганлар.

Шу муносабат билан Н. Остроумовнинг «Константин Петрович фон Кауфман, Туркистон ўлкасининг ташкилотчиси» номли китобида (у Тошкентда 1899 йилда рус тилида чоп этилган) келтирилган бир лавҳасини эслаш ўринли бўлур эди. Лавҳада ифодаланишича, 1877 йилда Эйлер деган терговчи кимларнингдир ғаламислиги билан генерал-губернатордан рухсат олиб Муҳиддинхўжанинг қозихонасинигина эмас, у яшаб турган ҳовли-жойини ҳам муҳрлаб кетади. Бу ҳақда «Туркистон вилоятининг газети»да махсус хабар ҳам босилиб чиқади.

Мустамлака маъмурларининг бебошлигидан танг аҳволга тушган Муҳиддинхўжа қози ноилож фон Кауфман ҳузурига боради. Уша куни генерал-губернаторнинг қабул куни бўлмай, у генерал Абрамов билан ғоят муҳим масалани ҳал қилаётган пайт экан. Қози ўзини оқлаш учун қатъият билан айтган барча далилларни тинглаб бўлгач, фон Кауфман генерал Абрамовга қараб: «Сиз бу қозининг отасини биласизми?» — деб сўрайди. Ундан: «Биламан», — деган жавобни эшитган генерал-губернатор: «Йўқ, билмайсиз», — деса, Абрамов яна: «Биламан», — дейишига қарамай, фон Кауфман: «Йўқ, сиз унинг отасини билмайсиз», — деган сўзларни такрорлагач: «У зот Худодан бўлак ҳеч кимдан қўрқмаган ажойиб инсон эди», — дейди ва ўз буйруғини бекор қилиб, Муҳиддинхўжанинг қозихонасидан ҳам, ҳовли-жойидан ҳам муҳрни олиб ташлашга рухсат беради.

Шу парчани ўқир экансиз, Ҳакимхўжа қозикалон шу қадар зўр иймон ва эътиқод эгаси эдики, унга, ҳатто, энг ёвуз душманлари ҳам тан берган, дея баралла айтгинг келади, киши.

## АМИРЛАШҚАР АЛИМҚУЛИ

Она Туркистон ўрис мустамлакаси кишанларида бошидан кечирган фожиалар, бу фожиаларнинг асосий сабаб ва оқибатлари халқимизнинг зукко, жасур фарзандлари хаёлидан бир нафас ҳам ташқарида қолган эмас. Лекин бу масаланинг бир томонигина, холос. Унинг бошқа, ниҳоятда ҳайратомуз жиҳати ҳам борки, у жиҳатга ҳали синчков тадқиқотчиларимиз эътибор берганларича йўқ.

Гап валоят топган асл зотлар ўрис босқинининг замон ва маконини, бениҳоя хунук оқибатларини аллақачоноқ башорат қилиб, ўз атрофларидаги кишиларни ундан огоҳлантирганлари ҳақида бормоқда.

Халқимиз томонидан:

Мадинада Муҳаммад,  
Туркистонда Хожа Аҳмад,

дея мислсиз эъозлаган, соҳибқирон Амир Темур чексиз эҳтиром кўрсатган Ҳазрати Султонул орифининг абадул-абад қоладиган буюк башоратлари орасидаги яна бир башорат шахсан менга яқингинада маълум бўлди. Тадқиқот мавзунмга алоқадор таворих китобларини мутолаа қила бориб, худди ўрис мустамлакаси йилларида яшаб ўтган йирик ўзбек маърифатпарвари Исҳоқхон Ибратнинг «Тарихи Фарғона»сига шўнғиганимда қанчалар буюк ҳайрат баҳри ўртасида қолганимни сўз билан баён қилиш имконини топмадим. Ул табаррук зотнинг бундан чоракам бир аср аввал қоғозга туширилган ўша китобларида нималар битилганига бир эътибор қилинг-а: «Русия Туркистонга кирди. Бу тўғрида ҳазрати Султонул орифин Хожа Аҳмад Яссавий Туркистонга айтқан башоратлари тўғри келди. Мундан саккиз юз йиллар илгари айтқан эканлар:

Минг икки юз саксон бирда ўрус келгай,  
Туркистонни атрофини қамсаб олгай.

Мунга мувофиқ, 1281 ҳижрийда Туркистон ва Авлиёота Русия тасарруфига ўтди» (Мерос. Т., Камалак, 1991, 306-б.).



Султонул орифин башорат қилган 1281 ҳижрий сананинг милодий санага қанчалик мувофиқ келишини аниқлаш мақсадида 1964 йили Москвада, «Наука» нашриётида чоп этилган В. В. Цибулскийнинг «Современные календари стран Ближнего и Среднего Востока. Синхронистические таблицы и пояснения» («Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари халқларининг ҳозирги тақвимлари. Мувофиқлаштирилган жадваллар ва изоҳлар») китобининг 104-саҳифасини очаман. Не кўз билан кўрайки, Туркистон ўрислар томонидан босиб олинган 1864 милодий йилнинг 12 июни (пайшанба куни) чиндан ҳам 1281 ҳижрий йилга тўғри келар экан.

Ё Аллоҳ! Узинг суйган Хожа Аҳмад Яссавийга бунчалар бебаҳо қувваи башорат ато этганингда ҳали XII асрнинг ўрталари эди-я! У замонларда ўрислар ўз қўшнларининг ерларини босиб олиб, қудратли давлат барпо этишни ўйлайдиган аҳволдамиди? Ахир Туркистонни босиб олишдек қабиҳ ният ўрисларда XVIII асрдагина, уларнинг подшоҳи Петр биринчи замонида пайдо бўлганлиги муаррихларимиз асарлари орқали кўпчиликка маълум-ку.

Шуларни ўйлай-ўйлай, китобдаги Бухоро амири Насрулло томонидан Қўқонда ўтказилган қатли ом билан боғлиқ воқеалар баёнини мутолаа қиламан. Исҳоқхон тўра бун қуйидагича тасвирлайдилар: «Ўз ҳамюртлари Муҳаммад Алихонни оёқ-қўли боғлиқ ҳолда амир Насрулло ҳузурига олиб келишлари биланоқ амир дарҳол қатлга ҳукм қилганда, ўз вазирларидин Абдуссамад нойиб деган хушманд киши амирга: «Жаноби олийларига малолоти хотир бўлмаса бир калима сўз айтсам»,— деганда амир: "Нима сўздур?"— деган экан. Айтубдурки: "Ҳоло Хўқанд забт ўлди. Фарғона катта мамлакатдур. Қанча аскар у сипоҳу хазина сарф ўлуб олинди. Алҳолда Русияни келмаги маҳалли хавфдур. Агар хонни онти ақид бериб, тавба қилдуруб, Хўқандга қўюб, Букорога тобеъ қилиб, бу мулк бизларга келган душманларга бир қалқон бўлур эрди",— деганда сўзи амирга маъқул бўлмай, оғзига кафш билан урдурғон экан».

Жоҳилликни, кибру ҳавони қарангки, ўн йилларни аввалдан кўрадиган даражага етган хушманд нойиб юз истиҳола билан билдирган башорати учун оғзига беҳаёларча кафш билан урдириб жазоланса. Орадан чорак аср чамаси вақт ўтгач нойибнинг башорати тўла тасдиқланиб, Бухоро амирлиги салтанатининг тожи бўлмиш

Самарқанд ва бошқа шаҳарлар ўрислар оёғи остида топтала бошлайди.

Мустамлака даврининг бошқа бир йирик маърифат-парвари Сатторхон Абдуғаффор ўғли ҳам «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган таржиман ҳол асарида болалик йилларини, марҳум бобоси Мўминхўжа эшонни ёдга оларкан: «...саккиз ё тўққуз яшар вақтимда бир мартаба манинг орқамни қўли бирлан силаб айтган эрдиким: "Сизлар Русия халқига маҳкум бўлурсизлар",—деб».

Маълумки, ўрисларнинг она Турон ерларини босиб олишдаги дастлабки машъум «тажриба»си 1853 йилдан, Фарғонанинг зукко ҳукмдори Амир Умархон башорат билан қурдирган Оқмасжид қалъасини истило қилиши билан бошланган эди. Сатторхоннинг 1842 йилда туғилганини ҳисобга олсак, Мўминхўжа эшоннинг юқоридаги каромати Оқмасжид истилосидан икки-уч йил, ўзи истиқомат қилган Чимкент истилосидан ўн беш йил чамаси аввал нозил бўлганини кўрсатади.

Хулласи халқимиз тақдирида мислсиз фожиа бўладиган ўрис босқинини соҳибкаромат боболаримиз бир неча аср аввал ҳам, бир неча ўн йил аввал ҳам тарих учун муҳрлаб қолдирган эканлар. Биз улардан ўзимизга маълум бўлган баъзиларинигина айтдик. Астойдил синчиклаб ўрганилса, яна бошқалари ҳам топилса ажаб эмас.

Биз яшаган 1963 йил ёдимда. Ушанда мен республика коммунистларининг бош журнали «Ўзбекистон коммунисти»да хизматда эдим. Россия Тошкентни истило қилган сананинг юз йиллиги яқинлашмоқда эди. Шу муносабат билан журналнинг тўла маънодаги хўжайини бўлмиш Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитаси гўё юртимизнинг ихтиёрий равишда Россияга қўшилганлигининг 100 йиллигини кенг нишонлаш юзасидан катта қарор қабул қилди. Журнал ҳайъатига Россия ҳукми остига ўтгандан кейин Ўзбекистонда рўй берган «катта тарихий ўзгаришлар» ҳақида йирик партия-шўро раҳбар ходимларининг, ижтимоий фанлар бўйича таниқли мутахассисларнинг чиқишларини ташкил этиш вазифаси юклатилган эди.

Таҳрир ҳайъатида икки йилга мўлжалланган катта режа тузилиб, мавзулар ва муаллифлар белгиланди, кенг кўламда ишлар бошлаб юборилди. Дастлабки ўн ўн беш чоғли мақолалар таҳририятга келиб тушиб, улар эълон қилиш учун тахт ҳолга келтириб қўйилди. Бироқ...

Бироқ бу ишнинг халқаро миқёсда хунук акс садо беришини мулоҳаза қилибми ёки бошқа бизга номаълум сабаблар тўсиқ бўлдими, ҳарқалай ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолдириб юборилди. Хулласи, халқимиз тарихида катта доғ бўлиб қоладиган яна бир шармандали иш Аллоҳнинг инояти билан шу тариқа ими-жимиди барҳам топган эди. Акс ҳолда ўнларча, юзларча тарихий манбаларда, ҳатто, ўша замоннинг кўплаб ўрис тадқиқотчилари асарларида босқинчилик, қонхўрлик сифатида ҳаққоний қайд этилган Туркистон истилосини ўлка халқининг хоҳиши, унинг Россия ҳукми остида яшашга интилиши натижаси сифатида талқин этилиб, мислсиз сохтагарчиликка, тарих олдида юзи қароликка йўл қўйилган бўлур эди.

Қолаверса, Турон юрти Россия томонидан босиб олинишига қарши бутун борлиғи билан курашган, бу жиҳодда шаҳид бўлган юзларча, мингларча боболаримиз, момоларимиз борки, уларнинг руҳи поклари олдида қарздор эканимизни ҳамиша ёдда тутмоқ, уларга муносиб бўлмоқ фикри ҳамма ишимизда раҳнамо бўлиши даркор.

Шундай буюк ибрат намунаси бўлмиш аждодларимиздан бири Алимқули баҳодир эди. Ватан осмонида бир чақмоқ бўлиб, ҳаммаёқни бир йўла ёритган, афсуски, чақмоқдай қисқа умр кўрган бу баҳодирнинг халққа фидоийлиги ўлкани забт этган ўрис мустамлакачиларни уларнинг юртимиздаги ҳамтовоқларига ҳам, улардан ўн баробар, юз баробар золим бўлган шўро жаллодларига ҳам сира-сира ёққан эмас. Шу вайдан Алимқулининг номини ва ишларини халқдан яширишга, яширишнинг иложи бўлмаган ҳолларда унга беҳаёларча тухмат қилишга одатланган эдилар.

Октябрь тўнтаришигача бўлган даврда ўзбек муаррихлари яратган асарларда жасур саркардага муносабат якки хил: мустамлака маъмуриятига тобе, уларнинг қошқовоғига қараб иш тутишга мажбур бўлган муаррихлар (жумладан, «Туркистон вилоятининг газети»да чорак аср чамаси расмий лавозимда бўлган Мулла Олим махдум Ҳожи) Алимқулни давлат ишларини бошқара билмасликда, юқори лавозимларга нобоп кишиларни қўйишда, ҳатто, ҳарбий салоҳиятга эга эмасликда ва бошқа кўпдан-кўп ноҳўя ҳаракатларда айблайдилар. Мулла Олимнинг Алимқулига баҳо беришида, бир томондан, муаллифнинг мустамлака маъмурларига тўғридан-тўғри қарамлигини, иккинчидан эса, 1915 йилда, яъни Россия

Тошкентни босиб олганига 50 йил тўлиши муносабати билан мустамлакачилар байрам ўтказаетган бир паллада ёзилган «Тарихи Туркистон» асари тўлалигича «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этиш мўлжалланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Шундай бўлгач, Мулла Олим газета муҳаррири Н. Остроумовга ва генерал-губернаторлик доираларига мақбул йўлдан четга чиқа олмаслиги табиий эди.

Лекин Мулла Олим билан бир даврда, ёки ундан илгарироқ фаолият кўрсатган Муҳаммад Солиҳ («Тарихи жадидаи Тошканд»), Мирзо Олим Мушриф («Ансоб ус-салотин ва таворихи ул-хавоқин» — «Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихи»), Исҳоқхон Иброт («Тарихи Фарғона») каби муаллифларнинг келажак авлодлар учун мўлжалланиб ёзилган ва қўлёзма ҳолида сақлаш назарда тутилган асарларида «Тарихи Туркистон» дуч келган цензура хавфи бўлмаган. Бизнингча, аини шу ҳолат юқориди номлари зикр этилган муаррихларнинг Алимқули фаолиятига анча ҳолис баҳо беришлари учун қулай имконият вужудга келтирган. Уларнинг баъзилари қайси ҳукмдорга эътимод қўйган ёки ундан яхшилик кўрган бўлса, ўша ҳукмдорнинг айбини хас-пўшлаб, яхши ишларини ошириб-тошириб тасвирлаган ўринлар учрайди (масалан, Мирзо Олим Мушрифнинг Худоёрхонга муносабатида). Аммо кўп ҳолларда ҳақиқатга садоқат, ҳолис баҳо етакчилик қиладики, уларнинг Алимқули хусусидаги мулоҳазалари ҳам шу тариқадир.

Алимқули Маллахон давридан бошлаб саройда юқори мавқега эга бўлганини деярли барча муаррихлар асарларида кўриш мумкин. Масалан, Исҳоқхон Иброт «Тарихи Фарғона»да: «Маллахон даврида ихтиёри ҳукумат қирғизу қипчоқ қўлида эди. Аз жумла Алимқули сувратан вазир, сийратан ба шер назир эди», — деб ёзади.

Шу ўринда Маллахон ҳам, Худоёрхон ҳам хонлик тахтини идора қилишда асосан қирғиз ва қипчоқ элатидан бўлган саркардаларга суянганликларининг сабаблари ҳақида ўйлаб қоласан киши. Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, бир томондан, Шералихоннинг иккала хотини (Маллахоннинг ҳам, Худоёрхоннинг ҳам оналари) қирғиз эканини, бинобарин оналарнинг таъсири кучли бўлганлигини, иккинчи томондан ҳар иккала хоннинг навбатма-навбат тахтни эгаллашларида худди қипчоқ ва қирғиз жангарилари Мусулмонқули билан Алимқули

ҳал қилувчи роль ўйнаганликларини асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Худоёрхон тахтга ўлтирган дастлабки вақтлардаёқ Мусулмонқули унга қайнота ва сараскар бўлиб олиб, мамлакатнинг барча асосий соҳалари жиловини қўлида маҳкам тутган бўлса, Алимқули Маллахон ҳукмронлигининг нисбатан кейинроқ даврида энг юқори мавқега эга бўлади. Бироқ ҳар иккала хон ҳам ёшлари улғайиб, мустақил ҳукумат юргизишга жиддий киришуви натижасида уларнинг валинеъматлари билан оралари бузилади, бу ҳол ўз навбатида бутун юртнинг нотинчлигига, кўплаб қон тўкишларга олиб келади. Қонли курашлардан сўнг Худоёрхон Мусулмонқулини ўрта аср ваҳшийлиги усуллари билан азоблаб ўлдириб, мустақил ҳукмдор мавқега эришган бўлса, ундан сўнг тахтга ўтирган Маллахон Алимқули атрофига бирлашган қипчоқ-қирғиз гуруҳининг яширин фитнасидадан ғафлатда қолиб, тож-тахтдан ҳам, жонидан ҳам жудо бўлади.

Маллахоннинг ўлдирилиши сабабларини муаррихлар, жумладан Исҳоқхон Ибрат хоннинг аҳли илмга алоҳида эътибор бериб, уларнинг катта-катта гуноҳларини кечириб юборганидан, қирғиз-қипчоқлар яна Мусулмонқули фитнасига ўхшаш фитна чиқармасликлари чорасини кўриб, уларга қаттиққўллик кўрсатганидан деб изоҳлайди.

Шуниси ҳам борки, ҳамжиҳат бўлиб Маллахонни ўлдирганлардан Хидир қирғиз, Ирисали қипчоқ, Олимбек қирғиз, Худойназар турк, Шодмонхўжа ўроқ бир тараф (ҳар икки хон даврида энг юқори мавқеларни эгаллаган Шодмонхўжа қирғиз ёки қипчоқ эмаслигини, асли хўжандлик бўлиб, Ҳамза Ҳакимзоданинг отаси Ҳакимча табибга амаки эканини унинг яқин қариндошларидан бири, 106 ёшли Ғиёсхон қози Сирожхонов 1976 йилда бизга аниқ-таниқ ҳикоя қилиб берган эди) ва Султон Сайидхон даврида амирлашкар бўлиб олган Алимқули ўртасида узоқ вақт қаттиқ ички курашлар бўлиб, Алимқули уларнинг ҳаммасини бир-бир саранжом қилади. Алимқули Маллахон даврида катта нуфузга эга бўлса ҳам, рус босқинига зарба беришга тезда киришиб кетмайди. Бу хон даврида 1860 йилда Алмати, 1862 йилда Янгиқўрғон шаҳарлари руслар томонидан забт этилганида, уларга қарши қўшинга бош қилиб Алимқули эмас, балки Андижон ҳокими Олимбек пондобоши, Тошканд ҳокими Қаноатшоҳ, шунингдек сараскар Шодмонхўжалар юборилади.

Алимқули бу истилони даф этишга жиддий киришувчи Маллахон ўлдирилгандан кейинги йилларга тўғри келади. Бу йилларда Алимқули фақат ўрисларгагина эмас, балки Қўқон хонлигини ўзига бўйсундириш мақсадида турли режаларни амалга ошира бошлаган Бухоро амирлиги қўшинларига, шунингдек, Худоёрхон тарафдорларига қарши қаттиқ курашга кириб, бир неча марта ҳал қилувчи ғалабага эришади.

Бухоро амири Насрулло, ундан сўнг ўғли амир Музаффар Қўқон хонлиги ҳудудларини амирликка қўшиб олиш мақсадида хонлик ичидаги нотинчликдан, тожтахт даъвогарларининг ўзаро низоларидан очиқчасига фойдалангандилар.

Тож даъвогарларини зўрлик, дўқ-пўписа йўли билан Қўқон хонлиги тахтига ўтқазиб йўлидаги ҳаракатлар Бухоро амири учун шармандагарчилик билан тугаган ҳоллар ҳам бўлган. Масалан, 1862 йил бошида Маллахон ўз яқинлари томонидан ўлдирилгач, тахтга Шералихоннинг невараси, Саримсоқхоннинг ўғли, ўн ёшлардаги Шохмуродхон ўтқазиб қўйилади. Бу вақтда Худоёрхон ҳам, унинг укаси Султон Муродбек ҳам Бухорода қулай фурсат кутиб, амир паноҳида яшашмоқда эди. Амир Музаффархоннинг маслаҳатига кўра Худоёрхон Тошкент аёнлари билан тил бириктириб, дастлаб шу шаҳарни эгаллаш, ундаги ҳарбий кучларни ўз қўшинига қўшиб, сўнгра пойтахтни эгаллаш йўлини тутади ва Тошкентда хон деб эълон қилинади. Гўдак хоннинг валинеъматини бўлмиш Алимқули катта куч билан келиб, Тошкентни қамал қилади. У шаҳарни қўлга киритай деб турган чоғида амир Музаффар Хўқандни забт этиш учун йўлга чиққанлиги хусусида хабар олинади. Алимқули ўз қўшини билан Хўқандга йўл олгач, Худоёрхон ҳам Хўжандга бориб, у ердан пойтахтга ҳужум бошлайди. Икки томондан келган катта ҳарбий кучларга ёлғиз ўзи бас кела олмаслигини тушунган Алимқули бир йил чамаси Элатияда, сўнгра тоғларда ўз аскарлари билан қулай фурсат пойлайди. Алимқулини узил-кесил тор-мор қилиб, Худоёрхон ҳукмронлигини мустаҳкамламоқчи бўлган амир катта қўшин тўплаб йўлга тушади.

Шундан кейинги воқеаларни Исҳоқхон Ибрат «Тарихи Фарғона»да қуйидагича тасвирлайди: «Амир... Худоёрхонга мадад бермак учун Хўжандга келди. Қирғиз, қипчоқни қувуб тоққа борди. Анда Алимқули тоғда бир қулай ерда эрди. Амирни ўртага олди, муҳосара қилди.

Амир мундин ғоятда хавфу ҳаросда эдики, Мулло Алимқули элчи юборди, дедики: "Ҳазрати амир! Бир қулнинг орқасидин мунча эргашмоқ не лозим эди? Эмди аҳвол бу ерга келди. Фикр этсунлар, мани қўлумдин қутулмоқ қийин. Мани қочганим амирни овозаларини чиқармак эди, қувват ва катталикға бир далил эдики, амирни ҳайбатидин қочти демакдин иборат эди, ҳар иккаламиз адуви акбарларимизга сиёсат эди. Агар муҳорибаға талаб бўлсалар, мана майдон, кўрармиз ва илло кейинга қайтсунлар. Хўқанддин Худоёрхонни олиб, жонни ғанимат билиб, соғу саломат Бухороға борсунлар",—дегани амирнинг жониға миннат ўлуб, дарҳол қабул қилиб, Мулло Алимқулиға офаринлар айтиб, Бухороға Худоёрхонни олиб кетди» (Мерос. Т., Камалак, 1991, 304-б).

Шу тариқа Алимқули аскарларига асир тушиши ёки жангда ҳалок бўлиши муқаррарлигини Бухоро амирни фаҳмлаб, ўзи учун шармандали сулҳга дарҳол рози бўлади, душман томоннинг бошқа бир шармандали таклифини, яъни ўзи Қўқон хонлиги тахтини топширган Худоёрхонни ҳам Бухороға олиб кетиш таклифини қабул қилишга мажбур бўлади. Натижада Алимқули илгари енгилмаган кўзи етмаган ҳар иккала хавфли душманини бир йўла енгил катта шуҳрат қозонади. Шуниси ҳам борки, зафар қучиб ўрганган Бухоро амира лашкарлари Хўқанд атрофида биринчи марта бундай қаттиқ мағлубиятга учрашларни эди.

Алимқулининг исканжасидан бир амаллаб қутулиб чиқиб, Хўқандга қайтиб келган амир Музаффар Худоёрхонни ёнига олиб шармандаларча Бухороға қайтишга мажбур эканлигини пойтахтдаги сарой аъёнларидан ва халқдан яшириб, гўё Наманганни нотинч қилаётганини айтиб, тахтга ўша Шоҳмуродхонни чиқариб, бир амаллаб юрти томон йўл олган эди. Ана шундай бир вазиятда Алимқулининг катта зафаридан хабар топган Хўқанд аъёнлари тоққа, саркарда ҳузурига йўл оладилар. Алимқули улар билан кўришар экан, гўё орада ҳеч нарса ўтмагандек: «Ҳазрати амирни саломат жўнатдилармусизлар. Барчамизга баробар дуоғўйларимиз сизлар. Амирни ҳақида, бизни ҳақимизда дуо қилмоқ лозимдур», — дейди.

Турган гапки, Алимқулининг бу бемисл ғалабаси Хўқанд хонлиги тахти атрофидаги нуфузли кишилар кўнглида «энди саркарданинг ўзини тахтга таклиф этишдан бўлак илож йўқ», деган фикрни туғдирган эди. Бу

орада амир Музаффар қайта тахтга ўтқазиб кетган Шоҳмуродхон ҳам Алимқули одамлари томонидан ўлдирилиб, хонлик тахти бўшаб қолган пайт эди. Шунинг учун ҳам табиийки, тахтга кимни чиқариш масаласи энг долзарб масала эди.

Ниҳоят, хонзодалар номи бирма-бир тилга олингач, Алимқули ўз муддаосини маълум қилади. У собиқ хон Маллахоннинг ўғли Султон Сайид номзодига мойил эканини маълум қилади. Анжуман аҳли Алимқули фикрини маъқул кўради ва Султон Сайидни оқ наमतга ўтқазиб хон кўтардилар.

1863 йил июль ойида рўй берган бу воқеадан сўнг Алимқули тажид (янги) унвонига, амирлашкар лақабига эга бўлиб, унинг ўз исми Алимқули расман ишлатилмайдиган бўлади. «Султон Сайид фақат санад илайҳ (қоғозда) курсига соҳиб бўлди. Ҳамма инону ихтиёри узвию куллий амирлашкар қўлида эрди», — деб ёзади муаррих.

Алимқули амирлашкар бўлиб, хонликдаги бутун сиёсат ва ҳукмронлик амалда унинг қўлига ўтган 1863 йилнинг ёзи Россия хонлик ҳудудлари ичкарисига шитоб билан бостириб келаётган, Оқмасжид, Марки, Пишпек шаҳарлари, Хўжа Ниёз истехкоми босиб олинган, Тўқмоқ, Янги Қўрғон қалъалари бутунлай вайрон қилинган давр эди. Шундай бир вазиятда Қўқон хонлиги ҳудудларини ўрис босқинчилари ҳужумидан ҳимоя қилишнинг асосий қийинчиликлари амирлашкар Алимқули зиммасига тушганлиги табиий бир ҳолдир.

Ўрис босқинини қайтариш мақсадида Алимқули дастлаб уруш яқинлашиб қолган шаҳарларга ўз ишончли саркардаларидан ҳокимлар тайинлайди (жумладан, Тошкентга дастлаб Шодмонхўжа, кейинроқ Нормухаммад, Туркистонга Давлат тожик, Чимкентга Мирзо Аҳмад ҳоким бўлади ва ҳоказо). Бугина эмас, шаҳарларда пухта тартиб-интизом, адолат ўрнатилиши хусусида қайғуриб, турли жойлардаги қозилар, қозикалонларни инсоф ва адолатли илм аҳллари билан алмаштиради. Масалан, 1863 йилнинг ўзидаёқ Султон Сайидхон билан биргаликда Тошкентга келиб, шаҳарнинг энг комил уламоларидан бўлмиш Ҳакимхўжани ўз ҳолига қўймай қозикалон лавозимига ўтқазиб кетган ҳам Алимқули бўлганлиги тарихий манбалардан маълум. Ўрислар Тошкентга бостириб келганида пайғамбар ёшидан ошган бу табаррук қозикалон қўлига қурол олиб, бутун Себзор даҳа йигитларини жиҳодга бошлаб борганлиги ҳам



ўша манбаларда қайд этилган. Алимқули ишончли бошлиқларни лавозимларга тайинлашдан ташқари ўрис босқинига қарши курашга аскар йиғиш, етарлича қуролярот тайёрлаш ишлари билан тинимсиз шуғуланганлигини ўрис ва маҳаллий муаррихлар ўз тадқиқотларида қайта-қайта таъкидлашган.

1864 йилнинг ёзи ва кузи, умуман, Қўқон хонлиги, айниқса, хонликка қарашли Дашти қипчоқдаги шаҳар ва қалъалар учун фожиали келган эди. Алимқулининг саркардалик фаолияти шу ҳудудларда ўрис босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда муҳим аҳамият касб этган эди. Уша йил ёзида Алимқули ўрисларнинг Чимкентга қилган ҳужумларини муваффақият билан даф этганлиги, улар орқага, Туркистонга қараб қайтишга мажбур бўлганликлари маълум. Шундан сўнг Алимқули Чимкентга Мирзо Аҳмад парвоначини ҳоким тайинлаб ўзи ўрисларнинг янги ҳужумларига тайёргарлик кўриш мақсадида Хўқандга қайтади. Кейинги воқеаларни ўша воқеалар иштирокчиси Мирзо Олим Мушриф «Ансоб ус-салотин ва таворихи ул-хавоқин»да қуйидагича тасвирлайди:

«Неча кун йўл тай қилиб, Хўқандга дохил бўлуб асбобу анжом ростламоққа машғул бўлди ва бир неча вақтдин сўнг ақраб ойида ўрус Чимкентни саҳл таважжуҳ бирлан олди. Мирзо Аҳмад ва барча аскарлар асбобларини ташлаб келдилар. Алимқули хабар топтиким, "ўрус Тошканд келиб қамабдур" деб. Шитоб бирла йўл босиб Тошкандга келдиким, ўрус орқасига қайтиб кетибдур. Бир неча кун асбоб ростлаб, саранжомини олиб, қўшун қилиб Туркистон устига юруш қилди. Совуқдин аскар ҳалок бўлиб, Иқон бориб туштиллар. Намозшом бўлуб эрди, "ўрус келди" деб хабар топти. Дарҳол отландилар. Ярим фарсах ерга бориб, ўрусга муқобил бўлди. Тўп ва милтиқ икки тарафдин баробар ўт қўйдилар. Қоронғу кеча кундуздек ёруғ бўлди. Шул амсолда уч кечау кундуз доим уруш қилдилар. Ўрусдин кўп ўлди, мусулмондин ҳам кўп шаҳид бўлдилар. Ахир қора-бура қилиб қорларни юмалатиб югурдилар. Ўрусни тўпи ва милтиқи қордин ўтмади. Яқин бориб "Аллоҳу акбар" деб қўшқа оралаб қучоқлашиб-қучоқлашиб, чопиб-чопиб урдилар... Бир неча ўруслар орадин қочиб чиқиб кетдилар. Орқаларидин ботурлар қувалаб Туркистонгача бордилар. Зафар топиб, шоду хуррам бўлуб, эрта бирлан мурожаат қилдилар... Саксон адад ўрус бошини Хўқандга юборди ва бир неча кун Тошкандда туриб, хон бир-

ла мурожиат қилиб, Хўқандга дохил бўлуб, асбоби ғазот ростлаб, кеча-кундуз тараддудда эрди».

Бунда қурол ва умумий тайёргарлик жиҳатидан хонлик аскарларига нисбатан анча устун бўлган ўрис аскарларини енгил учун Алимқули ўйлаб топган ҳарбий ҳийла — қорни уйдек-уйдек келадиган қилиб юмалоқлаб, унинг орқасига яшириниб ўрис аскарларига ҳужум, юмалоқланган бу қорлардан эса на тўп, на милтиқ ўқлари ўтмаслиги душманни қаттиқ саросимага солади ва кўп талафот бериб чекинишга мажбур этади.

Алимқулининг Иқон атрофидаги бу ғалабаси кейинчалик ҳам давом этиши мумкин эди. Бироқ ўша аснода амирлашкарни боши берк кўчага киритиб қўйган бир фожиа содир бўлади. Дашти қипчоқ аҳолиси Қўқон хонлигидаги солиқлар ҳамда бебошликлардан безибми, ёки бошқа сабаблар биланми, ҳар ҳолда ўрисларга кўпроқ хайрихоҳлик кўрсата бошлайдилар. Фақат Дашти қипчоқдагина эмас, ҳатто, Тошкентда ҳам аҳолининг бой ва амалдор қисмида шундай кайфият вужудга келиб, 1865 йилнинг бошида шаҳардаги эдлик нафар нуфузли кишилар тил бириктириб, Россия императоридан шаҳар фуқароларини Россия тобелигига ўтказишни сўраб махсус мактуб жўнатганликлари маълум.

Дашти қипчоқдаги фожиага қайтайлик. Чимкент ҳимояси учун у ерга қўшин тортиб борган Алимқули баъзи қозоқ бийларининг ўрислар билан тил бириктирганидан, ҳатто, уларга солиқ ҳам тўлай бошлаганидан хабар толиб, ғоят дарғазаб бўлиб, уларни чақиртиради. Туркистондан Сиддиқ Тўра ва қозоқиядан Бойзоқбий ҳам келади. Шундан кейинги ваҳшиёна манзара Исҳоқхон Ибрат китобида тасвирланган: «Амирлашкар Бойзоқбийни ўтқузуб қўйиб айдики: “Бойзоқ, сен аввал Ислон аскарини закот берар эдинг, нега энди бизларга бермай, Русияга бердинг?”—деганда Бойзоқбий амирлашкарга этибдурки: “Тақсир, ман авлодлик киши. Бир юз йигирма бийнинг отасиман. Буларга жайлов деб русиядан тўрт тошға қарийб, яъни йигирма беш чақирим ерни ижорага олганман, ани ижорасини бераман, сизга закот бераман”,—деганда амирлашкар: “Сен икки марта аҳд қилдинг, яна буздинг!”—деб жомадорга: “Муни замбаракга солиб отқил!”—деб буюрса, Бойзоқ чол қари киши экан, ёши юздан ўтган экан, айтубдурки: “Ҳой амирлашкар, мени буйла қилма, кўзимни кўр қилиб Хўқандга жубор, мен Русияга даф бўламан. Мени хабарим болаларим ва бийларга етса, санга ёв бўлур-

лар. Русияни санга бошлаб келурлар, ҳар иш қилиб мени ўлдурма“,—деса амирлашкар қулоқ солмай, кафил хат берайинн деса ҳам қабул қилмай, охири юз пайса доруни замбаракга солиб, кичкина одам экан, ёнига икки боғ қуруқ беда тиқиб отдурубдур. Осмонга кетиб, на ўлуги ва на суюги кўрунмади».

Тўғри, душманга қарши курашда хоинлик қилганлар ўлимга маҳкум этилган, қўрқоқлар, ношудлар, шахсий манфаатини устун қўйганлар ҳамма даврларда ҳам қилмишига яраша жазоланган. Чунончи, Оқ масжидни руслар эгаллагач, уни қайтариб олиш учун Худоёрхон томонидан сараскар Шодмонхўжа бошлиқ қўшин юборилганида ҳеч ишнинг уддасидан чиқа олмай қайтиб келган Шодмонхўжа ва унинг ёнида борган аскарбошиларга аёл кийимини кийгизиб, эл-юрт кўз олдида чарх йигиришга мажбур қилинган эди. Қўқон хонлигининг Россия билан муносабатлари фожиали бир тус олган вақтда ўз шахсий манфаатини кўзлаб Черняев билан яқин муносабатда бўлган тошкентлик савдогар Сайид Азимбой Муҳаммадбой ўғлига Алимқули катта пул жаримаси солганлиги ҳам маълум. Лекин Бойзоқбийга нисбатан қўллаган жазо ўта шафқатсизлик бўлиб, кейинчалик хунук оқибатларга олиб келмаслиги мумкин эмасди.

Бу даҳшатли воқеадан кейиноқ, тарихчи Ф. Озодавнинг маълум қилишича, Бойзоқнинг ўғли Оқмулла ака-укалари билан Черняев ҳузурига келиб, душман Чимкентни қўлга киритиш учун 10000 кишини руслар томонига ўтказажagini, юк ташиш воситаларининг ҳаммасини унинг ихтиёрига бериб қўяжagini айтади. Уша даврда яшаган ва Дашти қипчоқдаги ўрис босқинидан яхши хабардор бўлган Исҳоқхон Ибрат, Мирзо Олим Мушриф, Муҳаммад Олим махдум ҳам ўз китобларида Бойзоқбий фожиасидан кейинги воқеаларга алоҳида эътибор берганлар. Муҳаммад Олим махдум қозоқлар ўрис босқинчилари ҳузурига тўда-тўда бўлиб бориб: «Алхол оларнинг (Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги—Ш. Ю.) ораларида низо ва беиттифоқлик бўлуб турган ҳолда тезлик ва осонлик билан саранжом қиладурмиз. Хусусан, Сирдарёнинг кема ўтадурғон жойлари Русия кўлига кирган вақтда икки мамлакат, яъни Бухоро ва Хўқанд ва Тошканд ораси банд бўлуб, Мовароуннаҳр мамлакати осонлик ила қўлга кирадур“,—деган элатия улуғларининг кўрсатган машварат ва маслаҳатлари

илан русиялар Чўлакдан Туркистон тарафига жўнадилар»,—деб ёзади («Тарихи Туркистон», 92—93-бб.).

Алимқули ўзи учун ҳаёт-мамот жангига, яъни Тошкент мудофаасига мана шундай хунук ишлар бўлиб ўтган ғоят қалтис вазиятда тайёргарлик кўришига тўғри келди. Айтиш керакки, шундай қалтис вазиятда ҳам амирлашкар кўпгина зарур тадбирларни амалга оширишга муваффақ бўлади. Бу тайёргарликни, бир томондан, қўшин тўплаш ва қурол-аслаҳа тайёрлаш, иккинчи томондан, қўшни давлатлар эътиборини ўрис босқинига жалб этиш, ҳал қилувчи дамларда улардан ҳарбий ёрдам олишга эришишга қаратади.

«Ўрислар Тошкентга интилаётганини кўрган Алимқули шаҳар мудофаасига қизгин тайёргарлик кўра бошлади, — деб ёзган эди В. Наливкин ўзининг Қўқон хонлиги тарихига оид китобида. — Айтишларича, кейинги олти ой мобайнида 60 замбарак қуйдиришга ва бир неча минг милтиқ тайёрлатишга муваффақ бўлган». Ўрисларнинг замбаракларига ўхшатиб қуйилган бу замбаракларни Алимқули кейинчалик Тошкент мудофааси учун олиб келганлигини бир неча маҳаллий муаррихлар тасдиқлайдилар.

Амирлашкар ўрис босқинига қарши курашда ёрдам беришни сўраб турк султониغا элчи юборганини Россиянинг Туркиядаги элчиси 1865 йил 16 февралда Петербургда маълум қилган эди. Алимқули ташаббусига жавобан урушда ёрдам бериш масалаларини ҳал этиш учун йўлга чиққан Хива хонининг элчиси Тошкентга яқинлашган вақтда шаҳар қамал ҳолатида эди ва у Черняев одамлари томонидан қўлга олиниб, ўз юртига қайтариб юборилди. Бухоро амирлиги билан бу хусусда донмий алоқалар бўлиб турганлиги ҳам тарихий манбалардан яхши маълум.

Яна шу ҳам маълумки, ўрис қўшинлари Дашти қипчоқнинг асосий шаҳарлари бўлмиш Авлиёота, Туркистон ва ниҳоят Чимкентни босиб олгач, дарҳол Тошкентга йўл олган. 1864 йил сентябрдаёқ унга ҳужум қилган эди. Лекин Иқон яқинида бўлгани сингари Алимқули лашкарларининг қақшатқич зарбасига учраб, 78 нафар аскар, жумладан, 4 зобитни йўқотиб, бир неча кун аввал зўр қийинчиликлар билан қўлга киритган Чимкент шаҳрига қайтиб кетишга мажбур бўлган эди.

Иқон яқинида қишда бўлган жангларда Алимқули баҳодирларининг қор юмалатишидан юрак олдириб қолган Черняев шундан сўнг қиш мавсумини писибгина

Дашти қипчоқда ўтказади ва баҳор келиб, қорлар кетиб ҳаво анча исиган апрель ойининг 28-куни янгидан ҳужум бошлаб, Тошкент яқинидаги Ниёзбек қўрғонини эгаллаб, Бўзсув канали сувини Чирчиқ дарёсига томон буриб юборди, шу тариқа 80 минг кишилик шаҳар аҳолисини сувсизликдан мадори қуриб, таслим бўлишига эришмоқчи бўлди.

Бу вақтга келиб, умуман, Қўқон хонлигидаги, жумладан, Тошкент шаҳри ичидаги сиёсий вазият Алимқули зарарига ва Черняев фойдасига ўзгариб қолган эди. Гап шундаки, тошкентликлардан юқори мавқели 50 нафар киши Россия императори номига мактуб йўллаб, шаҳарни ўз тасарруфига олишни илтимос қилган эди. Улар томонидан Петербургга махсус жўнатилган Тўраҳон Зайбухонов мактубга имзо чеккан 50 нафар кишининг ҳар бири орқасида 200 киши бор дея пойтахт вакилини ишонтиришга уринганлиги маълум. Бу ортиқча лоф-қоф эканини шундан ҳам билса бўладики, ўрислар Тошкентни босиб олган 1865 йилнинг ёзида шаҳарда эркак-аёл, қари-ёш бўлиб жами 80000 чоғли аҳоли яшар эди. Ўша аҳолининг бир қисмигина императорга илтимоснома ёзганларнинг йўриғига юриши мумкинлиги ҳам аён. Лекин ўша бир қисмининг фаолияти ҳам ёв босиб келиб турган вақтда ғоят кўнгилсиз натижаларга олиб келиши турган гап эди.

Иккинчи томондан, ўшалар орасидан чиққан бўлса керак, бир неча сотқинлар шаҳар дарвозаларини Черняевга 8 майда эрталаб жанг-жадалсиз очиб беришни ваъда қилган ва унга анча пухта тадбир кўриб қўйган эдилар. Бироқ 7 май куни кўплаб аскар ва кучли замбараклар билан Алимқули Тошкент яқинида Мингўрик мавзеига келиб қўниши бу хоинликнинг олди олинишига сабаб бўлади. Хоинликка чек қўйилди, аммо бошқа бир даҳшатли воқеа содир бўлди. Алимқули билан бирга келган қозоқ саркардалари Тошкент яқинида ўрислар билан жанг қилиш режасига унамайдилар, дастлаб қозоқ ерларини қайтариб олиш, у ерлардан қўшимча аскар тўплаб, шундан кейингина Тошкентни мудофаа қилиш режасини илгари суриб, ўз айтганларида туриб оладилар.

Алимқули Тошкент яқинида ана шундай танг ҳолатда ўрислар билан жангга киришга мажбур бўлади.

Тошкент яқинида бўлган ўша ҳал қилувчи жанг Мулло Олим махдум китобида анча батафсил тасвирланган: «Тошканддин тахминан ўн икки чақиримлик (Шўртепага яқин) Олчак мавзеёига яқинлашганда (Мулло Алим-

қули) кўрубдурким, русия қўшуни бир жойга жамъ бў-  
луб турубдур. Оларнинг муқобилига Мулло Алимқули  
отлиқ мерганларни пиёда қилиб, тўпчи сарбозларни ёни-  
га қўйиб, тўпларни рўбарў айлаб, икки тараф отишма  
бошлабдур. Ҳар икки тарафнинг тўп-тўфанг отишидин  
ва чангу губоридин уруш маъракаси қоронғу бўлуб, бир-  
бирларини кўролмайдурғон даражага етуб, бу урушда  
Мулло Алимқули ўз қўшунига бош бўлуб, гоҳ бул тараф,  
гоҳ ул тарафдаги аскарларнинг тепасига боруб, кўнгул  
сўраб турғон аснода кўрубдурким, аксар қипчоқ-қирғи-  
зия саркардалари қўшунлари илан урушга аралашмай,  
Мулло Алимқулига кўруниш айлаб, олисдаги тепа усти-  
да урушни наззора қилиб турубдурлар. Мулло Алимқу-  
ли Юнусжон шиғовулни юбориб айтибдурким: “Бу қан-  
дай аҳволу қандай вақт, хусумат ва адоватнинг жойи  
эмас, уруш тамом бўлгандин кейин ҳар нима кўнги-  
ларингизда бўлса, муддаои таъб жойига еткураман.  
Ҳаммамиз иттифоқлашиб обрў олайлук, бўлмаса мулку  
мамлакат, давлат қўлдин кетадур”. Бу сўзларни Юнус-  
жон шиғовул еткурғон ҳолда оларнинг ичидин Пўлод  
қирғиз ном дағал одам қаттиқ ва дурушт жавоб бериб,  
Юнусжонни қайтарди».

Уша кунги жангда Алимқули қаттиқ ярадор бўлгани  
манбалардан маълум. Лекин бунинг сабаби турли ман-  
баларда турлича кўрсатилади. Чунончи Мирзо Олим  
Мушриф Алимқули тўпхона яқинига келиб турганида  
унга душман ўқи теккани ҳақида ёзса, Исҳоқхон Иброт  
амирлашкар ўз ҳамюртлари бўлмиш аъёнлар хиёнати  
туфайли қурбон бўлгани ҳақида фикр билдирадн. Мана  
Исҳоқхоннинг ёзганлари: «Амирлашкар ғайратидин кўб  
сипоҳлар қўрқуб: “Амирлашкарни саранжом қилмасак  
бўлмайдур”,—деб умаролар маслаҳати билан бир са-  
ғир қул отибдур, ўлуги анда қолди».

Шу тариқа Алимқулига ўқ тегиши сабаблари ҳақи-  
даги фикрлар турлича. Лекин ўқ теккандан кейинги ҳо-  
лат аксар муаррихлар томонидан бир хилда баён қили-  
нади: қаттиқ жароҳатланган амирлашкарни Ҳаққули  
исмли қариндоши от орқасига миндириб ўз қўшига олиб  
боради. Алимқули қаттиқ яраланганини кўпчиликдан  
яширишга ҳаракат қиладилар. Тез орада қўшинга уруш-  
ни тўхтатиш буюрилиб, амирлашкар хон ва лашкарлар  
тўпу тўпхонаси билан биргаликда Тошкент ичига кириб,  
шаҳар дарбозасини маҳкам беркитадилар. Алимқулини  
эл кўзидан яшириб бир дўконга ётқизадилар, табиблар  
чақирилади, бироқ ҳеч қандай муолажа кор қилмай,

оғир аҳволда васиятлар қилиб, ҳаётдан кўз юмади. Уша кечасиёқ уч-тўрт киши Шайхҳованди Тоҳур қабристонига дафн этадилар.

«Бу воқеадин кейин, — деб ёзади Мулла Олим махдум,—Тошканд шаҳридаги ҳукуматдорлар ҳайрон ва саросима бўлуб, нима иш қиларларини билмай ҳайрат мақомида қолдилар. Чунки, аксар саркардалар Тошкандни ташлаб Хўқанд тарафиға қочиб кетган, хонзода бўлса ёш гўдак эди».

Шу алфозда Тошкент мудофаачилари Бухоро амиридан ёрдам сўраб Ҳакимхўжа қозикалон бошлиқ вакиллар юборадилар, амир Музаффар уларга катта ваъдалар бериб қайтаради. Музаффархоннинг Тошкентга ёрдами ҳақида Мулло Олим махдум истеҳзо билан ёзганидек: «Амири Бухоро буларга гўёки ёрдам ва ионат тариқасида Искандарбек номли саркардани беш-ўн узун чофон одам ила Тошкандга юборганин ўзга фойдаларин бўлмади».

Амир Музаффар Султон Сайидхонни Бухорога таклиф этади ва амирлик ҳудудига етиб борган ёш хонни ўлдиртириб, Қўқон хонлиги тахтини ҳукмдорсиз қолдиради. Айни вақтда ёнига Худоёрхон билан Султон Муродбекни олиб Қўқонга келади ва Худоёрхонни янгидан тахтга ўтқазиб қайтади. Орадан икки-уч ҳафта ўтиб, 1865 йилнинг 15—17 июнь кунлари Тошкент ўрис аскарлари томонидан узил-кесил босиб олинади. Шу муносабат билан Исҳоқхон Ибрат: «Бовужуди золика амир хўқандликларнинг узриндан амин бўлмай, Хўқандни Худоёрхонга, Тошкандни Русияга ташлаб кетди»,—деб ёзади.

Ўзининг энг хавfli душмани Алимқули эканини яши билган Черняев Тошкентни босиб олиши биланоқ, дарҳол уни суриштиради. Амирлашкар дафн қилинган қабрни бориб кўрганидан кейингина бироз таскин топади.

Алимқули баҳодирнинг она тупроғи ва халқи учун фидокорона курашига шу тариқа нуқта қўйилди, у шахиди аъло бўлди. Номи халқимиз тарихига олтин ҳарфлар билан битилиши керак бўлган бу азамат саркарда ҳақидаги мулоҳазаларимизни машҳур маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг ёрқин иқрори-бўлмиш сўзлар билан яқунлаймиз: «Бу Фарғона ва Туркистон хонларидин икки киши фуқаро ва дини миллат учун ҳаракат қилган эди. Бири амирлашкар (Алимқули демоқчи) ва бири марҳумий Маллахон».

## ТОЖИМУҲАММАДБОЙ ВА БИРОДАРИ

«Ажойиб ишлари бордур жаҳоннинг» деган нақл ёдимга тушиб хаёлга фарқ бўлдим. «От босмагани той босади» деган гап ҳам ўйлатиб қўйди.

Муҳтарам ўқувчиларга ҳикоя қилиб бермоқчи бўлганим воқеаларнинг қаҳрамонлари — ака-ука тужжорлар кўҳна Тошкентнинг машҳур Шайхҳованди Тоҳур даҳасига қарашли Дархон маҳалласининг ерга урса кўкка сапчийдиган шўх-шан болалари эди. Фалакнинг гардишини қарангки, қўл учида бир амаллаб кун кўрган бечораҳол одамнинг бу икки ўғли ўзбек юрти, унинг бойликлари донғини Оврупонинг энг забардаст мамлакатларида ёйиш даражасига етишди.

Келинг, гапни ака-укаларнинг тўнғичи бундан юз йилча олдин газетага ёзган сўзлари билан бошлайлик:

«Менинг отам ипак ва ип ишларини тайёрлаб сотадурғон бечора одам эди, — деб ёзади Мирзо Абдуллабой «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1897 йил 14 август сониди. — Ман ўшал бечораликни олти ёшдан буён ёдимда тутаман. Ва менинг онам ўзи хат биладурган мулла экан, дўппи тикиб сотиб, отамга харажат қилмоққа ёрдам ва ионот берар экан».

Мирзо Абдуллабой, унинг укаси Тожимуҳаммад Исамуҳамедовларнинг, ниҳоят, бу сулоланинг шу кунларда ҳаёт бўлган энг кекса вакили 93 яшар Сайфулла Тожимуҳамедовнинг маълумотларига қараганда, оилада беш фарзанд бўлиб, улар қандай ночор аҳволда кун кечирганини айтиш учун бешта боланинг ҳаммаси (уч ўғил ва икки қиз) минг ямоқли битта кўрпа остида, уни торт-торт қилиб улғайганликларини таъкидлаш кифоя.

Ўзининг болаликдаги аянчли аҳволи ҳақида газетада ҳикоя қилиб беришни лозим кўрган Мирзо Абдуллабой 1865 йил ёзида Тошкент фуқаролари бошига мислсиз фалокат келтирган ўрис босқини манзараларини, бу босқин содда, ҳалол, ҳуркович маҳаллий аҳолининг ўтакасини ёриб юборганини ҳам бизнинг авлодлар учун нақшлаб қолдирган:

«Русия Тошканд шаҳрига келиб шаҳарни олғани, ман ёш вақтим бўлса ҳам, эсимда бордур. Ушал вақтда ман етти ёшга яқин эдим. Русия аскарлари бизнинг шаҳарга



келганда тамоми фуқаролар қўрқуб, нечук қилмоқларини билмай, қолган заифалар ва болалар қўрқуб ўз ҳовлиларидин қочиб, боғларда беркиниб ётдилар. Ман ўз отам ва укам (ҳикоямизнинг иккинчи қаҳрамони Тожимухаммад ҳақида гап бормоқда — Ш. Ю.) бирлан ҳовлида қолиб, дарвозаларни беркитиб ўлтуруб, кўчадаги шовқун ва ғалваларга ва милтиқ отганга қулоқ солиб турдук. Манинг алҳол ҳам ёдимда бордурким, бир ўқ кўчадин бизнинг ҳовлимизга келиб, ёнғоқ дарахтига тегиб кириб кетди, бизга зарар етгурмади. Даража-бадаража бизнинг маҳаллада ғавғо ва ўқ овози йўқ бўлди. Чунки салдотлар бозор тарафга ўтган экан. Ушал вақтда биз эҳтиёт илан дарвозадин ташқари чиқиб, кўчага қараб кўрдикки, кўчаларда аробалар ва ҳар хил яғочлар турадур ва Тошканд фуқаролари Русия салдотлари йўлдин ўтмасун деб бул тариқа жайб қилғон экан. Русия салдотлари бизнинг кўчадин ўтуб кетдилар деб жазм қилиб, биз ҳам онам беркиниб ётган боғга бориб, анда турдук. Ва лекин бизнинг емоққа авқотимиз йўқ эди ва бул важҳдин икки кун ичида бизлар пишмаган хом олманн еб авқот қилдук. Учинчи кун милтиқ ва тўп отмоқ тўқтаб қолғон сабабли ўз ҳовлимизга келдук». (Ўша газета).

Ана шундай бир шароитда Мирзо Абдулла маҳалла масжиди қошидаги эски мактабда ўқиб, зеҳни ўткир ва серғайратлиги натижасида анчагина илм олади. Лекин мадрасада ўқиш иложини топмай, укаси Тожимухаммадни ёнига олиб, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида аввал мардикорлик, тил билиб олганидан сўнг эса, уйма-уй юриб савдогарчилик қилади, рўзғорга қарашади.

Тўқувчилик касбини яхши эгаллаб олган ака-ука ўз матоларини элга манзур қилиб, бир оз мол-дунё тўплагач, чой, нодир буюмлар, осори-атиқа савдоси билан шуғулланадилар. Нижний-Новгородда, Харьковда, Москва ҳамда Петербургда ўтказиладиган ярмаркаларда ўз тансиқ моллари билан ном чиқарадилар. Тошкент шаҳрида 1890 йилда ўтказилган машҳур кўргазманинг ёзлик бир неча павильонини безаш Тожимухаммадга топширилган, Мирзо Абдулла эса ўзининг кўзларни қувнатувчи ипак матоларини намоиш қилиб, мукофотга ҳам сазовор бўлган эди.

Айтганча, бу кўргазма хусусида шөир Зокиржон Фурқат уч қисмдан иборат йирик маснавий ёзиб, «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилдирганлиги маълум. Шу кўргазма баҳона бўлади, шекилли, улкан маъ-

рифатларвар шоир ака-ука савдогарлар оиласига кириб келади ва бир неча ой мобайнида уларнинг меҳмонхонасида истиқомат қилади. Фурқат бу хонадонда яшаб турган кезларда Тожимуҳаммад савдо иши билан қайсидир шаҳарга боради. Уша ерда қафасда сотилаётган олти жуфт қумрини харид қилиб, бошқа бир одам орқали ҳовлисига жўнатади. Қафасни Фурқат яшаётган меҳмонхонага осиб қўядилар. Гўзаллиги ва ёқимли овози учун қафасга тушган қумрининг сайрашлари шоир қалбида ҳазин туйғулар пайдо қилади ва:

Аламли қумриман, бир гул бадандин айрилиб қолдим,  
Назokatда қади сарви чамандин айрилиб қолдим, —

матлаъли дилсўз ғазал дунёга келади.

Мирзо Абдуллабой шеърят фидойиси, кўркам безакли баёзлар тартиб берган моҳир хаттот бўлса, Тожимуҳаммад кейинчалик Ўрда яқинидаги ҳашаматли ҳовлиси ертўласида босмахона ташкил этганлиги, Г. Яковлев литотипографияси номи билан машҳур бўлган бу босмахонада Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Абдурахмон Жомийнинг «Ҳафт авранг» сингари Шарқда кенг шуҳрат қозонган асарлари, Шоҳмурод Абдуқодирбой, Мулло Абдуазимбойқори Абдурахмонбой каби хаттот ва мусаннифлар томонидан тайёрланган китоблар чоп этилганлиги матбаачилик тарихимиздан маълум.

Ана шундай зукко ва маърифатли ака-ука савдогарлар ҳовлисида Фурқат миннатдорлик туйғуларига тўлган ҳолда мамнун умргузаронлик қиларди. Бироқ... бироқ, афсуски, олам ғаламислардан, Фурқат тили билан айтганда, «марди ҳамоқат»лардан ҳам ҳеч қачон холи бўлмаган. Ушаларнинг алоҳида «хизматлари» туфайли бу лаззатли дўстлик косасига оғу аралашади. Шу орада Фурқатнинг мангулик ватанжудолиги бошланади. Лекин шоир она юрт дарвозаларидан чиқиб, дастлабки хорижий шаҳар — Истанбулда турган ойлардаёқ тошкентлик дўстларини қўмсаб шеърий мактуб битар экан, (Мирзо Абдуллабой) билан муносабатларига ниҳоний шубҳа аралаштирган «азамат»ларни лаънатлайди, дўстига абадулабад садоқатини эҳтиросли мисраларда баён этади. У хаёлан сабога хитоб қилади:

Ўт андин сўнгра Дархон кўчасига,  
Ки бир дўсту қадрдон кўчасига.  
Муҳаббатпеша яхши ошиномиз,

Дароз андешалик Мирзо акамиз —  
Дилинда бор эди мандин қудурат,  
Ниҳон айларди лекин билзарурат.  
Дегилким: Фурқатий Сизга ризожў,  
Эди бир беғараз холис дуоғў.  
Кўб эрди бошқалардин эътиқоди,  
Муҳаббат бирла азбас эътимоди.  
Ва лекин бир-икки марди ҳамоқат,  
Анга мандин қилиб ялғон шикоят,  
Дили озурда мандин бўлди ноҳақ,  
Ва гарна йўқ гуноҳе манда мутлақ.  
Чиқар кўнглидин ул тухмат ғубори,  
Намак ҳаққи мани бўйнымда бори.

(«Туркистон вилоятининг газети», 1892 йил, 16 апрель).

Шоир «дароз андешалик Мирзо акамиз» деб алоҳида эҳтиром тутган Мирзо Абдуллабойдан ташқари Юсуф бойвачча, Ҳожи Аъзам, Қори Сиддиқ, Абдулазизхон, Мирмақсуд, Валиҳожи, Мирзо Ҳошим, Фиёсхон, Саримсоқ, Орифжон, Қаримхон каби савдогар дўстларига ҳам шу бир мактубнинг ўзида саломлар йўллаганини айтсак, маърифатпарвар Фурқатнинг эл-юрт фаровонлигида хос ўрин тутадиган савдо аҳли билан қанчалик бир тан-бир жон бўлиб кетганлигини кўз олдимизда келтириш қийин эмас.

Ўзбек маърифатпарварларининг катта бир қисми худди шу савдо аҳлидан чиққанлиги, улар буюк мутасаввуф Баҳовуддин Нақшбанднинг «қўл меҳнатда бўлсин, дил худода» («даст ба кору дил ба ёр») деган ўта ибратли насихатига қаттиқ амал қилганликлари эътиборга лойиқдир. Зотан, Фурқатнинг ўзи ҳам Эски ва Янги Марғилонда, Тошкентда, Қарғалиқ ва Ёркентда кўп йиллар савдо иши билан шуғулланганлиги, маърифатпарварлик йўналишидаги кўплаб асарларида ана шу сара ҳунар кишилари манфаатларини ифодаловчи ранго-ранг фикрлар баён қилганлиги маълум. Аммо коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган етмиш йиллик давр мобайнида Фурқат адабий меросининг бу ғоят муҳим йўналиши халқдан қаттиқ яшириб келинди.

Фурқат ўз она юртида ҳам, хорихда ҳам, қайси шаҳарда яшамасин, уни энг кўп қизиқтирадиган нарса ўша шаҳарнинг бозори, у ердаги савдо-сотик ишлари бўлди, десак, ҳақиқатга хилоф эмас. Чунончи, у тошкентлик дўсти Маҳмудхўжага Бомбайдан шеърий мактуб йўл-

лар экан, бу азим шаҳар бозор расталарига бой савдогарлар қурдирган шаҳар четидаги боғ-меҳмонхоналарга эътиборни қаратади:

Расталардур беадад, ҳар растада минг-минг дўкон, Олди-сотди хўб бажо, равнақдадур бозорлар...  
Ҳар тараф бунголалар солмиш кира қўймоқ учун,  
Деб савобу ҳам тижорат пухта дунёдорлар.

Улкан маърифатпарвар мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустақкамлашда ҳам савдо алоқаларининг аҳамияти катта эканини яхши англаб, шу хусусда кўп бош қотиради: «Туркистон вилоятининг газети»да босиб чиқариш учун юборган бир мактубида Фурқат савдо ишларидан қанчалик яхши хабардор эканини яққол намоиш этади. Чунончи, у бундай ёзади:

«Савдогарлар Ҳиндистонга бориб чой ва нил, кимхоб ва маржон, шоҳимаржон, ҳар хил дока, чит ва шол ва суф, яъни меткал ва духоба ва қайрам ва ағбону ва докашол, оқ домас ва шолсалла, ушбу мазкур молларни олиб келиб, кўброғини Ёркандда, андин кейин Қошғарда сотадурлар. Бул тараф Хўтан, Оқсув, Кўча, Турфон шаҳарларғача кетадур. Ва ҳам дорулардан мурч, фулфул, заъфарон, нофа, ҳалила, занжабил; бўзбаға, балила ва шакар-набот, камфут, мураббо, юз хил дорулар келиб, мазкур шаҳарларғача кетадур. Ва Миср, Истанбул, Қалкутта, Бомбай, Лоҳур китоблари ҳам кўб келиб, зиёда сарф бўладур. Бу зикр қилғон мол-ажнослар ул тарафлардин нархи арзон келиб, сотилиб, кўб фойда ва ҳаён қиладур. Агар Русия моли арзон тўхтаб ва йўл харажатлари озроқ бўлиб келса, ҳар хил жинс мол бўлса, кўб сарф бўлса керак».

Юқоридаги сингари фикрлар Фурқатнинг бошқа асарларида ҳам кўплаб учрайдики, бу ҳол ўтмишдаги мулла боболаримиз фаолиятида маърифатпарварлик халқ ҳаётида гоят муҳим аҳамият касб этувчи савдосотиқ масалалари билан чамбарчас боғланиб кетганлигидан далолат беради. Бинобарин, мулла боболаримиз савдогарининг маърифатли бўлиши эл-юртига катта наф келтиради, деб ҳисоблаганлар ва асло адашмаганлар.

Бунга қаноат ҳосил қилиш учун ўтган аср охири ва XX аср бошларидаги йирик ўзбек маърифатпарвар-савдогарларидан Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғлининг ибратли ҳаёт йўлига назар ташлаш кифоя. Гап шундаки, Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли бир қанча масалаларда ўз ҳамюртлари орасида биринчи бўлган, Чунончи,

савдогарлар орасида биринчи бўлиб, Германия, Франция, Англия каби ривожланган мамлакатларга бориб, улардаги тижорат ишларини ўрганган, биринчи бўлиб Москвада ўз тижорат фирмасини, Хельсинкида, Парижда, Петербургда, Харьковда ва бошқа йирик шаҳарларда шу фирманинг бир неча дўконини очиб, ўзбек савдогари шаъни юртимиздан узоқ-узоқларда ҳам ардоқланишига муносиб ҳисса қўшган.

Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғлининг 1900 йилда Парижда ташкил этилган халқаро кўرғазма ва ярмаркага бориши, бу сафар чоғида Москва, Петербург каби рус шаҳарларидан ташқари Берлин, Лондон, Париждан олган олам-олам таассуротларини «Туркистон вилоятининг газети»нинг беш сонидан эълон қилдириши ўзбек савдогарлари ва маърифатпарварлари ҳаётида ҳали учрамаган ажойиб воқеа эди.

Аввало, шунини айтиш керакки, муаллиф ўз саёҳати санаси, йўналиши ва бошқа тафсилотлари хусусида кейинги авлодлар учун гоёт муҳим бўлган аниқ маълумотлар қолдиради.

«1900 инчи йилда 10инчи мортда камина Тожиддин Париж виставкасига бормоққа ирода айлаб, Тошканд шаҳридан вагон билан жўнаб, 11 инчи мортда Самарқанд ва 12 инчи мортда Бухорои шариф шаҳарларидин ўтув, Красноводга келиб, андин 15инчи мортда оташ кема бирлан юруб, 16 соатда Боку шаҳрига чиқтим... Бокудин оташ аробага ўлтуруб Масков шаҳрига келдим».

«Саёҳатнома» муаллифи йўл давомида туғилган таассуротларини баён қила бошлар экан, фақат савдогар сифатида эмас, балки ўз халқининг истиқболини ўйлаган етук зиёли сифатида ҳам фикр юритади.

«Қўлдан келган одамларга керак ва лозим эканким, — деб гапни бошлайди Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғли, — юруб, сайр ва саёҳат айлаб, ҳар қайси обод ва улғу шаҳарларни кўруб, ҳар илм ва ҳунарни маонийн фаҳм айлаб, ибрат кўзларини очар эдилар. Ушбу тарафларни ҳунарлари ва шаҳарларини обод бўлмоғи барчаси илм таълим олгонларидан экан».

Муаллиф Москва ҳақида мулоҳаза юритган ўринларда, аввало, элшуносликдан, жуғрофия ва иқтисод илмларидан пухта хабардор мутахассис сифатида гавдаланади. Мана унинг синчковлик билан олиб борган баъзи кузатишлари:

«Москов шаҳрида бёр миллион икки юз минг тургон одам бордур, деб айтадилар. Ҳар куни 120 мартаба оташ

ароба келиб-кетар экан. Конька, яъни от бирлан юрадургон темир йўл ва электричество бирлан юрадургон йўллар барча кўчаларда тайёр—мухайёдир. Мундин бошқа 20 мингдин кўброқ извошиқ ароба бор. Мошина ароба ва велосипед миниб юрган одамларни ва яхши магазинларни ҳисоби йўқ. Булар ҳаммаси илм ва ҳунар таълимларини ўқуғондиндур».

Асл касби савдогарлик бўлган муаллифни, табиийки, тижорат ишлари, катта дўкондорлар фаолияти ҳам ниҳоятда қизиқтирган. Шунинг учун бўлса керакки, Москвадан бошлаб, Петербург, Берлин, Лондон, Париж шаҳарлари тасвирида масаланинг бу жиҳатларига алоҳида эътибор беради, овруполик савдогарлар фаолиятини ўз ҳамюртлариники билан қиёслаб, ўқувчини ўйлашга, янги режалар тузишга мажбур қилади. Масалан, Москва хусусида ёзади:

«Бир магазин бор: оти Мирмилец деган. 40 приказчиги бор. Ҳар куни 25 минг сўм савдо қиладур. Булар ҳаммаси илм ва ҳунар таълимларини ўқуғондиндур. Бизларда ўн одамимиз бўлса, ишлатмоққа саранжом қилолмаймиз».

Лекин Парижга келгач Тожимуҳаммаднинг бошқа шаҳарларда кўрган тижорат дўконлари ҳеч нарса бўлмай қолади. Энди у савдо илмини пухта эгаллаб, олтин ҳисобида миллионлаб фойда кўрадиган нодир касб эгаларининг ахлоқ-одобига, харидор билан муомала маданиятига алоҳида тўхталишни лозим топади:

«Камина беш-олти магазинга кирдим. Одамларини харидориға қилгон таъзим-тавозеъларига ҳайрон қолдим. Савдо ва савдогарчилик буларга хатм экан. Хусусан, бир-икки магазини бор экан. Бирини Лубр деган катта магазин. Иморат етти қабат. Ушал магазин ичига кириб хайратда қолдим. Ичидаги одам чумолидек ўрмалайдур. Камина киришим билан бир одам келди: «Мисье, нима хоҳлайсиз?» — деб. Камина томоша қилмоққа келдим, деб айттим. Сўради: «Фарангча тил билурмисиз?» «Озроқ биламан»,—деб эрдим, бир тарафга бориб бир русча тил биладурган одамни олиб келиб буюрди. «Бул одамга магазинни томоша қилдургил»,—деб. Мазкур одам ҳама қабатларга олиб чиқиб, томоша қилдурди, 2 нчи, 3 инчи, 4 инчи, 5 инчи, 6 нчи, 7 нчи ошиёнларга мошина бирлан чиқарди. Ҳар нима сўрасангиз, ўшал магазинда мухайё экан. Ҳар кунда икки миллион франк савдо қиламиз, дейди. 4 минг приказчик ҳаммаси бир хўжайиндин хўрак қиладур. Сотилган молни ўрамоққа

2 юз минг франклик қоғаз сарф бўлади, дейдур. 125 жойда савдо пулини оладурғон касса бор. 120 аробаси бор экан — олган молни эгасининг уйига олиб бориб берар экан. Хўб томоша қилганимиздин сўнгра ниҳоятда таъзим ва тавозеъ илан мани кузатиб солиб, айттиким, агар томоша қилсангиз, Бомарше деган бир магазин бор деб, йўл кўрсатди.

Камина яна Бомарше деган магазинга келдим. Бир кўчанинг икки тарафида 7 ошиёналик икки катта иморат экан. Ичига кирдим. Бир одам тавозеъ илан келди, нима хоҳлайсиз, деб. Камина томоша қилмоққа келдим, деб жавоб бердим. Бул ҳам одам юборди. Мошина бирлан ҳамма ошиёнларига чиқиб, бир-бир томоша қилдим, ҳамма нарсаларини кўрсатди. Андин тушуб, 2 нчи магазинга кирмак бўлдим. 2 нчи магазинга чиқдук. Бир ажойиб. Сўрадим: “Қанча одамингиз бор?”—деб. “4500 нафар одам бор, ҳаммамиз аксар кунларда бир-бир ярим миллион савдо қилиб турамыз”,—деб айтти. Ҳар ким мол олса, қўюб кетиб, мазкурларни ҳовлисиға аробалар билан элтиб берад экан. Фойдаларини сўрадим. “Ҳар йилда 8 миллион — 9 миллион фойда қиламыз”,—деб айтти. Шунча савдо, шу қадар ҳисобни бечўт паройиз ҳисоби билан қилладур. Яна сўрадим: “Бул магазинга неча киши шерикдур?”—деб. “Шерик йўқ, бир кишининг моли”,—деб жавоб берди. Бойлик ва ҳалим тавозеъ ҳам буларга хатм экан. Камина айттим: “Пули мундин ҳам кўпайсун, мани шунча ҳурмат қилдингизлар”,—деб амонлашиб, эшикка чиқиб қарасам, каминани кузатиб: “Бонжур, мисъе”,—деб узр айтиб турибдур. Агар бизларнинг кичкина дўконимизга мол олмайдурган одамлар келса, эъзоз қилмоқ ул тарафда турсун, мол олмас экан, деб юзига қарамайдурмиз. Булар тавозеъ илан, келган одам бўлса, кузатар экан ва бизлар аввалини ҳам, охирини ҳам ўйламаймиз. Бир нимарса олса бўладур, бўлмаса боқмаймиз. Бул ҳаммаси бетарбиятлик ва беилмлик ва ҳеч нарсани кўрмаганлигимиздиндур».

Йирик ўзбек савдогари бундан қарийб бир аср илгари ёзганларини ўқиганда беихтиёр ҳозирги кунларни, кўп ҳолларда харидор дилини сиёҳ қилиб юборалиган сотувчиларимизни хаёлга келтирасан киши. Тожимухаммад тужжорнинг гаплари гўё ҳозирги савдо ходимларига танбеҳ тарзида ёзилгандек туюлади. Дунёнинг юзлаб мамлакатлари ва халқлари билан бевосита алоқада бўладиган мустақил юртимиз фуқаролари учун ажо-

йиб савдогар бобомиз «Саёҳатнома»сида баён қилинган инсоний фазилатларни эгаллаш гоят зарур, деб ҳисоблаймиз. Муаллиф илм-фан, техника ривожи қандай мўъжизалар яратиш имконини беражагини ўз ҳамюртларига Париж мисолида, айниқса, яққол кўрсатади.

«Яна бир иморат қилибдурлар, ҳаммаси оташдин, яъни оловдин. Чунончи, томлари, устунлари ва панжаралари ва зиналари ҳаммаси оташдин. Ўзи икки қават иморат, бир таажжубдир. Ушал уйни сув ўртасига ясабдур. Электричество билан сув ўтга ва ўт сувга таъсир қилмай турадур. Умр ичида бир кўрадурган ажойибот нимарсадур. Ушал вистуфка ичида ҳар кеча беш миллион чироғ ёнадур. Хусусан, пантон, яъни фаввора суви гоҳи қизил, гоҳи сариг ва гоҳи кўк ва гоҳи пушти рангда тобиш қилиб, осмонга фаввора уруб чиқадур. Кечаларида извошиқ, дилижониси кўблигинин оташ аробаларини ерни таги билан беўт, электричество бирлан юргузубдур. Катта дарёларни тагидан иморат қилиб ўтубдур. Дарёни тагинин оташ ароба юргузубдур. Яна вистуфкада бир ажойиб иморат ясабдурлар, гўёки тилсимдек. Ичига одам кирса, қайси жойдин киргани маълум бўлмайдур ва қайси ердин чиқиб кетадурган жойи ҳам билинмайдур. Ичида боғ-бўстон, гул, булбул, тўти, ер, осмон, иморат, одам бор. Лекин мазкур одамлар бир-бири билан сўзлашмайдур, ҳаммаси ўз ишига машғулдур. Бир нимарса савол қилмак бўлсангиз, ишорат илан кўрсатадур. Таворихларда ҳаммоми хаёл деб ўқуган эдук. Гўёки ўшал ҳаммоми хаёл деб ўйласа бўладур. Қандай эканлиғига ақл етмайдур».

Савдо аҳли учун, бошқа мамлакатлар ва халқлар вакиллари билан алоқада бўладиган ҳар қандай касб эгаси учун хорижий тилларни билиш зарурлиги масаласи ҳам муаллиф эътиборини жалб этади. Шу муносабат билан ўз она тилидан ташқари рус тилини пухта билгани, француз тилида фикрларини ифодалай олгани ҳолда инглиз тилидан, шунингдек араб тилидан хабардор эмаслиги туфайли Лондонда ноқулай вазиятга тушиб қолгани баҳона бўлади-ю, у ерда рўй берган воқеани юртдошлари муҳокамаси учун ҳавола этиб, ҳақиқий зиёлининг хорижий тилларга муносабати, ҳаёт, инсонийлик фалсафаси хусусидаги фикрларини кенг баён этади:

«Фақир бир одамдин бир нимарса савол қилмоқ бўлдум, — деб ёзади муаллиф. — У каминага бир неча тавозеъ бирлан сўради: “Инглиз тилини билурмисиз” —



деб. Камина: “Йўқ” — дедим. “Бўлмаса, немисча биласизму?”—деди. “Йўқ, билмайман”, — деганимда, 10 ёки 12 тилни сўради. Ман: “Билмайман”,—деганимда, охири сўради: “Мусулмонмисиз?”—деб. Камина айтдим: “Алҳамдулиллоҳ мусулмонман”. Андин сўнг хурсанд бўлиб: “Арабча сўзлашадурман”,—деб арабча сўзлади. “Ло арабий”—дедим. Шунда билдимки, мусулмон бўлиб, ўз тилларимизни ўқумаган эканмиз. Мени тахминан 10 минут бошлаб олиб бориб, ўрусча тил биладурган одам топиб, камина бирла сўзлашиб, саволларимга жавоб бериб, яна каминадан узр сўради: “Сизга кўб ташвиш бердим, айбга буюрмайсиз”,—деб. Камина айттим: “Ман Сизга ташвиш бердим”,—десам, жавоби шул бўлдики: “Оламда яхшилик қолур, ёмонлик ҳар қандай одамдин топилур, хайр”,—деб жўнаб кетти. Каминана ўйлаб айттимки: Бул одамни мунча тавозеълари ҳамаси ўқувғанликдиндур ва агар бизни шаҳарларда бир одамдин бирор нимарса савол қилсалар: “Мани мунча тўхтатинг?” — деб ҳақорат қиладур. Бул ҳамаси беилм ва бетаълимликдиндур. Ва бизларнинг китобларимизда кўб жойларда тавозеъ хусусида ёзгандур. Ани ўқумайдурмиз ёки ўқусак ҳам амал қилмасмиз».

«Саёҳатнома» муаллифи кўпдан-кўп муҳим масалалар қаторида ўзининг савдо ишлари ҳам бошланиб кетганини айтиб: «Иншоаллоҳ, ямон бўлмаса керак»,—дейди. Чиндан ҳам унинг иши ҳайратомуз даражада авж олиб кетади ва ўз ҳамюртларининг бирортаси тижорат соҳасида эплай олмаган чўққиларни эгаллайди.

Тожимуҳаммад Исамуҳаммад ўғлининг Оврупо сафари ҳақида унинг газетада эълон қилинган кенг кўламли «Саёҳатнома»сидан ташқари яна бир неча қимматли ҳужжат сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Бунга биз у зоти шарифнинг ҳозирда 93 ёшда бўлган фарзанди Сайфулла ота билан бир неча бор қониқиб қилинган суҳбатлар асносида ишонч ҳосил этдик. Бир муҳим ҳужжат: Тожимуҳаммад тужжор Парижда истикомат қилиб турган кезларда, яъни 1900 йил 3 апрелда, Тошкентдаги қайнотаси Олимхон мударрисдан олган мактуб сақланиб қолган. Абулқосимхон мадрасасининг катта мударриси бўлган, тарих, адабиёт ва бошқа фанларга зўр меҳр қўйиб, бир неча асарлар яратганлиги учун эл орасида «мусанниф домла» деб ном чиқарган табаррук қайнота: «Баъдаз маълум бўлсунким, бир саҳифа бу дуоғўга юборган экансиз, тегди ва мазмуни ҳосил

бўлди. Ҳазрат Ҳақ Субҳонаҳу ва таолога Сизни топ-шурдук. Ўз фазли ва карами бирла тезроқ бу ерга ет-кургай, омин»,—деб ёзганига қараганда, мактуб куёв томонидан Париждан жўнатилган мактубга жавоб тариқасида битилган. «Эмдиликда сўз шулким, — деб мактубни давом эттиради покдомон падар, — бетаҳорат юрмагайсиз, намозларни тарк қилмагайсиз ва бу саловатни ҳар куни 313 марта ўқиғайсиз». Шундан сўнг ҳар куни 313 марта ўқиш тавсия этилган дуонинг матни берилади.

Қайнотанинг доно ўғитларига бекаму кўст амал қилган куёв-ўғил «Саёҳатнома»сида қайта-қайта Ҳақ таолога шукроналар айтиб, ахлоқий поклик масалаларига катта эътибор беради. Бир ўринда у: «Париж шаҳрида таажжублик ишлари кўб экан. Ҳар ким ҳар нимарса қилса, “Нима қиласан?” дейдурган одам йўқ», — дея қайд этганидан сўнг, ўз она юртидаги мустаҳкам ахлоқ, шарм-ҳаёни Париж билан қиёс қилиб ёзади: «Бизларни мамлакатларда шарм-ҳаё кўб ва бул тарафда бешарм, беҳаё ишлари кўб экан». Ана шу қиёснинг ўзи ҳам ислом фалсафаси руҳида тарбия топган ўзбек савдогарининг пок маънавий қиёфасини кўрсатиб туради. Қайнотадан олинган мактубнинг ҳошиясига Тожимуҳаммад тужжор:

Эшитдим қиблагоҳим рихлат этмиш дори дунёдин,  
Баним ҳам рихлатим лозим ўланди ушбу маъводин,—

деган байтни ҳам ёзиб қўйганлигини кўрдик. Маълум бўлишича, Тожимуҳаммад тужжор Оврупо сафарига жўнагач, 1900 йил март ойининг иккинчи ярмида падари бузруквори мулла Исамуҳаммад вафот этади ва қайнотаси унга ўша чексиз изтиробли хабарни маълум қилади. Бадий адабиётни, айниқса, шеъриятни севган, кўплаб эҳтиросли байтларни ёд олган вафодор фарзанд қалбини ўртаган оғир мотам хабарига муносабатини ўзи севган турк шоирларидан бирининг юқоридаги байти билан ифодалаган экан.

Тожимуҳаммад тужжорнинг Оврупо сафаридан сақланиб қолган иккинчи муҳим ҳужжат у киши ўша 1900 йили Париж суратхоналаридан бирида олдирган, худди кечагина олингандек яққол тасаввур қолдирадиган нодир суратдир.

Йирик ўзбек савдогарининг Оврупо сафари, айниқса, Париж халқаро кўргазмасида кенг кўламдаги тижорат ишлари билан шуғулланиб, Берлин, Лондон, Париж

сингари йирик савдо марказлари тажрибасини пухта ўрганиб қайтганлиги унинг кейинги бутун фаолияти жуда кенгайишига ёрдам беради.

Париждан ҳам тажриба, ҳам катта бойлик орттириб қайтган Тожимуҳаммад тужжор ўз она юртида савдо ишини ривожлантиргандан-ривожлантиради. Россиядаги катта фабрика эгаларидан газмол олиб, Тошкент ва унинг атрофидаги дўконларда сотиш энди уни қаноатлантирмайди. Оврупо мамлакатларида Туркистон осори атиқаларига қизиқиш, айниқса, зўр эканини билиб олган бу йирик мутахассис дастлаб Москвада (Сайфулло отанинг айтишларига қараганда), шундоққина Кремлнинг рўпарасида ўз савдо конторасини очиб, ўша ерлик татар савдогарлардан бирини иш юритувчи қилиб тайинлайди. Москвадан ташқари Петербург (Невский пассажи) да, Гельсингфорс (Хельсинки) да катта дўконлар очади.

Сотиладиган моллар турини туркман ва эрон гиламлари, мис ва сопол идиш-товоқлар, қадимий безакли қилич-қалқонлар, ов қуроллари, кўчма дала ипак чодирлари, археологик қазилмалар вақтида топилган олтин, кумуш, бронза, мис буюмлар ва осори атиқалар, шунингдек, нодир шарқ китоблари ҳисобига ниҳоятда кенгайтириб юборади. Тошкентдан ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларидан тажрибали тужжорларни — немис, француз, инглиз, араб, форс тилларини билладиган ёшларни танлаб, Оврупонинг ўша йирик шаҳарларидаги ўз дўконларида ишлаш учун юборади. Ўзининг ҳам асосий умри Москва, Петербург, Хельсинкида ўтади. Сайфулло отанинг айтишларига қараганда, Петербургдаги дўконга ўша ерда семинарияни тугатган акалари Файзулла бошчилик қилган. Зоҳир ака исмли адвокат Тожимуҳаммад тужжорнинг ишончли вакили сифатида иш юритган, Абдуфаттоҳ махсум, Эшонхўжа, Аббосхон исмли кишилар Петербургда, Фатхулла махсум, Олимжон, Зухриддин, Ҳасан исмли кишилар эса Хельсинкида Тожимуҳаммад тужжорнинг дўконларида савдо-сотиқ ишларини юргизиб турганлар.

Петербургга турли мусулмон мамлакатларидан ҳам иш юзасидан борувчилар кўплигини, уларнинг халқумини ҳалол тутиш катта савоб эканини яхши англаган Тожимуҳаммад тужжор пойтахтда саноат моллари дўконидан ташқари Шарқ таомлари ошхонаси ҳам ташкил эттирган. Фақат мусулмон мамлакатларидан борган кишиларгина эмас, балки шаҳарнинг энг казо-казолари

ҳам ҳалоллик, поклик рамзи бўлган бу ошхонада гуж-фон ўйнаган эканлар.

Туркистондан бирор юмуш билан ёки саёҳат учун Петербургга борган кишилар ҳар кунги Тожимуҳаммад тужжорнинг дўкони, ошхонаси ёки уйида бўлганлар. Масалан, машҳур ўзбек маърифатпарвари Камолиддин (Сайид Камолхон) домла Қаҳҳоров Петербург тижорат академиясига форс тили ўқитувчиси лавозимига таклиф этилиб, пойтахтга борар экан, дастлаб худди Тожимуҳаммад тужжорни излаб топганлиги ва мусофирликдан ундан ҳамниша кўмак олиб турганлиги матбуот саҳифаларида нақшланиб қолган. У 1914 йил 12 январда Петроградга етиб бориб, барча юкларини вокзалда қолдирганлигини айтгач, бундай деб ёзди:

«Аробада илк ҳурматлик Тошканд тужжорларидин Тожи Исамуҳаммад ўғлининг қўшхонасига (қўниш жойи демоқчи — Ш. Ю.) боруб туштум. Соат 8 эди. Оғайни азизим мулла Тожи акам қўлумга ёзуб берган қоғозларига қараб 30 инчи рақамли ҳовли, 34 инчи номерлик хонага келиб тўхтадим ва ҳам чақирдим. Ўз мактабларимиздаги ўқуган тошкандлик болалардин Нўъмонхўжа ва Собиржонлар қаршулаб олдилар. Меҳмону мезбонлик тартиблари бажо эди. Шу аснода ташқаридан 3—4 нафар татар қардошлардан Давлатшоҳ, Абдулла Шоший, Муҳаммад исмли ёш-ёш йигитлар кириб келдилар, сарт таомилича қўл беруб, одоб ила кўрушуб ўтурдилар... 10 дақиқа чой ила фурсат ўтди. Қўнғироқ чалинди, эшик очилди. Ташқаридин бир зот келуб кирди. Тошкандда ҳамсуҳбат бўлмагим важҳатларидин жаноб кироми Муҳаммад Зоҳир эканликларини билдим, танидим. Туруб Тошканд одатича кўрушдим. Исамуҳаммадунинг Форинш ва Петрограддаги тижоратларига бу зотни мудирлигини эшитур эрдим. Утурдук, сўрашдук, саволларга жавоб бериб, Тошканд ҳадисларидан яхшигина суҳбат қилишиб ўтурдук. 1913 йилги қози сайловларидин, эски ва янги бўлган ва бўлуб ўтган қозилардин ва элликбошиларни виждонларидин ва инсофларидин баён қилғонимда Ҳасан тужжор очиқ юзлик ила эшитур эдилар».

Таниқли ўзбек маърифатпарвари «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1914 йил 16 декабрдаги 81-сонидан берган бу маълумот ундан беҳабар ҳолда Сайфулла ота берган маълумотни тўлдиради. Чунки Невский пассажидаги Тожимуҳаммад тужжор дўконида Сайфулло ота айтган Зоҳир ака, Абдуфаттоҳ махсум, Эшонхўжа,

Аббосхондан ташқари Нуъмонхўжа, Собиржон ва Ҳасан деган кишилар ҳам хизмат қилганлари маълум бўлади.

Тожимуҳаммад тужжорнинг кейинги тақдирига келсак, у киши 1914 йилдан кейин то Октябрь тўнтаришига қадар Москва, Петроград, Хельсинки, Париж, ундан ташқари Тошкент, Андижон, Авлиёота каби шаҳарлардаги ўз дўконларини бошқариб турган. Октябрь тўнтаришидан кейинги бошбошдоқликлар уни Москва ҳамда Петрограддаги бутун мол-ҳолини ташлаб Тошкентга қочиб келишга мажбур этади. Финляндиядаги беш гумаштадан фақат Олимжонгина қайтиб келади, тез орада Хельсинки билан алоқалар ҳам бутунлай узилади. Тошкент, Андижон, Авлиёотадаги дўконлар мол-мулки билан мусодара этилади. Тошкентнинг Ўрда мавзеидаги (кейинчалик Қишлоқ хўжалиги вазирлиги биноси тушган ердаги) ҳашаматли ичкари-ташқари ҳовлисида уни 1922 йилда ЧК бутун оиласи билан ҳайдаб чиқаради.

1925 йил ёзига келиб, хусусий савдо-сотиқ ишларига озроқ имкон берилгач, Петрограддаги дўкон ва мулкларидан хабар олиш учун йигит ўғли Сайфулло билан биргаликда у ерга боради. Ҳамма нарса талон-торож бўлиб кетган, дўкон ва ошхона биноси зўравон шўро ташкилотлари қўлига ўтган эди. Ота-болани Петроград кўчаларидан бирида Сигбатулла деган татар йигити учратиб қолади. У Октябрь тўнтаришидан аввал Тожимуҳаммад тужжорда кучерлик қилган эди. Сигбатулла ўз жўмард соҳибидан кўрган яхшиликлар эвазига ўн беш кун мобайнида шаҳар яқинидаги Лигва деган ерда жойлашган уйида энг азиз меҳмон сифатида сийлаб, кўпданкўп совға-саломлар билан Тошкентга жўнатади. Уша сафардан сўнг Тожимуҳаммад тужжор тезда касалга чалинади ва 1925 йил 7 декабрда 64 ёшида ота ҳовлисида вафот этади.

Юксак ақл-идрок, билимдонлик ва зўр куч-ғайрат талаб этадиган савдогарлик касбини танлаб ўз халқи шон-шуҳратини узоқ-узоқ ўлкаларга ёйган бу ака-ука тужжорларни ўйлаганда, улар республикамиз мустақилликка эришган, ҳақиқий ишбилармонларга эҳтиёж тобора ортаётган ҳозирги кунларда фаолият кўрсатсалар, эл-юртга қанчалар фойда келтиришлари мумкинлигини ўйлаб қоласан киши. Ишбилармонлар, савдо аҳли, зиёлилар уларнинг ажойиб ишларидан ибрат олсалар арзийди.

## МУСТАҚИЛЛИК ВА МЕРОС

Ўзбекистон халқлари ҳаётида XX асрнинг энг буюк тарихий воқеаси шу йилнинг 31 августида рўй берди, десак муболаға бўлмас. Зотан, мустақил, тенг ҳуқуқли деган қалбга яқин ибораларни Октябрь тўнтарыши кунларида ҳам, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деган ном дастак қилинган пайтларда ҳам, жаҳонга кўз-кўз қилиб — Сталин конституцияси қабул қилинганида ҳам, ундан кейин яна қайта-қайта эшитган эдик. Бироқ бу қалбга яқин иборалар рамзий маъно касб этишдан нарига ўтмаган, тоталитар тузум айшини суриб, демократия топталаверган эди.

Барча «изм»лардан халос этилиб, Ўзбекистон Республикаси деган оддийгина халқона ном олган юрти-мизда мустақиллик эълон қилинган ҳозирги вазият демократик кучлар бутун мамлакат ҳаётида ҳал этувчи мавқега эга бўлган алоҳида вазиятдир.

Одатда энг катта ютуқлар сарҳисоб қилинган пайтларда деярли ҳамиша ўтмишга назар ташланади, ғалабага олиб келган йўлдаги нохушликлар, машаққатлар, қурбонлар ёдга олинади. Бундоқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, марказ фатвоси билан амалга оширилган тазйиқ, зўравонлик сиёсати кундалик ҳаётимизда оддий ҳодисалар саналиб келган кўп ўн йилликлар мобайнида эркин фикр, бутун халқ манфаатини ифодалайдиган фикр ошкора кишанлаб қўйилди, ҳамма масалада диктатура байроғини маҳкам тутганларнинг қош-қовоғига, имо-ишорасига қараб иш тутишга мажбур бўлдик. Ҳақиқатни айтишдан бўлак айби бўлмаган «мустақил республика» кишилари жисмонан маҳв этдилар, жуда илтифот қилинган ҳолларда марказдан туриб танобини тортиб қўйдилар.

Буюк ҳукмдор ва лашкарбошилиқдан ташқари ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда «бир яхши байт ўқуғони юз яхши байт айтқонча бор» бўлган тенгсиз истеъдод соҳиби Амир Темур ҳақидаги мавжуд тарихий фактларнингна териб-териб айтишга журъат этган забардаст олим Иброҳим Мўминовнинг бошига тушган

катта кулфатлар, у зот ажалидан бурун ўлишга маҳкум этилганлиги кўпчилик зиёлиларга маълум.

Шу ўринда, масаладан бир оз четга чиқиб бўлса ҳам, айтмоқчимизки, халқ катта имтиҳонларга дуч келган даврларда унинг йўлига ғов ташлашга, шундай тубан усул билан ўзининг ўнгламайдиган ишларини ўнглаб олишга, атрофдагиларга қутқу солиб «обрўдор» бўлишга интилувчи бир тўда пасткаш одамлар ўша халқнинг ичидан чиқиши табиатнинг номард қонунияти, оташзабон Фурқат доғ бўлиб айтганидек «чархи кажрафторнинг бир шеваси» бўлиб қолмоқда.

И. Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги мўъжазгина рисоласини тарихимизни чуқур ва атрофлича биладиган, қилни қирққа ёрадиган ўз олимларимиз муҳокамасига қўйишга юрак бетламаган ўшандай чала муллалар бу мавзудан ўзлари сингари беҳабар марказдаги найзабозлар ҳузурига бордилар. Марказий ойнамаларда эълон қилинган ғайри-илмий материаллар улкан ўзбек олимнинг тақдирида катта фожиага сабаб бўлди.

Бундан 18—19 йил илгари «Ўзбекистон маданияти» газетасида ҳозирги ўзбек насри муаммолари хусусида бошланган мунозара Абдулла Қодирийнинг романлари социалистик реализм методи намуналарими ёки танқидий реализм методига мансубми, деган машмашага айланиб кетган эди. Бундан мақсад шу эдики, агар Қодирий социалистик реализм методига асосланиб иш тутган бўлса, меҳнаткаш халқ манфаатини дуруст акс эттирган катта санъаткор, агар танқидий реализм методи даражасида қолган бўлса, қуйроқ, иккинчи нав қаламкаш бўлади. Социалистик реализмнинг бош принципи синфийлик, партиявийликни байроқ қилиб, бир ярим-икки йил мобайнида олиб борилган бу асоссиз мунозара натижасиз тугади. Абдулла Қодирий асарлари эса барча «изм»лардан юқори турувчи, халқнинг барча қатламларига бир хилда ихлос билан хизмат қилувчи ноёб мерос сифатида замон синовларидан шараф билан ўтиб, шуҳрат устига шуҳрат топмоқда.

Дарвоқе, меросимиз, минг йиллик бой тарихга эга маданий меросимиз хусусида. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Ҳувайдо, Ҳазиний, Сарёмий сингари азамат шоирлар диний мавзуларда ҳам асарлар ёзганликлари, шу асарлари орқали кишиларни ҳалоллик, инсоф ва адолатга даъват этганликлари учунгина улар ижоди бутунисича халқ манфаатларига зид деб эълон

қилинган, бу диний шоирлар билан уларга замондош ижодкорлар ўртасида сунъий равишда Хитой девори ўрнатилган, улар барча адабиёт дастурлари ва дарсликлардан чиқариб ташланган, мабодо йўл-йўлакай эслаб ўтилса ҳам, дунёвий адабиётнинг, демократик-маърифатпарварлик адабиётининг ёвуз душманлари деган хунук тамга остидагина эсланар эди.

Ваҳоланки, бир томондан, диний мавзуларда кўркам асарлар яратган бу ижодкорлар дунёвий мавзуларда ҳам ундан кам бўлмаган эҳтиросли асарлар битган, иккинчи томондан эса, уларга сунъий равишда қарама-қарши қўйилган ва фақат дунёвий адабиёт, демократик адабиёт намояндалари сифатида ўқувчиларга тақдим этилган қалам соҳиблари ҳам диний мавзуларда таъсирчан бадиалар қолдирган эдилар.

Чунончи Фурқат ўз «Аҳволот»ида Қўқон адабий муҳитида кечган ажойиб дамларни эслар экан: «...замон шуаролариким, чунончи, мавлоно Муҳйи ва мавлоно Муқимий ва мавлоно Завқий ва мавлоно Нисбатдурлар, ҳамини мажлис бунёд айлаб зодаи табълариниздин мушоира қилар эрдук... Гоҳо ҳамд гулшанидин гул узуб, гоҳи наът нахлистонидин самарчин бўлур эрдук», — деб ёзгани маълум. Худога шукрона ва миннатдорлик туйғуларидан иборат ҳамдларни ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг сифатларини васф этувчи наътларни фақат юқорида номлари зикр этилган аллома шоирларгина эмас, балки янги давр адабиётимиз сарчашмаларида турган Ҳамза Ҳакимзода ҳам кўплаб яратгани энди кўпчиликка маълум.

Қатагон даврининг ўтмиш маданий меросга муносабат соҳасида қолдирган яна бир оғир асорати шундаки, халқимизнинг ажойиб мероси кўп ҳолларда бир томонлама баҳоланди, бири иккинчисининг давоми бўлган, бир-бирини тўлдирган оқимлар марказ юргизган сиёсатга мослаб, сунъий равишда бир-бирига қарши қўйилди. XX аср бошларида янгича йўналишдаги маърифатпарварлик билан ёнма-ён, ягона мақсадни кўзлаб иш тутган жадидчилик муносабатларини баҳолашда шундай ҳолат яққол кўзга ташланди. Кўпгина номдор олимларнинг тадқиқотларида бу икки йўналишдаги зиёлиларнинг фаолияти ғайриилмий тарзда, кўплаб ҳаётий ва фактик ҳужжатларни назар-писанд қилмаган ҳолда бир-бирини инкор этувчи ҳодисалар сифатида тасвирланди.

Бу эса ўн йиллар мобайнида кишиларни чалғитиш-



га, кўпдан-кўп чалкашликларга олиб келди. Чунончи, XIX асрнинг 80-йилларида шаклланган ўзбек маърифатпарварларининг аксар қисми 1900-йиллардан бошлаб жадидлар билан ёнма-ён туриб янги усул мактабларида, жадид даврий матбуотида фаоллик кўрсатди, жадидлар билан биргаликда чоризмнинг таъқиб ва тазйиқларига дуч келдилар. Сайидрасул Сайидазизов, Камолхон Қаҳҳоров, Эшонхўжа Маҳмудхўжаев ва бошқалар бунга мисол бўла олади. Фурқатнинг энг қадрдон дўстларидан бўлмиш Фансурулло Худоёрхонов жадидчиликнинг йирик вакили Мунавварқори Абдурашидхонов билан биргаликда «Хуршид», «Осиё» рўзномаларини ташкил этиб, халқни маърифатли қилиш учун қизгин кураш олиб бордилар.

Фурқатнинг ўзига келсак, жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспрати Боқчасаройда ўзи муҳаррирлик қилган «Таржумон» газетасида ҳам шонор барҳаётлик йилларидаёқ унинг Ёркентдаги маърифатпарварлик фаолияти ҳақида материаллар эълон қилдирган. Абдулла Авлоний ўнинчи йиллар ўрталарида «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўпламларида Фурқат асарларини ўқувчиларга тақдим этди. Ҳамза Ҳакимзода Фурқатнинг бир неча ғазал ва мухаммасларига татбулар қилишдан ташқари машҳур «Сайдинг қўябер, сайёд...» мусаддасига куй басталаб, улкан маърифатпарвар устозига алоҳида эҳтиром кўрсатди.

Юқорида келтирилган ва бошқа кўпгина ҳужжатлар Туркистон жадидлари халқни илм-фан нурларидан баҳраманд этиш йўлидаги курашларида XIX аср охири ва XX аср бошларидаги ўзбек маърифатпарварларининг меросидан баракали фойдаланганликларини кўрсатади. Бу ҳол тадқиқотчиларимиз зиммасига жадидчилик ва маърифатпарварлик ўртасидаги ана шу муҳим алоқаларни баралла кўрсатиб беришдек йирик вазифани юклайди.

Октябрь тўнтаришидан кейинги кўп ўн йилликлар мобайнида ҳам, ҳатто, қайта қуриш йилларида ҳам халқимизнинг тарихий ўтмишига, маданий меросга тор синфий нуқтан назардан қараш кўпдан-кўп зарар келтирди. Чунончи, 1898 йилги Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йилги Мардикорлар қўзғолони ва бошқалар қатағон даври талабларидан келиб чиқиб халқнинг миллий озодлик кураши эмас, деб баҳоланди. Бу қўзғолонлар халқнинг миллий ўз-ўзини англашида муҳим аҳамият касб этганлиги инкор қилинди.

Ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, мустақиллик ҳақидаги оқилона фармонларнинг ўзи билан эркимиз, тенглар орасида тенглигимиз ўз-ўзидан қўлга кирмаслиги турган гап. Ҳақиқий Мустақиллик, озодлик халққа кимлар томонидандир совға қилиб бериладиган нарсалар эмас. Уларни узоқ вақт давом этадиган катта курашлар натижасидагина қўлга киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинганидан сўнг фидойи зиёлиларимиздан бири: «Биламан, иғволар бўлади, фитналар уюштирилади. Лекин биз бир тан, бир жон бўлсак, машаққатлар писанд эмас»,—деб куйиниб ёзса, бошқа бир шундай зиёли: «Халқ, фақат халқнинг ўзигина ўзини қутқариши мумкин»,—деган бирдан-бир, тўғри мулоҳазага келади.

Қайта қуриш йилларида чинакам демократиянинг мағзини чақа бошлаган халқ шундай собит йўл тутиши керакки, ичимиздан чиққан илонлар соғлом, пок жамият орасида ўзларини боши янчилгандек сезишлари, инсоф ва адолатга, халқнинг мислсиз қудратига қарши бориш ўз бошларига қандай фожиялар келтиришини аввалдан кўриб турадиган бўлишлари керак.

Яна бир мулоҳаза. Ўзбекистон Республикасимизнинг мустақиллиги ҳозирда сиёсат, иқтисод, маданият соҳасида фаол ишлаб турган фидойи кишилар ғайрат-шижояти билан эълон қилинди. Лекин бу ниҳоятда улуғ ишда янгидан-янги марраларни эгаллаш яқинда қизгин фаолият майдонига кириб келадиган ёшларнинг зиммасига тушади. Шу ваддан бутун жаҳон кўламида фикрлайдиган, халқ орзулари байроғини баланд кўтариб борадиган энг билимдон, энг фидойи, энг истеъдодли ёшларни келажакдаги улкан вазифаларга муносиб қилиб тайёрлаш, айниқса, муҳимдир. Кейинги пайтларда маҳаллий ёшларни илм-фан, маданият, техника юқори даражада ривожланган мамлакатларга ўқишга, тажриба ўрганишга юбориш иши Ўзбекистонда анча жонланиб қолганлиги яхши умидлар туғдирмоқда. Ёшларнинг ўзларига келсак, улар бу йўлда машаққатлардан чўчимасликлари, айниқса, хорижий тилларни пухта ўрганиш соҳасида фидойилик кўрсатишлари зарур. Шундагина ўлкамиз мустақиллигини билимдонлик билан амалга ошириш, халқимизнинг энг катта орзусига эришиш осонроқ бўлади.

## ЗИЁЛИ САВДОГАРЛАР

### САВДОГАР ВА ЗИЁЛИ — ЭГИЗАК

Бозор расталари ва саройларини емак ва либосларга, анвойи мато ва бўлак ажносларга тўлдириб, юрт фаровонлигига бебаҳо ҳисса қўшадиган асл савдогарлар барча замонларда халқнинг ардоғида бўлганлар. Падари бузрукворим Муҳаммад Юсуф Нурмуҳаммад ўғлининг (Худованди карим у кишидан рози бўлсин) асосий умргузаронликлари савдо-сотик билан Тошканди муаззамнинг машҳур Тери саройида ўтган. Раҳматлик отам ҳамиша бизга: «Савдогарчилик — хунарларнинг гули. Ундан ҳаммага фақат наф етади. Савдогарда инсофу ақл, Тангри ато қилган ғайрат-шижоат бўлса, олам гулистон»,—дегучи эдилар.

Ўтмишимизга назар ташласак, ўша замонларнинг тижорат аҳлида ҳозир савдо ходимлари деб аталаётган касб эгаларида кам учрайдиган олижаноб фазилатларни кўрамиз. Гап шундаки, олдингилар махсус савдо мактабларини тугатмаган бўлсалар ҳам, кўп ҳолларда одамийлик академиясини ўтаб, одоб ва ҳаёда, бошқалар ҳурматини бажо келтиришда, ҳатто, ўзлари яшаб турган давр талаби даражасида илм-фанни эгаллашда атрофдагиларга ибрат кўрсатганлар. «Юрган — дарё, ўтирган — бўйра». Ажиб халқ мақолида айтилганидек, бобокалонларимиз бўлмиш зукко савдогарларнинг турли мамлакатларга тез-тез қатнаб туришлари, ўзга юртларда дўконлар очиб, ўн йиллаб қолиб кетишлари уларнинг фикрлаш ва маданий савия, бошқа халқлар тилларини билиш жиҳатидан замонанинг фозил кишилари даражасига кўтарилишларини тақозо этган ва шунга эриша олган тожирларгина ўз касбларида кенг доврۇқ қозонганлар, ўзбек савдогарлари деган ном қитъаларда ҳурмат билан тилга олинishiга эришганлар.

Қадимда савдогар ибораси кўп ҳолларда зиёли ибораси билан ёнма-ён турганлиги ибратлидир. Зотан, илм-фан, маданият, адабиёт-санъат соҳасида авлодларнинг фаҳри бўлган буюк сиймоларнинг қайси бирини олиб кўрмайлик, ё савдогар онласидан чиққаңлар,

ўзлари ҳам тижорат билан шуғулланганлар, ёки бўл-  
маса, кўпдан-кўп савдогар дўстлар, жўралар даврасида  
ҳаётларини хуш кечирганлар. Масалан, миллий уйғо-  
ниш даври ижодкорларини олсак, Убайдулло Солиҳ  
ўгли Завқий ўн йиллар давомида Қўқон бозорида  
раста оқсоқоли бўлган, Мулла Қўшоқ Мискиннинг  
Тошкентда, Баландмасжид маҳалласида савдо дўкони  
бўлганлиги маълум, Зокиржон Фурқат Қўқонда, Эски  
ва Янги Марғилонда, Ёркентда дўконлар очиб тижорат  
ишлари билан бевосита шуғулланганлиги ҳақида илм-  
да кўпгина ҳужжатлар мавжуд.

Ундан ташқари Фурқатнинг олим, санъаткор, ҳу-  
нарманд дўстларидан кўра савдогар ошнолари алла-  
қанча кўп бўлганлигини буюк маърифатпарвар бизга  
қолдирган бой мероси тасдиқлайди. Чунончи, у Янги  
Марғилонга тоғаси Раҳматуллонинг илтимоси билан  
борганлигини айтиб, «Янги Марғилон шаҳрида... бир  
мунча замон анинг (яъни тоғаси Раҳматулло — Ш. Ю.)  
бирла дўконда савдо айлаб, баъдазон ўзумга махсус  
бир дўкон қилдим. Икки-уч йил савдо қилиб, бирмунча  
дунё маҳсулим ўлди», дея келгуси авлодлар учун қизи-  
қарли маълумотларни «Туркистон вилоятининг газети»  
да муҳрлаб қолдирган (1891 йил 13 апрель).

Фурқат ўзи «Аҳволот» деб атаган машҳур насрий  
асарида Эски Марғилонга жўнаши билан боғлиқ  
воқеалар ва у ердаги тожирлик фаолияти хусусида  
ҳам шавқ-завқ билан ёзади: «Эски Марғилон шаҳрида  
Муҳаммад Шариф ном бир савдогар дўстум бор эди.  
Расо таъб ва жувонмард киши эрди. Менинг талабим-  
да кўп маваддату муз номалар ирсол айлади. Ул нома-  
ларда саропо орзу ва иштиёқ иборатларини муболиға  
қилди. Охируламр Марғилон шаҳрига ирода айлаб,  
анинг суҳбатиға мушарраф бўлдум... Алғараз ул савдо-  
гар дўстум имтидоди бирла чой ва дигар ашёлар сав-  
досиға дўкон очтим... Рўзона савдога мутарассид ўлуб,  
шабона... ҳужрада китоб ва қоғазга машғул ўлдум».  
«Аҳволот» матнидан шоирнинг «Тошканди муаззамға  
мутаважжиҳ бўлиши ҳам савдогар-табиб дўсти Ҳожини  
Аъзамнинг илтимоси туфайли амалга ошганлиги, йўл-  
йўлакай Хўжандда бир неча ой туриб қолиши ҳам  
Мирза Насрулло исмли савдогар дўстини кўз қийма-  
ганлиги натижасида рўй берганлиги маълум бўлади.

## ШЕЪР ВА ТИЖОРАТ ХАЁЛИ

Ўз она юртидагина эмас, балки буюк шоир ҳаёти-нинг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этган гурбатдаги фаолиятида ҳам Фурқат кўпдан-кўп савдо-гар дўстлар орттирганлиги, улар билан дили дилига пайванд бўлиб, ватанжудолик изтиробларидан баъзи-баъзида таскин топганлигини кўрсатувчи ҳужжатлар кўплаб сақланиб қолган. Шоир чет элга жўнаб кетар экан, Самарқандга йўли тушиб ўз даврининг машҳур савдо-гар зиёлиси, археолог олми Мирзо Бухорий ҳовлисида бир неча ҳафта истиқомат қилади ва шундан фойда-ланиб, дўстининг савдо ва илм-фан соҳасидаги ибрат-ли фаолияти хусусида икки зўр материал тайёрлаб, «Туркистон вилоятининг газети»да 1891 йил ёз ойла-рида чоп эттиради.

Фурқат хорижий мамлакатларни кезар экан, Бом-байда асли кўқонлик савдогар Ҳожи Аҳмаджоннинг уйида истиқомат қилаётганини, Ёркентда ҳам кўқон-лик савдогарлардан Комилжонбой билан дўст тутин-ганини, яна ўзига ҳамшаҳар савдогар Муҳаммад Умар-бойнинг ўғли Зайнул Обидхонга ва «дигар савдогар-ларнинг ўғилларига» хуснихатдан таълим бераётганини газета орқали ўз юртдошларига маълум қилади.

Ёркентда кечирган ўн олти йиллик ҳаёти давомида Фурқат она юрти билан Шарқий Туркистон ўртасида савдо-сотик алоқаларни мустаҳкам йўлга кўйилиши ҳақида ҳам тинмай қайғуради. Чунончи, «Туркистон вилоятининг газети»да қисқартириб чоп этилган катта бир мақоласида у, туркистонлик тужжор аҳли Шарқий Туркистонга қандай моллар олиб бориб, савдо қилишлар-ни кўпроқ манфаатли эканини айтиб, ўша молу аж-носларнинг узун бир рўйхатини юборади.

Шу тариқа Фурқат газета муҳаррири илтимосига кўра мақола тайёрлаб юборар экан, ўз ҳамюртлари бўлмиш савдогарларга Шарқий Туркистондаги тижорат имкониятларни хусусида кенг ва аниқ маълумот бера-ди, уларни ҳар тарафлама фойдали ишга жалб этмоқ-чи бўлади. Бундан ташқари Фурқат Қарғалиқ шаҳрига бориб бир неча йил савдо билан шуғулланганлиги, кейин Ёркентга қайтиб келиб, дори-дармонлар савдоси учун растада дўкон очганлиги ҳақида ҳам қизиқарли маълумотларга эгамиз. Ёркентда тижорат аҳлидан кўп-лаб самимий дўстлар орттирган Фурқат она юртидан

у шаҳарга борган ҳар бир савдогарни, албатта, излаб топар, ҳовлисига олиб бориб бир неча кунлаб меҳмон қилар, ватани, дўстлари, оиласи, қариндош-уруғлари билан айни савдогарлар орқали алоқа боғлар эди. Бир куни Фурқат Еркент бозорида марғилонлик савдогар Мирзо Аҳмадни учратиб қолиб, узоқ вақт меҳмоннавозлик кўрсатганлиги, юртидаги шоир, олим ва савдогар дўстларидан олти кишига, жумладан, Муқимий, Тошболту, Ҳавоий-Умидий ҳамда Муҳаммад Шарифга алоҳида-алоҳида шеърини мактублар йўллаганлиги маълум.

Фурқатнинг салом йўллаган шеърини мактублари орасида 1891 йил куз ойларида Истанбулдан Тошкентга жўнатилган ва ҳозир «Сабоға хитоб» деб номланган ёриқ асар айрича аҳамиятга эгадир. Унда хос саломлар йўлланган табаррук зотлар орасида шоирнинг устози Эшонхўжа мударрис ҳам, ҳаммадреса дўстлари Жамолхон ва Убайдулло маҳдум, Хонхўжа Эшон ҳам, «фатвосидан жаҳонга зиё солган» Хўжахон муфти ҳам, шаҳзода Фансуруллобеғу чойхоначи Отахўжа ҳам, ёриқ пудратчи Маҳмудхўжа ҳам, Аҳмадхўжа юзбошию чевар Муслимжон ҳам, ичида гап ётмайдиган Авлиёхўжаю ўз даврининг забардаст хонандалари Мирзо Қўсим ва Фарзича ҳам бор. Лекин бу «такмили пайғом»га муносиб кўрилганларнинг кўпчилиги, яъни йигирма саккизтадан ўн бештаси ўз даврининг ор-номуси, виждони бўлмиш покдомон савдогарлар эканлиги алоҳида эътиборга лойиқ.

1975 йил эди. Азамат шоирнинг бир жилдлик «Танланган асарлар»и Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этиладиган бўлди. Фалакнинг гардиши билан бу китобга тақриз ёзишни «Шарқ юлдузи» журнали таҳририяти каминага топширди. Тақриз баҳонасида китобдаги асарларни қайтадан мутолаа қиларканман, «Сабоға хитоб» матнига келганда ўта иштиёқли ва ўша давр нуқтан назаридан анча хавотирли бир ният туғилди. Бу «Сабоға хитоб» да ҳар бирига хос салом йўлланган Фурқат дўстларининг кимлигини, касб-корини, манзилгоҳини, феъл-атворини, улардан ҳар бирининг буюк шоир билан яқинлашувига боис бўлган хусусиятларини аниқлаш ва бу ҳақда ўша давр ўқувчиларига маълумот бериш нияти эди.

Шу давр адабиётининг энг ёриқ билимдони, усто-

зим профессор Фулом Каримовга қўрқа-писа маслаҳат солдим. Домлам узоқ хаёлга чўмгач: «Мен ҳам шу хусусда ўйлаб кўрганман, лекин ўз тадқиқотларимда «Сабога хитоб»даги уч шахс ҳақида йўл-йўлакай фикр билдириш билан чекланганман. Аслида уларни пухта ўрганиш, ҳозирги тақриз учун бўлмаса ҳам келажак учун тадқиқ этиш зарур. Чунки уларнинг ҳар бири ақлли, маърифатли, адабиёт-санъатга ихлос қўйган одамлар сифатида халқимиз учун азиз-ку»,—дедилар.

Шу гаплардан сўнг дарҳол шитоб билан ишга киришдим. Дастлабки суҳбатларданоқ анча янги нарсалар маълум бўлишидан ташқари табаррук отахонларнинг ҳар бири мен мурожаат этишим зарур бўлган янги-янги номларни маълум қилишар, йўл кўрсатишар эди. Шу тариқа «Сабога хитоб»даги Фурқат дўстларини аниқлаш ва ўрганиш авж олиб кетди.

Шу орада «Танланган асарлар» ҳақидаги тақриз ҳам тайёр бўлиб, «Шарқ юлдузи»нинг 1976 йилги 4-сонида «Янги учрашув» номи билан чоп этилди. Тақризда ҳали Фурқатнинг тошкентлик дўстлари ҳақида тугал маълумот беришнинг имкони бўлмаганидан бу иш яқин орадаги энг муҳим вазифалар эканлигини айтиш билан чекланилган эди.

Жумладан, бундай дейилган эди: «Фурқатнинг ҳаммаслак, ҳамфикр дўстлари кимлар эканини, улардан ўзбек халқининг тарихи, фани ва маданияти учун нималар қолганлигини аниқлашда шоир чет элдан йўллаган шеърий мактубларидаги, хусусан, «Сабога, хитоб»даги номи тилга олинган кишилар кимлар эканини, уларнинг ўз давридаги илм-ҳунар, санъат ва адабиётда тутган мавқеини аниқлаш гоят зарурдир. Бу иш билан бундан 25—30 йил олдин шуғулланилса, шоир билан ҳамхона, ҳамсуҳбат, ҳамдарад бўлган кишиларнинг баъзилари билан шахсан учрашиш, улардан кўп нарсаларни билиб олиб, кейинги авлодларга қолдириш мумкин бўлар эди. Лекин ҳозир ҳам ғанимат. Чунки Фурқатнинг ўша дўстларини кўрган, улардан шоир ҳақида кўп нарса эшитган қариялар ҳозир ҳам топиллади. Бордию бу зарур ишга ҳозирроқ киришилмаса, яна 10—15 йилдан сўнг Фурқатнинг ўша дўстлари ҳақида илм учун фойдали маълумотларни топишнинг, умуман, имконияти бўлмай қолади».

Орадан икки йил ўтгач, 1978 йилда «Гулистон» журнали ўзининг 7—8 сонларида «Фурбатда Фурқат»

деб аталувчи тадқиқотимни тўла эълон қилди. Уша тадқиқотда шоирнинг тошкентлик бир неча дўстлари, жумладан, Ҳожи Аъзам, Мирмақсуд оқсоқол, Абдул Азизхон сингари савдогар дўстлари хусусида дастлабки маълумотларни беришга муваффақ бўлинди. Ундан кейин 1984 йилда чоп этилган «Фурқат йўлларида» китобимизда Юсуф бойвачча, Мирзахалил, Қори Сиддиқ, Валиқожи, Ёқубқожи, Мирзақошим каби савдогар дўстлари борасида бир мунча маълумот берилган бўлса-да, у вақтларда тижорат аҳлининг яхши фазилатларини васф этиб қалам сурадиган замонлар эмасди. Шу важдан Фурқатнинг Тошкентда кечган қизгин фаолиятида муҳим аҳамият касб этган савдогар дўстларига доир ҳужжат ва маълумотларнинг аксар қисми ўқувчиларга етказилмай қолиб кетди.

Республикамиз мустақилликка эришиб, ўтмишдаги кадриятларимиз ўз муносиб баҳосини олаётган ҳозирги шароитда юртимиз, халқимиз шон-шуҳратини нузоқ-узоқ мамлакатларга ёйган, эл фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган савдогар боболаримиз бизга мерос қолдирган ажойиб ибрат намуналарини ёшлар, албатта, билиши ва улардан ёрқин истиқболни яқинлаштириш йўлида кенг фойдаланиши зарур деб ҳисоблаймиз.

### ЯХШИДАН ҚОЛГАН БОҒ

«Сабоға хитоб»да Фурқат савдогар дўстлари орасидан Мирзо Абдуллабой Исомухаммад ўғлини биринчи бўлиб ёдга олади, унинг хонадонига масрур кечган кунларини ўзига оғадек бўлиб қолган бу «муҳаббат-пеша яхши ошно» билан ўрталарига раҳна солмоқчи бўлган «марди ҳамоқат»лар қилмишидан кўп азият чекканини баён этади. Мирзо Абдуллабой ҳақидаги анчагина маълумотларни «Савдогар» ҳафтаномасида чоп этилган катта мақолада келтирилганлигимиз сабабли ўша материалга кирмай қолган баъзи нуқталарга ўқувчилар эътиборини қаратиш билан чекланамиз.

Мирзо Абдуллабой туғма зийрак, илмга чанқоқ бўлиб, ўз маҳалла масжиди қошидаги мактабда қандай таҳсил кўриб, ўз тенгдошлари орасида биринчи ўринга чиқиб олганлиги хусусида кейинчалик, 38 ёшга кирганида, «Туркистон вилоятининг газети»да бундай ёзган эди: «Отам ва онам куз бўлғонида (у Тошкентни руслар босиб олган 1865 йил кузини назарда тутяпти —



Ш. Ю.) мани мактабга бердилар ва шул вақтда бизнинг мактаб домламиз Султон Маҳмудхон деган 30 яшар экан. Ул домло ўзи Бухорои шарифда мадрасада ўқуб, хатм қилиб, Тошканд шаҳрига келганда кўб муаззиз бўлуб, анга халқ ўз болаларини шогирдликка берар эдилар. Бул тариқа анинг мактабида юз ададга яқин шогирд бор эди. Ман кўб саъю тараддуд илан ўқуб, яхши ривожлик бўлдум... Манинг ёшим ўнунчи ёшқа борганда ман ўшал мактабхонада ўқуб бўлдум».

Шундан сўнг Мирзо Абдуллабой ўзбек эски мактабларидаги ўқув-тарбия ишлари тартиби, шунингдек, эски мактабларда ўқитиладиган фанларнинг кўлами ва дастури хусусида ҳам қимматли маълумотларни келтиради. «Бизнинг мактабхонада, — деб ёзади муаллиф, — сабоқ эрта билан бошланиб, то ўн бир соатқача биз ўз сабоқларимизни такрор қилур эдук. 12 нчи соатда биз таом емоқ учун уйга боруб ва тезлик илаи яна мактабга қайтар эдук. Ун икки яримда биз мактабхонада намози пешинни ўқуб, андин сўнгра уч соатқача хат машқ қилур эдук... Олти ойга яқин бўлганда ман алифбени ва сураларни ўқудум. Андин сўнгра манга ҳафтияк бошланиб, манинг отам тўққуз нону бир лаганда палов ош ва икки сўм ақча домлага берди... «Ҳафтияк»ни бир қиш вақтида ўқуб тўшурдим. «Ҳафтияк»дин сўнгра ман уч-тўрт ой ичида Қуръонни тамом ўқуб хатм қилгонда отам яна озодлиқ берди ва андин сўнгра форси тилидаги «Чор китоб»ни уч ой ичида ўқудум... Мактабхонада уч йил муддат ичида ман алифбе ва дуолар ва «Ҳафтияк» ва Қуръон ва Сўфи Оллоёр ва Хўжа Ҳофиз ва Бедил китобларини ўқудум» («Туркистон вилоятининг газети», 1887 йил, 14 август, 32-сон).

Мирзо Абдуллабой ниҳоятда зехли ва тиришқоқ бўлганига қарамай, онладаги моддий танглик туфайли мадраса таълимини ололмайди. Бироқ мустақил мутолаага қаттиқ берилган, замона зайлини яхши англаган ўспирин тез орада билим савиясини ҳам юқори даражага кўтаради, форс тилидан ташқари рус тилини ҳам пухта ўрганиб олади, савдо-сотик борасида ўз ҳамюртлари орасида катта муваффақиятларга эришади. Бу ҳол зиёли-савдогарнинг замондош маърифатпарварлар билан, йирик адиб ва хонанда-созаңдалар билан дўст-қадрдон бўлиб кетишида муҳим аҳамият касб этади.

Мирзо Абдуллабой XIX аср охири ва XX аср бош-ларигаги Туркистон маданий ҳаётидаги кўпгина йирик воқеаларда бевосита қатнашган илғор зиёли-савдогар эди. Маълумки, 1890 йилда Тошкентда энг йирик кўр-газмалардан бири очилган бўлиб, унда Бухоро ва Хива хонлиқларидан келтирилган турли-туман экспонатлар ҳам намойиш этилган, Зокиржон Фурқат ўзининг «Виставка хусусида» деб аталувчи туркум шеърларини газетада кетма-кет чоп эттириб, унинг шуҳратига-шуҳрат қўшган эди. Кўрғазмада Фурқатнинг тошкентлик зиёли дўстларидан Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Жўрабек додхоҳлар қатори Мирзо Абдуллабой ҳам ўзининг ўта нафис ипак матолари билан қатнашиб, кўрғазма ҳайъати томонидан кумуш медал билан тақдирланганлиги ўша давр вақтли матбуотидан маълум.

Тошкентнинг ўша вақтдаги энг илғор зиёлилари қаторида Мирзо Абдуллабой Бутун Россия Археология жамияти Тошкент бўлимининг фаол аъзоларидан бўлган, ўзининг археология соҳасидаги топилмалари билан шуҳрат қозонган. Чунончи, «Туркистон вилоятининг газети»да 1901 йил 14 июлда қуйидагича ахборот босилганлиги фикримизнинг далилидир: «Тошканд шаҳридаги Археологический жамоанинг члени ҳурматлик Мирзо Абдулла Исомухаммад ўғли мазкур жамоага тобеъ музей — ажойибхонага икки Хўқанд ва Бухоро тиллоларини ҳадя берибдур. Бул хабарни газетга ёзиб, мазкур ҳурматлик Мирзо Абдулла Исомухаммад ўғлига изҳори миннатдорлиқни айтамыз. Мазкур икки тилло музейхонада ўз жойида сақланиб турадурлар».

Бу зиёли-савдогар адабиёт ва санъатга, айниқса, шеърятга меҳр қўйганлиги вазидан замонасининг бир неча йирик шоирлари у билан мустаҳкам дўст-қадрдон бўлганлар. Муқимий, Муҳий, Писандий, Синандий каби шоирлар Мирзо Абдуллабойнинг Шайхқованди Таҳур даҳа Тарновбоши маҳалласидаги ҳовлисида неча-неча марталаб меҳмон бўлганликлари, ҳовли биносининг иккинчи қаватидаги меҳмонхонасидан шоирлар, хонанда-созандалар, савдогарлар қадами узилмаганлиги ҳақида кўплаб маълумотлар қолган.

Жумладан, Мирзо Абдуллабойнинг ўғли Асадулла тожир ҳамкасби Шотурсун Шомақсудовга ўз ҳовлиларидаги меҳмонхона ва Фурқатнинг бу меҳмонхонадаги умргузаронлиги ҳақида 1927 ёки 1926 йилда қилган

ҳикоясини Шотурсун қори ота 1978 йил ёзида менга хотира дафтарларидан айтиб туриб ёздирган эдилар. «Меҳмонхонамиз болохонадан иборат бўлиб, унинг ёнида ҳужрага ўхшаш махсус хоналар ҳам қурилган эди,— дея ҳикоя қилган эканлар Асадулла тожир. — Ўша ҳужралардан бирида Фурқат домла истиқомат қилардилар. Ҳужранинг деразаси кўча томонга очилган бўлиб, олдида пешайвон ҳам бор эди. Фурқат домла кўпинча шу пешайвонда ўтириб шеър битар, бошқа ёзув-чизув ишларини ҳам бажарар эдилар.

Бир кун Тожимуҳаммад амаким (дадамнинг укалари) Асхабод тарафига савдогарчиликка кетаётиб, йўлда олти жуфт қумрини қафаси билан сотиб олиб, Тошкентга қайтаётган бир савдогардан бериб юборибдилар. Ўша қумрилардан бир жуфти меҳмонхонага киритиб қўйнилиши билан Фурқат домла қаердандир қайтиб келиб қолдилар. Қафасдаги қумриларга узоқ тикилиб қолган шоирнинг кўзларига ёш келгани ҳали-ҳали ёдимда. Кейин пешайвонга чиқиб, узоқ хаёл суриб ўтиргач, шеър машқига ўтирдилар ва мана шу ғазални кечқурун дадамга, меҳмонхонадаги бошқа меҳмонларга ўқиб берганларида йиғламаган одам кам қолди:

Аламлик қумриман, бир гулбадандин айрилиб қолдим,  
Назокатда қад сарви чамандин айрилиб қолдим.  
Қафас байтул-ҳазан, Яъқубдек қон йиғласам арзир,  
Ўшандоғ Юсуфни гул пирахандин айрилиб қолдим.  
Хати райҳон, сочи сунбул, лаби гунча, кўзи нарғис,  
Қабо гул. кўйлаги барги сумандин айрилиб қолдим.  
Ғамида телбаман, онинг учун занжир бўйинумда,  
Нигорим Лайлиатворимки, андин айрилиб қолдим.  
Агар ҳижрон қаронғусида йиғлаб ётсам айб эрмас,  
Жамоли нури шамъи анжумандин айрилиб қолдим.  
Қаро тошлар уруб кўксумға, фарёд айласам камдур,  
Тиши дуру лаби лаъли Ямандин айрилиб қолдим.  
Мисоли зар агар сарғорса рухсорим ажаб эрмас,  
Ки ул дониши ағёр сиймтандин айрилиб қолдим.  
Манга юз қўйди эмди ҳасратида комталх ўлмоқ,  
Ҳаловат сўзлари шаккаршикандин айрилиб қолдим.  
Пару болим тўкулди, масканим охир қафас бўлди,  
Муҳаббат йўлида, Фурқат, ватандин айрилиб қолдим.

Мен у вақтларда 13—14 ёшларда бўлиб, тез орада Фурқат домланнинг шу ғазалларини ёдлаб олган эдим.

Дадам уни жуда ҳам ҳурмат қилар эдилар. Узи ринд-табиат, ниҳоятда дид билан кийиннар, оқ юзли, чиройли эдилар шоир Фурқат. Бизникига келиб турадиган олимлар, амалдорлар, қозилар билан Фурқат домла жуда завқланиб суҳбатлашар эдилар. У кишининг тирикчиликларига келсак, Қўқондан оталари Тошкентга, Фурқат домла эса Тошкентдан Қўқонга турли моллар юбориб туришади, деб эшитганман».

Илгарироқ биз Мирзо Абдуллабой Туркистон маданний ҳаётидаги муҳим воқеаларда фаол иштирок этганини айтиб, Туркистон Археология жамияти ҳамда 1890 йилги Тошкент кўргазмасидаги фаолиятига оид баъзи нисоллар келтирган эдик. 1891 йилда Хива тахтининг валиаҳди Асфандиёрхон ва машҳур шоир Комил Тошкентда анча узоқ муддат яшаб, шаҳар маърифатпарварлари билан мунтазам суҳбатлар қурадилар. Сатторхон Абдугаффор ўғли, Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли, Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли, Умирхўжа Инъомхўжа ўғли сингари илғор зиёлилардан ташқари Мирзо Абдуллабой ҳам ўз юксак билим даражаси, ҳавас қилса арзигулик одабийлиги билан Комилда алоҳида таассурот қолдиради. Туркистон пойтахтидан олинган таассуротлар асосида «Дар баёни таърифи ва тавсифи Тошканд» номли ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик қасидасини ёзар экан, Мирзо Абдуллабойдан миннатдорлигини ифодаловчи:

Мендин ҳар ким қилса истифсор анингким номини,  
Мирзо Абдулло эрур хизматгузори Тошканд,

нисраларини ҳам киритади. Мирзо Абдуллабой Тошкент эрлар гимназиясида, шаҳар истироҳат боғида, босмахона ва газета таҳририятида, Инъомхўжаниннг Эгарчи маҳалласидаги ҳовлисида меҳмонлар шарафига берилган мислсиз зиёфатда, ниҳоят, хивалик меҳмонлар манзилгоҳи бўлмиш шаҳар четидagi генерал-губернатор боғида ҳафталарча улар хизматида бўлган, Комил ва дўстларини ўзининг Дархондаги машҳур меҳмонхонасида кутиб олган. Бутун ана шу кунлар давомида Мирзо Абдуллабой меҳмонларга Тошкентнинг ўтмиш тарихи, табияти, иқлими, бу ерда ўтган улуғ зотлар ҳақида, шаҳар маданний ҳаёти хусусида атрофлича бой маълумотлар берган. Ана шунинг натижаси бўлса керакки, Комил Тошкент ҳақидаги ажойиб қасидасида уни:

Лойиқ эрмас они ташбеҳ айламак ҳеч шаҳрға,  
Айласа ҳар бирга ташбеҳ ўлғай ори Тошканд.  
Айламак они Бухороға барабарким, баса,  
Яхшидур асби Бухородин хамори Тошканд.  
Гарчи дебдурлар: Самарқанд сайқали рўйи замни,  
Хориж андин кўҳсар узра ҳисори Тошканд.  
Носиҳи Масков десам, они деманг лофи гузоф,  
Борму анда лозазору марғзори Тошканд,

сингари шарқона юксак муболағадор, ўта таъсирчан  
мисраларда таъриф ва тавсиф этади.

Октябрь тўнтариши барча савдогар зиёлилар син-  
гари Мирзо Абдуллабой бошига ҳам беҳад фалокатлар  
келтирди. Тирикчиликни мардикорликдан бошлаб, ки-  
шилар уйдаги энг оғир юмушларни бажариб, аста-  
секин тўқувчилик касбини ўрганиб, ундан тижоратга  
ўтган бу покдомон инсоннинг умр бўйи тўплаган мол-  
мулкнинг ҳаммаси шўролар томонидан юлқиб олинди.  
Орадан сал ўтгач, 1918 йилда ҳаётдан кўз юмишигина  
Мирзо Абдуллабойни большевиклар қамоқхонасида хор-  
зор ўлишдан қутқариб қолди.

Яхшидан боғ қолади, деган ажиб нақлимиз Мирзо  
Абдуллабой учун махсус яратилгандек эди. Гап шун-  
даки, бу саховатли инсон ўзи яшаб турган Гарновбоши  
маҳалласидан икки-уч маҳалла нарида, ҳозирги Усмон  
Юсупов ҳамда Хуршид кўчалари кесишган жойда ажиб  
бир хушҳаво кўркам боғ яратган бўлиб, барча ёр-  
дўстлари, қариндош-уруғлари, маҳаллақўйлари шу  
боғ ширин-шарбатларидан баҳраманд бўлардилар.  
Октябрь тўнтаришидан кейин салкам ярим аср мобайни-  
да Мирзо Абдуллабойнинг боғи Тошкент шаҳар 10-касал-  
хонасига айлантирилди. Саховатли бой яхши кўрган ҳам-  
юртларининг қанчадан-қанчаси шу шифохонада даво-  
ланиб, боғ ҳавосидан, боғбон бой ўтқазиб кетган меваю  
гуллардан баҳра олиб, ўз дардларига даво топдилар,  
унинг руҳига дуоини хайр қилдилар. Халқ орасида ҳеч  
ким бу маскани 10-касалхона деб атамас, кимдан сў-  
расангиз: «Мирзо Абдуллабойнинг боғи» дерди. Ях-  
шидан боғ қолиши бундоқ бўпти.

Фурқат Тошкентдан чет элга жўнаб кетгач, то  
умрининг охирига қадар ҳам энг яхши дўстларидан  
бўлмиш Мирзо Абдуллабойни асло унутмади. Юқори-  
да зикр қилинган «Сабога хитоб»дан ташқари «Тур-  
кистон вилоятининг газети»да чоп этилган бир неча  
асарлари ва мактубларида «муҳаббатпеша яхши ош-

но»сига қайта-қайта саломлар йўллаганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан, газетанинг 1896 йил 25 июль соннда эълон қилинган мақоладан сўнг: «Мазкур Зокиржон Фурқат кўб салом Муҳиддинхўжа қозиға ва ҳам Эшонхўжа қозиға ва ҳам Маҳмудхўжа эшон ишбоши ва Мирзо Абдулло ва Муҳаммад Юсуф бойбачча ва Ҳожии Аъзам афанди ва Мулло Миробид ва мулло Абдулазизхон ва Авлиёхўжа эшон ва Муҳаммад Сиддиқжон қори ва соир аҳбобларға махсус-махсус саломлар тегсун деб»,—сўзларини ўқиймиз. 1904 йил 8 октябрь сонндаги «Масарратнома»дан сўнг эса: «Ёрқанд шаҳрида турғувчи Зокиржон Фурқат шоир тарафидан ҳурматли генерал-майор Жўрабек додхоҳға, гимназиядаги мударрис Назаров тўра, Мирзо Абдулло, Маҳмудхўжа эшон, Муҳаммад Юсуф бойбачча, Ҳожии Аъзамларға саломимиз бор»,—дейлади. Уша салом йўлланганлардан Юсуф бойбачча, Ҳожии Аъзам, Абдулазизхон ва Қори Сиддиқ «Сабоға хитоб» шеърӣ мактубида «хоссаи такмили пайғом» йўлланган кишилар эканликларидан ташқари ўз даврининг етук зиёли-савдогарлари ҳамдурки, биз улар хусусида билганларимизни ўрни-ўрни билан муҳтарам ўқувчиға маълум қиламиз.

### ҚУШАЛОҚ ЮСУФ БОЙБАЧЧА

Истанбулдан йўлланган шеърӣ мактубда Фурқат савдогар дўстлари орасида Мирзо Абдуллабойдан кейин Юсуф бойбаччани алоҳида эҳтиром билан ёдға олади, уни ўзига «қиёматлик биродар» атаб, ҳар қандай одам ҳавас қилса арзийдиган дил сўзларини битади. Мана ўша мисралар:

Юсуф бойбачча ҳавлисиға андин —  
Боруб еткур дуо албатта мандин.  
Қиёматлик биродардур манга ул,  
Ҳар ишда ёру ёвардур манга ул.  
Дуо шулдур ўшал неку ҳусола,  
Етушсун барча фарзанди камола.

Йки дунёда бўлсун обрўманд,  
Улуб ҳақ лутфидин доим баруманд<sup>1</sup>.

Фурқатнинг бу ажиб дўстига алоқадор жиҳатларни ўрганишда унинг ҳеч бир дўсти билан рўй бермаган ҳангомалар бўлиб ўтди. Гап шундаки, каминанинг падари бузрукворим Муҳаммад Юсуф бойвачча Нурмуҳаммад ўғиллари ҳам кўп йиллар мобайнида Тошкентнинг машҳур Терн саройида тижорат билан шугулланган, ўз даврининг йирик хонанда-созандаю, шоиру олимлари билан дўст-қадрдон бўлган зот эдилар. Раҳматлик отам турли давраларда Муқимий, Тўйчи ҳофиз, Фарзихон, Мадумар ҳофиз, Исо ҳофиз, Юсуф Сарёмий, Сотилдихон ҳофиз каби санъаткорлар билан ўтказган суҳбатлари, улфатчиликлари хусусида эҳтирос билан сўзлаб берардилар. Форс-тожик ва туркий мумтоз шеърятдан мингларча байтларни ёд билар, суҳбат мавзунга ўша байтларни кўркам пайванд қилиб юборар эдилар. Фурқат шеърларидан:

Кўрдум турур Рашидхон қоши-кўзи пириллаб,  
Қон оқди кўзларимдин ёш ўрнига тириллаб,

матлаъли ғазални бот-бот такрорлашни хуш кўрардилар. Аммо Фурқат билан шахсан танишганликлари ёки бирон даврада учратганликлари хусусида ҳеч қачон гапирган эмаслар. Шунга қарамай, отамнинг ёшлари (у киши 1863 йилда туғилганман дердилар), улфатлари, «Сабоға хитоб»да тошкентлик Юсуф бойваччага хос сўлом йўлланганлиги, булар ҳам етмагандек Фурқатнинг:

Юзунг гулдин мусаффордур, лабинг ранги хинодин ҳам,  
Хатинг хушбў чаман райҳонидин, мушки Хитодин ҳам,

матлаъли ғазали мувашшаҳ тарзида битилган бўлиб, унга Юсуфжон исми яширилганлиги менинг кўнглумга гулу солар, ҳой-наҳой шеърий мактубдаги Юсуф бойвачча менинг қиблагоҳим бўлсалар керак, деган ўйларга тинимсиз ундар эди. Бироқ «Сабоға хитоб»нинг Юсуф бойваччага бағишланган қисмидаги «Етушсун

<sup>1</sup> «Сабоға хитоб» Фурқат «Тапланган асарлар»га киритишда шўро сиёсати йўриғига кўра шафқатсизлик билан энг кўп қисқартirilган асардир. Ноёб шеърий мактубнинг роса 100 мисраси ўқувчиларга ҳали етиб бормаганлиги фикримизнинг далилидир. Шу жиҳатни ҳисобга олиб «Сабоға хитоб»дан нарчаларни «Туркистон вилоятининг газети»да 1892 йил 15 апрелда эълон қилинган ишончли манбадан келтирамиз.

барча фарзанди камола», деган мисра менда жиддий иштибоҳ турдирадди. Негаки, Фурқат Тошкентда яшган 1889—91 йилларда падарим янгигина уйланган бўлиб, Мирюнус исмли ўғилларигина дунёга келиб улгурганини билардим.

Шоирнинг дўстларини танийдиган кексалар билан суҳбатлашиб юрган кезларимда, 1977 йил 16 апрель куни мумтоз шеърятнинг катта билимдони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Субутоё Долимов (у кишидан Тангри рози бўлсин) мени яна бир катта билимдон Шотурсун Шомақсудовнинг Сағбон кўчасидаги ҳовлисига олиб бордилар. Бу икки зукко зиёли илгарироқ «Кенг уйнинг келини» номли ажойиб китобни биргаликда тайёрлаб чоп эттирган ва шу важдан яна ҳам қадрдон бўлиб кетишган эди. Инқилобдан олдин ва кейин кўп йиллар тижорат билан шуғулланган Шотурсун қори отанинг тоғалари Шораҳмат ота ҳам тери савдоси билан шуғулланиб, дадамлар билан яқин дўст бўлганликлари сабабли Шотурсун қори ота падаримни ниҳоятда яқиндан танир, у кишининг навқирон чоғларини ҳам яхши эслар эканлар.

Суҳбатимиз қизигандан-қизиби, Фурқатнинг менинг қўлимда бўлмаган бир неча ғазал ва мухаммасларини, «Пажолиста» радибли ҳазил-мутойиба асарини ёзиб олиб бўлганимдан сўнг шоир Тошкентда танишган савдо аҳллари ҳақида гап кетди.

Навбат падари бузрукворимга келганида Қори ота: «Тошкент яқинидаги Кўктерак деган жойда Юсуф акамнинг қайноталарига тегишли ниҳоятда обод боғ бўларди. Отангиз ёз ва куз фаслларида гапни ҳам ўша боғда берардилар, бошқа улфатчиликларга ошна-оғайнилари ҳам шу боғга олиб чиқардилар. У киши Муқимий, Тўйчи ҳофиз, Фурқат, Фарзинча ва бошқаларни ўша боғга кўп марта олиб чиқиб, базми Жамшид қуришганини ўша давраларда бўлган Шораҳмат тоғамдан эшитиб турардим. Ҳатто, ўз улфатларини, жумладан, Фурқатни ҳам Нижний Новгород ярмаркасига, Қозон, Оренбург ва бошқа шаҳарларга олиб бориб, ўйнатиб келганликларини ҳам эшитганман»,—дедилар.

Шундан кейин «барча фарзанд камолга етишуви» хусусидаги мисра бирор чалкашлик туфайли шеърин мактубга кириб қолган деган ўйга келиб, «Фурқат айтган Юсуф бойвачча менинг отам» деб ёзишга қарор қилдим. Қарорим қатъий эди-ю, бироқ кўнглим-



нинг бир чеккасида барибир гашлик сезардим. Уша кунларнинг бирида саҳар палласида туш кўрдим: отам худди ўнгимдагидек аниқ-таниқ рўбарўмда турибдилар. «Ўғлим, мен Муқимий билан, бошқалар билан учрашганимни сенга айтганман. Мабодо Фурқат билан кўришган бўлсам, сенга айтмасмидим. Кўришган эмасман. Буни Қалонхона маҳалласидаги домком Абдурахмон Мўминжон ўғли билади»,—дедилар. Уйғониб кетдим. Таҳорат олиб, падаримнинг руҳи покларига тиловат қилдим.

Абдурахмон Мўминов деган ўша одамни мен ёшлигимда кўргандим. Қалонхона маҳалла қўмитасининг раиси эди. Бироқ у оламдан ўтиб кетганига анча бўлган. Юсуф бойваччани қандай қилиб ундан сўрайман? Буни қарангки, ўша кун эрталаб соат 9 да Фурқатнинг дўсти Маҳмудхўжа ишбошининг ўғли Абдуҳамид Маҳмудов билан унинг Қўйлиқ мавзеидаги ҳовлисида учрашишга ваъдалашиб қўйган эдим. Ўша ёққа йўл олдим.

Абдуҳамид ака Фурқат Тошкентдан жўнаб кетганидан ўн бир йил кейин, яъни 1902 йилда туғилган бўлса ҳам отаси Маҳмудхўжа ишбошининг Фурқат, Муқимий, Қамий каби шоирлар билан дўстона алоқалари, тошкентлик маърифатпарварлар билан биргаликда амалга оширган ишлари ҳақида жуда кўп нарсаларни эшитган ва ёдда сақлаб қолган эканлар. Маҳмудхўжа ишбоши ва Фурқат муносабатларига алоқадор гаплар охирлагач, Абдуҳамид ака: «Бизнинг Тарновбоши маҳаллада Фурқатнинг Юсуф бойвачча деган ўртоғи ҳам бўларди, асосан, Россиянинг катта шаҳарларига қатнаб савдогарчилик қиларди»,—деб қолдилар. Мен ҳар қанча қистамай, бошқа маълумот бера олмай: «Ишчилар шаҳарчасига борсангиз, Қисловодск кўчасининг ўнг томон линияларидан бирида Мўминжон исмли маҳалла қўмитаси раиси бор. Юсуф бойваччани ўша яхши билади. Ўзи унга қариндош»,—дедилар.

Мен вақтни ўтказмай, Абдуҳамид ака тушунтирган маҳаллага келдим. Маҳаллада чошгоҳда берилаетган тўй оши маросимидан Мўминжон акани топдим. Тушимда раҳматлик отам айтган ном ҳам, унинг маҳалла қўмитаси раиси экани ҳам тўғри чиққач, Яратганнинг мўъжизасидан лол қолиб, анча вақт ўзимга келолмай турдим. Бир лаганда ош еб бўлганимиздан кейин Мўминжон ака мени Уста Ширин кўчасидаги

11-уйга, Юсуф бойваччанинг келини Файзура ая Назарова хузурига бошлаб бордилар. Файзура ая 1931 йилда Юсуф бойвачча ҳовлисига келин бўлиб тушган ва саккиз йил мобайнида ўз қайнотаси билан бирга яшаб, у табаррук зотнинг бутун ҳаёт йўлини, феъл-атворини, амалга оширган ишларини ипидан-игнасигача билиб олган эканлар.

Файзура аядан Юсуф бойваччанинг Фурқат томонидан Раҳбарнисо деб исм қўйилган қизлари ҳаёт бўлиб, 85 ёшли табаррук момо Тошкентнинг Марказ-13 мавзеидаги 26-уй, 21-хонадонда истиқомат қилишларини эшитганимда қанчалар ҳаяжонга тушганимни ифодалаш осонми!?

Шу тариқа Юсуф бойваччанинг қизлари ва келинлари билан суҳбатлашиб, қанчадан-қанча ноёб нарсаларни билиб олдим. Юсуф бойвачча Абдурасулхожи ўғлининг отаси асли Қўқоннинг тоғлик маҳалласидан бўлиб, тижорат ишлари билан Тошкентга қатнаб юганида шу ерлик бир савдогарнинг қизига уйланиб, тошкентлик бўлиб қолган экан. Юсуф бойвачча ўша Тарновбоши маҳалласидаги ҳовлисида 1855 йилда туғилиб, ота касби савдогарчиликда умри кечган. У Россия шаҳарлари билан, айниқса, Екатеринбург, Нижний Новгород, Самара шаҳарларидаги фабрикантлар билан шартнома асосида газлом келтириб, Тошкентнинг базозлик саройидаги дўконда соттирган. Юсуф бойваччанинг Одил, Абдумўмин, Абдунаби, Абдуфаттоҳ исмли ўғиллари, Раҳбарнисо, Лутфинисо, Баҳринисо, Зебунисо исмли қизлари бўлган. Одил бойваччадан туғилган невараси (Борий Одиллов) кўп йиллар давомида Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили лавозимида хизмат қилган.

Фурқат билан Юсуф бойваччанинг дўстлашувида, аввало, унинг ҳам шеърятга қаттиқ қизиққанлиги, замонавий илм-фанни эгаллаш йўлидаги фидойилиги, иккинчидан эса, отаси асли қўқонлик бўлганлиги ҳам боис бўлган бўлса ажаб эмас. Раҳбарнисо момо оталарининг Фурқатдан ташқари Муқимий, Абдулла Қодирий, Тўйчи ҳофизлар билан ҳам қадрдон бўлганлиги, улар Юсуф бойвачча ҳовлисида тез-тез бўлиб, ажиб суҳбатлар қурганликлари хусусида, оталари бу азиз дўстлари ҳақида умрининг охиригача тинмай ҳикоя қилганлиги тўғрисида тўлиб-тошиб гапирдилар.

Буни қарангки, Раҳбарнисо момо менинг марҳум

отамни ҳам танидилар. Юсуф бойвачча ҳовлисига бир неча бор келганликларини айтиб: «Отангиз ўрта бўйли, бугдой ранг, миқтидан келган, қирра бурун одам эдилар»,—дея ташқи қиёфаларини ҳам чизиб бердилар.

Олам мўъжизаларга тўла, деганларидек «Гуркистон вилоятининг газети»нинг 1914 йилги сонларини варақлаб ўтириб, бу ҳар иккала Юсуф бойваччанинг Россияга ҳамсафар бўлганларини тасдиқловчи ажиб бир саёҳатномага кўзим тушди. Газетанинг ўша йил 20 ноябрдаги 90-сонида эълон қилинган бу саёҳатномага «Поездка в Россию ташкентского туземца Мулла Юсупа» («Тошкентлик Мулла Юсупнинг Россияга саёҳати») деган русча сарлавҳа қўйилган ва охирида Мулла Юсуф Тошкандий дея имзо чекилган эди.

Ўзбек зиёли савдогарининг Россия шаҳарлари, темир йўллари, фабрика-заводлари, илмий-маданий муассасалари ҳақида битилган бу саёҳатномасида икки Юсуф бойваччанинг вагондаги уч кеча-кундузлик ҳамсухбатлиги хусусида ҳам анчагина гаплар ёзилган эди.

«Вагон ичида ялғуз ўзум бир бўлмаға ўлтуруб, бир истансаға бориб эдим, анда бир ўз мусулмонимиздан тошкандлик Лангар маҳаллалик терифуруш Мулла Юсуфбой кўруниб қолдилар. Бориб сўрадим: “Жанобим, йўл булсун?” “Ўрунбурғға борамиз”,—дедилар. Ман: “Хўб, биз билан ҳамроҳ экансиз”,—деб иккимиз бир жойда ўлтуруб, газета, журнал ва бошқа ҳикоя, рўмонлар ўқушуб кетдук. Икки истанса юруб эдук, сўзимиз замон аҳволидин, усули қадим ва усули жадид мактабларидин очилиб кетди... “Сиз ҳам фарзанди аржумандингизни яхшилаб ўқутунг”,—деб Ўрунбурғға гача шу музокарада уч сутка ўтқариб, бир оз ишим борлиғидин астанофка бўлуб, тушуб қолдим».

Юқоридаги парчадан ҳар икки зиёли савдогарнинг даврий ва нодаврий матбуот билан, адабий асарлар билан, шунингдек, янги усул мактаблари фаолияти билан қизиққан зукко шахслар бўлганликлари очиқ кўринади.

Шундай қилиб, Юсуф бойвачча Абдурасулхожи ўғлининг фаолияти ҳам, у ўз даврининг ўткир қалам соҳибларидан бўлиб, махсус саёҳатнома чоп эттирганлиги ҳам маълум бўлди.

## ШОИРНИНГ АСОСИЙ МЕЗБОНИ

«Сабоға хитоб»да Юсуф бойваччадан сўнг номи тилга олинган савдогар-зиёли Ҳожи Аъзам Саримулла охунд ўғлидир. Зотан Фурқат ҳам Тошкентда экан чоғида рақам қилинган машҳур «Аҳволот»идаёқ Ҳожи аъзам номини, унга хос етакчи хусусиятларни, бу ажойиб инсондан кўрган меҳрибонликларини келгуси авлодлар учун нақшлаб қолдирган эди. «Аҳволот»нинг 1891 йил 22 январда «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган қисмида жумладан қуйидагиларни ўқиймиз: «Тошканд тарафиға азимат тариқини кўргуздум. Тарихи бир минг уч юз олтинчи йили моҳи шаввол нисфида дохил ўлуб (бу сана милодий ҳисобда 1889 йилнинг 14—15 июнь кунларига тўғри келади — Ш. Ю.), Ҳожи Аъзам ном бир ғойибона дўстум бирла мулоқот шарафин топтим. Ул кишининг иқтисоси касратидин мадрасаи Кўгалтошда истиқомат айлаб, анинг хони шафқатида кўб неъматлар маъқуллим улди ва ҳатталимкон тарбиятимда кўшишлар кўргузди. Майманатлик муолижасидин мижозим беҳбудликға юз қўйди, андак кунда офият даражасига етуштум. Тўққуз ойгача анда маннинг носн хотирим тутуб, ҳурматининг риоятини қилди. Бу арода ўзумға лозим ишларга машғул бўлдум ва аёну ашрафи вилоят бирла маърифат пайдо қилдим».

Бугина эмас. Фурқат Тошкентда ижод қилган «пажоллиста» радифли ҳазил-мутойиба ғазалининг мақтаъида ҳам Ҳожи Аъзамнинг номини келтириб, қуйидагича ёзганлиги маълум:

Агарда бўлса мумкин, фориг ўлсанг ҳар юмушедин,  
Канечна Фурқатню Ҳожи Аъзамлаш, пажолиста.

Ниҳоят, «Сабоға хитоб»да:

Кўгалтошга бориб сўр: Ҳожи Аъзам,  
Ул Аҳмадхожаи юзбошини ҳам.  
Дегилким, эй Арастуйи замона,  
Билурда набз ташхиси ягона.  
Келибман олдидан меҳмонингизни,  
Хўқандай, яъни Зокиржонингизни.  
Юрубдур ўйнаб Истанбулда хушнуд,  
Эрур аҳволи кундин-кунга беҳбуд.  
Замони фарруҳу айёми масъуд,  
Фараҳ боби очуқ, ғам роҳи масдуд.

Мижозига мувофиқ Рум ҳавоси,  
Анингчун турмак ўлмиш иқтисоси.

Фурқат зиёли савдогар дўстига уч асарида бағишлаган юқоридаги парчалардан кўп нарсалар маълум бўлади. Чунончи, у Тошкентга ғойибона дўсти Ҳожи Аъзамнинг таклифига кўра келган ва тўппа-тўғри унинг ҳовли-сига келиб тушган. Ҳожи Аъзам ўз шоир дўстига мезбонлик ҳурматини тўла бажо келтиришдан ташқари унинг оғир қон-томир касалини муваффақиятли даволаб тузатган. Шундан кейингина Фурқатнинг қаттиқ илтимосини адо этиб, унинг Кўгалдош<sup>1</sup> мадрасаси ҳужраларидан бирига жойлашуви ҳамда ўқишни давом эттиришига кўмаклашган. Бинобарин, Фурқат Ҳожи Аъзам кўмаги туфайли «вилоятнинг аёёну ашрофи билан маърифат пайдо қилган»ини айтяптики, бу гаплардан шоирнинг Тошкентдаги ўта қизгин ва самарали фаоллигида унинг савдогар дўсти қанчалар муҳим роль ўйнаганини билиб олиш қийин эмас. Фурқатнинг ёзганларидан маълум бўлишича, Ҳожи Аъзам тўққуз ой мобайнида унга меҳмондўстликнинг буюк намунасини кўрсатади, ҳатто, шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмига биргалашиб сайру саёҳатларга чиқади, шўхшан май базмларида улфатчилик қилади. «Пажолиста» радибли ғазалидаги:

Агар келмас эсанг бул ёна воскресний бўлгонда,  
Чиқармиз қўл тутуб, ҳар сори байрамлаш, пажолиста.

Хуморидин «Пиёнбозор»ига қонлар ютуб чиқсак,  
Бориб майхонага биз бирла отамлаш, пажолиста,

сингарни ёшлик шўхликларини эслатувчи мисралар бу фикрнинг далилидир.

Ана шундай меҳр-оқибат ва яқинлик туфайли Фурқат чет элдан Тошкентга йўллаган илк шеърый мактубида ўзининг аҳвол-руҳияси хусусида, Истанбулда узоқ муддат туриб қолишига боис бўлган жиҳатлар хусусида худди Ҳожи Аъзам билан сирлашади.

---

<sup>1</sup> Мадраса номини бу тариқа ёзаётганимиздан муҳтарам ўқувчилар ҳайрон бўлишмасин. Бу мадрасада кўп йиллар таҳсил кўрган Носир ота Махсумов ўз мударрисин Нуриддин домланинг мадраса Хўжа Ахрор вали кўгалдош (бир кўкракдан эмниган) укаси томонидан акасига ҳурмат юзасидан қурилганини айтиб, бу ном халқ орасида кўгалдош сифатида бузиб талаффуз этилишидан порозилигини баён қилган экан.

Ҳожи Аъзам Саримулла охунд ўғли Тошкентнинг Себзор даҳасига қарашли Сағбон кўчасида яшаб ўтган. Илгарироқ Кўгалдош мадрасасини тугатган Ҳожи Аъзам табобат соҳасида, айниқса, томир кўриб бетобликни аниқлаш соҳасида машҳур бўлган. Ундан ташқари араб ва форс тилларини мукаммал билган. Фурқат уни «Арастуйи замона», «Билурда набз ташхиси ягона» дейиши ана шундандир. Бу комил инсон ўзига мурожаат қилган барча беморларни ҳақ олмай даволаган, араб ва форс тиллари бўйича билимлар билан ҳам тижорат ишларидан бўшаган вақтларида шуғулланган. Ҳожи Аъзамнинг Оқ масжид шаҳрида бир неча тижорат дўконлари бўлиб, асосан, жун ва тери савдоси билан шуғулланган. Ўз топган-тутганини ҳамини савоб ишларга сарфлайдиган бу зиёли ўз ҳовлисининг ёнгинасида маҳалла учун қуриб берган масжид ҳали ҳам Сағбоннинг 1-тор кўчасида мағрур қад кўтариб турибди.

«Кўп илмларга олим бўлган амаким Тошкентнинг энг забардаст бедилхонларидан бири ҳам эдилар».— деган эди бизга Ҳожи Аъзамнинг жияни Шоазиз Шомақсуд ўғли. «Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берар, имкони борича болаларни мактабга жойлаштирар, уларга моддий ёрдамни аямас эдилар. Мавлоно Муқимий ҳам у кишини йўқлаб келганларида мен оби-овкатдан хабардор бўлиб, хизмат қилганим ҳали ҳали кўз ўнгимда турибди. Амаким 1927 йилда, тахминан саксон ёшларида ўша ҳовлида вафот этганлар»,—дея гапни тугатгандилар отахон.

### МАҲРАМ СИРЛАР САНДИҒИ

Ташқи қиёфаси, феъл-атвори, одамларга хуштавозеълиги билан энг сара даста гўлни эслатувчи Қори Сиддиқни раста аҳли бир кун кўрмаса, хумор бўлиб қолишарди.

Себзор даҳасига қарашли Хўжа кўчада туғилиб, вояга етган, эски мактабдан ташқари рус-тузем мактабини ҳам тугатиб, мадрасада таҳсил кўрган бу хушрўй, хушмуомала, зукко йннгитга кўшнисини Усмон-хўжа мингбоши (у ҳам ўз даврининг илғор зиёлиларидан бўлган) алоҳида меҳр қўяди. дастлаб униинг ўқишига, оиласига ёрдам беради, кейинчалик эски шаҳар бозорининг гурвч каппонида унга ажиб безакли чой дўкони очиб беради. Тез орада бу дўкон растада кенг

шуҳрат топиб, Тошкентнинг энг етук шоир, хаттот, хонанда, созанда ва олимлари жамланадиган табаррук масканга айланади. Бу эса Туркистоннинг турли томонларидан Тошкентга меҳмон бўлиб келиб турадиган илм-фан, адабиёт-санъат аҳлларининг ҳам анжуман қурадиган жойига айланишига боис бўлади. Қори Сиддиқ ака-укаларини ҳам ёнига олиб, дўконда чойдан ташқари қанд, калиш савдосини ҳам йўлга қўйиб юборади. Қори Сиддиқнинг ўзи бадий китобларга берилган бўлиб, Гулом Ҳасан Орифжон босмахонасида чоп этилган китоблар савдоси билан ҳам шуғулланган, ўзи ҳам унга буюртмалар бериб, айрим китобларни нашр эттирган. Унинг энг яқин улфатлари йирик диний олим ва шоир Эшон Бобоҳон Абдулмажидхон ўғли ҳамда Мулла Тўйчи ҳофиз бўлганлигини айтсак, Фурқат билан, шунингдек, Муқимий билан дўст-қадрдон бўлиши шеърятга, санъатга эҳтиросининг зўрлиги туфайли содир бўлганлигини фаҳмлаш қийин эмас.

Фурқат Тошкентда истиқомат қилган саксонинчи йиллар охири ва тўқсонинчи йиллар бошида Ҳожи Сиддиқнинг тижорат ишлари авж паллада эди. Зокиржон Фурқат Қори Сиддиқнинг дўконидан чақирса эшитилгудек яқингина масофада, Кўгалдош мадрасасида яшаб, истиқомат қилар, унинг Тўйчи ҳофиз ва бошқа дўстлари билан қадрдонлиги уларнинг деярли ҳар куни учрашиб туришларини тақозо этарди. Меҳр икки кўзда деганларидек, бу ҳол уларни бир-бирига яна ҳам меҳрибон ва сирдош қилиб қўйганди. Шу боисдан ҳам Фурқат чет элда энг кўп соғинган дўстлар орасида Қори Сиддиқ ҳам бўлганлиги табиий. Шоир Истанбулдан ёзган шеърий мактубида ҳали унинг ҳамюртларидан ҳеч бирига маълум бўлмаган олий мақсадни, яъни муқаддас ҳаж зиёратига бормоқчи эканини худди Қори Сиддиққа дастлаб шипшитиши, бу мақсадни баъзи оғзи бўш, ичида гап ётмайдиган одамлардан, айниқса, Авлиёхўжадан пинҳон тутишни илтимос қилишининг тагида анча гап бор, деб ўйлаш мумкин. Мактубда у сабога хитобан бундай дейди:

Ўтубон тўғри Гулбозориға бор,  
Бўлур бир нақшлик дўкон намудор.  
Ўтурур бир жувонмарди батавфиқ,  
Садоқатпеша, номи — Қори Сиддиқ.  
Манга ул ошинойи жонажондур,  
Ҳазин жисмим аро руҳи равондур.

Ҳамиша хотиримни пос туткон,  
Мурувват бекаму бекўс туткон.  
Дебон мандин анга юз минг дуолар,  
Утур олдида ойлаб марҳаболар.  
Қулоғига дегил оҳиста онинг:  
Ушал Фурқат деган аҳбоби жонинг  
Дилида бор экан бир муддаоси,  
Муяссар ўлғай ўлса Ҳақ ризоси,  
Яқин фурсатда мақсудига еткай,  
Насиб ўлса, Мадина сори кеткай.  
Гар анда Авлиёхўжа мабодо —  
Утирган бўлса, қилма ошиқоро.  
Агар чой дамласа, жон бирла нўш эт,  
Ўзунгни лекин ул ерда баҳуш эт.  
Будур зинҳор ила таъкид мандин,  
Дўконинг ёпмагунча кетма андин.

Ингирма икки мисрали бу эҳтиросли тасвирда Қори Сиддиқнинг касб-кори, батавфиқлик, садоқатпешалик, сермурувватлик каби ибратли фазилатлари ҳам сўзлар ранги билан кўркем чизилган. Фурқатнинг буюк замондошларидан бўлмиш Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳам Қори Сиддиққа арзи ихлос баён қилувчи сатрлар битганлигига зуккотаъб савдогарнинг юқоридаги фазилатлари сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас. Чунончи, Муқимий 1899 йилда Тошкентга, шоир Камийга ёзган мактубида бу шаҳардаги энг қадрдон дўстларига салом йўллар экан: «Хусусан Хон акамга ва Қори Сиддиқ биродаримизга дуо айтасиз»,— дейди.

Қори Сиддиқнинг Муқимий билан муносабатлари хусусидаги гаплар шундангина иборат эмас. Қори Сиддиқнинг Мухторхон ака деган қўшнисини бўлиб, у киши шўролар даврида илк бор Алишер Навоий ҳақида йирик мақола эълон қилган эканлар. Наримонов номли техникумда Ойбек, Ҳомил Еқубов, Фулом Каримов, Миркарим Осим, Субутой Долимовлар билан бирга таҳсил кўрган Мухторхон ака машҳур адабиётшунослар қаторидан жой олиши мумкин экан-у, аммо 1927 йилда чоп этилган ҳалиги мақола унинг белини синдирибди: коммунистик мафкура маддоҳлари кўплаб матбуот органларида Мухторхон акани ўтмишни идеаллаштиришда, Хусайн Бойқаронинг бош вазирини мақтаб, совет ёшлари фикрини заҳарлашда айблайвериб, тавбасига таянтиришибди. Шундан сўнг Мухторхон ака қаттиқ зада бўлиб, адабиётшуносликка юраги бетла-



майди, математика ўқитувчиси бўлиб, шу соҳада умри ўтибди. 1976 йилда Мухторхон аканинг собиқ Хўжа кўчасидаги уйида бўлган суҳбатда бу гапларни у билан Наримонов техникумида бирга ўқиган тилшунос олим Султон Акбаров, кейинчалик эса Фулом Каримов ҳамда Субутой Долимов (Тангри улардан рози бўлсин) тўла тасдиқлашди.

Мухторхон аканинг айтишича, Муқимий, Фурқат ва бошқа машҳур шоирлар Қори Сиддиқнинг валинеъмат Усмонхўжа мингбошининг меҳмонхонасида ҳам кўп марта бўлишган ва ҳар сафар мушоира қилишиб, бадиҳа сифатида яратилган байтларни меҳмонхонанинг оппоқ ганч деворларига қалам билан битишган. Бора-бора меҳмонхона деворларининг қўл етадиган барча қисми шундай байтлар билан безаниб қолган. Узоқ йиллар давомида, ҳатто, Тошкент зилзиласи рўй берган 1966 йилгача ҳам бу байтлар сақланиб келган. Зилзила вайрон қилган меҳмонхонани таъмирлаш чоғида уларнинг устидан суваб юборишган. Афсуски, шунча ўн йиллар ҳамманинг кўз ўнгида бўлган шу бебаҳо бойликни кўчириб олиб, келгуси авлодлар учун сақлашга ҳеч ким камарбаста бўлмаган.

Яна бир ғоят муҳим маълумот берган эдилар Мухторхон ака. Гап шундаки, Муқимий Қори Сиддиққа ихлоси чексизлигидан ўзининг дастхат девонини (Мухторхон ака адашган бўлиши, у девон эмас, балки баёз бўлиши ҳам эҳтимол — Ш. Ю.) худди шу дўстига совға қилиб ташлаб кетган экан.

«Мен ўзим бу девонни кўп марта варақлаб ўқиб чиққанман Қори аканинг ҳузурини. Чунки Қори ака ҳар қандай китобни бировга бериб юбориши мумкин эди-ю, лекин Муқимий девонини уйдан бир қадам ҳам ташқарига чиқармасди. Лекин одам боласи охир қисмати нима бўлишини билмас экан. Шундоқ хушсурат, ақл-одоб тимсоли бўлмиш Қори ака ҳаётининг охириги йилларида кўкнорига қаттиқ ружу қилиб қолди. Бунинг устига 1932—33-йиллардаги қаттиқ қаҳатчилик ни жуда ҳам афтода қилиб кўйди. Ўша оғир йилларда ҳам унинг қадрдони машҳур шоир Фафур Фулом тез-тез келиб суҳбатлашиб ўтирарди. 1933 йилнинг кеч кўзи шундоққина кўз олдимда турибди. Мактабдан дарс бериб қайтаётсам, ўша Муқимий Қори акага ҳадя қилган девоннинг бир жойини Фафур Фулом диққат билан ўқиб чиқиб келаяпти. Мен яқинлашим билан

китобни ёпиб, костюмининг ичкарасига бекитиб олди. Қандай китоб деб синчикласам, доимий ҳазил-мазаҳ гапларини айтиб, мендан тез узоқлашиб кетди. Шошиб Қори аканинг уйига кирсам, у сандал устига мукка тушиб ўтириб менга жавоб берадиган аҳволда эмас, ўзини билмайди. Шу-шу Муқимий девони қўлдан кетди, орадан бир неча ой ўтиб Қори ака ҳам оламдан ўтди. Тахминим тўғрилигига 4—5 йилдан сўнг, 1938 йилда Ғафур Ғулом «Муқимий баёзи»ни нашрга тайёрлаб чоп эттирганида яна бир ишондим»,—дедилар Мухторхон ака.

Назаримда Мухторхон аканинг гаплари айни ҳақиқат кўринади. Бу ҳикоя қилинган воқеа Муқимийнинг ўша дастхат китоби қаерда эканлигини аниқлашдек ўта зарур вазифани келтириб чиқаради. Зотан Ғафур Ғуломдан қолган шахсий кутубхонада бу китоб мавжудлиги хусусида илмда ҳеч қандай маълумот ҳозирча йўқ. Агар ана шу ноёб манба топилса, ўттиз йилдан ортиқ уни қалб тўрида авайлаб, бизнинг авлодларга етказган Қори Сиддиқнинг тарихий хизмати аён бўлур эди.

### ШАКАРПАЙВАНД

Қори Сиддиқдан сўнг Фурқат Мирзо Халил қандолатфуруш хусусида қуйидаги биргина байтни битади:

Чиқиб Мирзо Халил олдидин ўтгил,  
Наботидин олиб оғзинг чучутгил.

Мирзо Халил Мирзо Раҳим ўғли Тошкентнинг Беш-ёғоч даҳасига қарашли Тиконли мозор маҳалласида яшаб ўтган. Мирзо Раҳим ўз ўғлини дастлаб маҳалла масжиди қошидаги мактабда, кейинчалик эса ўз ҳовлиси рўбарўсида жойлашган машҳур Кўгалдош мадрасасида ўқитади. Мадрасадаги бир мударриснинг ахлоқсизлигидан дарғазаб бўлиб, таҳсилни ниҳоясига етказмаган Мирзо Халил мадраса ёнгинасида бўлган отасининг қандолат дўконида тижорат ишларини авж олдириб юборади. Отасининг вафотидан сўнг ҳам то ўттизинчи йиллар ўрталаригача Фурқат кўп марта «наботидан оғиз чучутган» ўша дўконда қандолат савдоси билан шуғулланган. Фурқат дўстининг 90 яшар фарзанди Мирзо Ҳамдам ота билан у кишининг ҳозирги Акмал Икромов тумани Каримов кўчасидаги ҳов-

лиларида бир неча суҳбатлар қурдик. Ота-боболаридан қолган қандолатчилик касбини камоли ихлос билан давом эттириб келаётган табаррук қария қандолатнинг унутилиб кетган турларини ажиб бир маҳорат билан ясаб, бизни меҳмон қилдилар, ақлимизни лол қолдирдилар. Афсуски, биз суҳбатлашган даврда бундай ҳунар билан уйда шуғулланиш ман этилган, шу важдан отахон: «Оч қорним, тинч қулоғим», — дея ўз ноёб ҳунарларини ўзлари билан олиб кетдилар.

### ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ-

Ўз замонасининг энг йирик олимлари, шоирлари ва санъаткорлари эҳтиромини қозонган зукко зиёли савдогар Абдулазизхонни Фурқат ҳам ғоят қадрлаган. «Сабоға хитоб» шеърини мактубида шоир ўзининг бу қадрдон дўстига салом йўллаш учун уни кўз олдига келтираркан, Абдулазизхон жўраларию унинг хонадонига тез-тез ташриф буюриб турган қўқонлик Фарзинхон, тошкентлик Мирзо Қосим ҳофиз билан улфатчиликлари, бу улфатчиликлардан кўнглида қолган ширин таассуротлар бари бир-бир гавдаланади:

Улур кеч, баъд жў ёйи макон ўл,  
Сақичмон кўчаси бирла равон ўл.  
Сўраб ҳавлисини Абдулазизхон,  
Бориб ул кеча бўлғил анда меҳмон.  
Билиб ҳар ҳафта бир йўл ўзга лозим,  
Бориб қолғуси кеча Мирзо Қосим.  
Кўрарсан анда Фарзинхон дегонни,  
Манга бир ошинойи меҳрибонни.  
Алар ҳар қайсиға бир-бир салом айт,  
Муҳаббатлиқ дуо бирла паём айт.  
Тофиб сўз Мирзо Қосимга гузориш,  
Мухаммасни қўлиға қил сипориш.  
Буюрмиш эрди ул Тошкандда аввал,  
Келиб ман мунда, қолмиш эрди маътал.  
Дегилким: айлаб они эмди иншо,  
Юборди Румдин айлаб Сизга савфо.  
Сабоҳ ила юруб кел растаға боз,  
Русуми пайкликни айла оғоз.

Фурқатнинг Абдулазизхон ҳақидаги ўйлари шу ўринда бир оз узилиб қолади. Зотан, муаллиф ўз дўсти уйдан бозор растасига тушишни, у ердаги тўққиз савдогар дўстига, шунингдек, Тошкентнинг ўша давр-

даги энг машҳур чеварларидан бўлмиш Муслимжонга салом айтишни, Муслимжон тиккан камзул, тўн, чолвор ва бошқа кўркам либосларни кийиб, яна Абдулазизхон уйига қайтиб боришни илтижо қилади. Абдулазизхон уйига энди қайтишдан мақсад унинг гапдаги жўралари даврасида ўзини хаёлан бўлса ҳам яна бир кўришдир:

Душанба кунда оқшом анжумандур,  
Нечук дей анжуманким, бир чамандур.  
Жамъни жўра ул кун жамъ ўлурлар,  
Тузуб бир маҳфил ўйла шамъ ўлурлар.  
Олиб боргай сени Абдулазизхон,  
Таомил бу эрур борганда меҳмон.  
Қанор олиб алар бирлан кўрушгил,  
Кириб навбат-банавбат ўлтурушгил.  
Ақъдатлиғ каломимни дегайсан,  
Муҳаббатлиғ саломимни дегайсан.  
Қачон этганларида базм бунёд,  
Бу дур афтодани ҳам айлагай ёд,  
Келурда айлама зинҳор таъжил,  
Бориб домацларин қил доғи тақбил.  
Агар хат берсалар, ёнингда сақла,  
Ғалат айдим, дилу жонингда сақла.  
Кетургилким эрур ҳирзи амон ул,  
Манга таъвици жони нотавон ул.  
Эрурман интизоринг келгунигча,  
Ўшал мактуби восил қилгунигча,  
Будур сўз: эй сабо, зинҳор-зинҳор,  
Туганди сўз валёкин шавқ бисёр.

Кўриниб турибдики, юқоридаги парча шеърий мактубнинг пировард мисраларидан иборат. Унда ватанжудоликнинг илк ойларидаёқ она юрт, тошкентлик дўстлар соғинчи бутун вужудини қуршаб олган шоирнинг қалби худди кафтингиз устида тургандек яққол кўринади. Ана шу бетакрор туйғулар Фурқатнинг саҳоватли савдогар дўсти Абдулазизхон номи ва ишлари билан боғлиқ ҳолда қоғозга тушади.

Хўш, Абдулазизхон ким? Фурқат унинг Сақичмон кўчасидан бориладиган манзилда яшаши ҳақида маълумот қолдирган. Лекин нима кўп, Сақичмон кўчасидан бориладиган маҳаллаю манзиллар кўп. Узоқ қидириш-суриштиришлардан сўнг ўз замонасининг машҳур зиёли-савдогари Абдулазизхон Бобохон ўғлининг

Сақичмон кўчасига яқин Ўзганд маҳалласидаги (ҳозирги Кўксув кўча, 65-уй) ҳовлисига кириб бордик. Шу маҳаллада катта бўлган забардаст ёзувчи Миркарим Осимнинг бобоси Абдулазизхон билан девор-дармиён қўшни бўлиб, бўлажак ёзувчи болалик йилларида унинг Абдуғафур исмли невараси билан ўша ҳовлида кўп вақт ўйнаганидан Абдулазизхоннинг кексалик даврини яхши билар экан. Кўгалдош мадрасасини тугатиб, яхшигина мулла бўлиб олган Абдулазизхон мўйна савдоси билан шуғулланиб, растада кенг шуҳрат топган. Адабиёт ва санъат унинг қалбига кучли ўт солган. Шу важдан Муқимий, Нодим Намангоний, Гўйчи ҳофиз, Фарзинхон, Мақайлик, кейинчалик эса, Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳакимзода, Хислат каби ижодкорлар Абдулазизхоннинг меҳмонхонасида тез-тез йиғилиб, нафосат анжуманларида яйраганлар.

Муқимийнинг «Хон акам» радибли ғазали дўсти Абдулазизхонга ярим араз тарзида битилганлиги, шоир Тошкентга йўллаган насрий мактубларида энг яқин дўстлари қатори Абдулазизхонни ҳам кўп марта ёдга олганлиги маълум.

1891 йил кузида Мақайлик Тошкентга келганида тўғри Абдулазизхон меҳмонхонасига тушганлиги ва шаҳардаги маданият масканлари, шоир ҳамда санъаткорлар билан худди Абдулазизхон ёрдамида танишганлиги Н.Остроумовнинг кундаликларида алоҳида қайд этилган.

Миркарим Осимнинг ҳикоя қилишича, Абдулазизхон ўз замонасининг янгича маърифатчиларидан бўлиб, Кўкча даҳасидаги болаларнинг янги усул мактабларида ўқишини ташкил этиш учун алоҳида жонбозлик кўрсатган. Даҳада мутаассиблар билан унинг ўртасида қаттиқ тортишувлар бўлган. Сабот ва иродаси зўр Абдулазизхон бу йўлдаги таъқиб ва тазйиқларга мардона чидаб, ўз мақсадларига эришган.

У бутун ҳаёти мобайнида олиб борган курашлари, ўзи учрашган, ҳамсуҳбат бўлган ажойиб зотлар ҳақида бир эмас, тўрт китоб тасниф этиб, ўғли йўқлиги сабабли, ягона қизи Мукаррамхонга қолдирган экан. Мукаррамхон ая Тошкент зилзиласидан сўнг тўртала китобни бобосидан ноёб мерос сифатида ўғлига топширган. Қасби адабиёт ўқитувчиси бўлган неварани ўғил эса унинг қадрига етмай, нест-нобуд қилиб юборган. Шундай табаррук мерос беқадр кетганлигидан афсунадоматлар қилдик.

Маърифат фидойиси бўлмиш Абдулазизхон 1928 йилда 74 ёшида ўша Ўзганд маҳалласидаги ҳовлисида, Фурқат кўп марта меҳмон бўлган болохона-меҳмонхонасида вафот этган. Тақдирнинг тақозосини қарангки, орадан 30 йил ўтгач, «Ўзбекфильм» киностудияси Фурқат ҳақидаги бадий фильмни суратга олар экан, шоирнинг изига тушган қотил уни ўлдириш мақсадида орқасидан келиб, ўзи тузоққа илиниши тасвирланган лавҳани билибми-билмайми, худди Абдулазизхон ҳовлиси жойлашган тор кўчада олган. Гап шундаки, 1966 йилги Тошкент zilзиласидан сўнг Абдулазизхоннинг тарихий обиди даражасидаги машҳур меҳмонхонаси унинг юқорида биз айтган адабиёт ўқитувчиси бўлмиш невараси томонидан бошқа жойга иморат қилиш учун бузиб олиб кетилди. Бироқ яратганнинг марҳамати билан бу меҳмонхона тарҳи «Фурқат» бадий фильми орқали келажак насллар учун муҳрлаб қолдирилганлиги ажойиб иш бўлди. Фильмни томоша қилган киши Фурқат Тошкентда Абдулазизхон уйига қандай айланма тор кўчадан юриб келганини, мезбоннинг болохона-меҳмонхонаси кўча тарафдан қандай кўзга ташланганини яққол тасаввур этиши мумкин.

Фурқат қалбида бир умрга етгулик меҳр уйғотган, унинг энг ноёб шеърий асарларидан бўлмиш «Сабога хитоб»нинг яратилишига сабаб бўлган табаррук зотлар орасида юқорида номлари тилга олинган олти тужжор алоҳида ўрин тутди. Азамат шоир ўз шеърий мактубида айтган гаплар мағзини чақиб, улардан ҳар бирининг ҳаётига, касб-корига, феъл-атвориغا тегишли нуқталарни мушоҳада қилар эканмиз, боболаримиз бўлмиш савдогарларнинг яшаш тарзидан фахрланамиз, ҳозирги ва бундан кейинги тужжорлар ҳам ўша азиз инсонларга ўхшаб ҳалол, инсофли, эл-юрт ғамини ўйлайдиган зукко зиёлилар бўлишини орзу қиламиз.

## МУНДАРИЖА

Судбати дилкаш олим . . . . .	3
Хуфия қатламлар . . . . .	8
Қозикалоннинг инсофи . . . . .	64
Амирлашкар Алимқули . . . . .	80
Тоғимухаммадбой ва биродари . . . . .	96
Мустақиллик ва мерос . . . . .	110
Зиёли савдогарлар . . . . .	115

ШАРИФ ЮСУПОВ

**ХУФИЯ ҚАТЛАМЛАР**

Тошкент «Маънавият» 1999

Муҳаррир *С. Содиқов*  
Мусаввир *С. Соин*  
Техн. муҳаррир *Т. Золотилова*  
Мусаҳҳиҳ *С. Абдусаматова*

Теришга берилди 15.12.98. Босишга руҳсат этилди 08.04.99. Бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б.т. 7,56. Шартли кр-отт. 7,98. Нашр т. 8,04. 5000 нусха. Буюртма № 175. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Маънавият» нашриёти, Тошкент, Шодлик кўчаси, 6. Шартнома 2—99.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй, 1999.